OİLA VA NİKOH


ОИЛА ВА НИКОҲ

WWW.GOFREEBOOKS.COM



www.ahlisunnat.com

Оила ва никоҳ



Алматы - 2016

Кириш

Оила – жонли мавжудотлар ичида фақатгина инсонларга ато этилган қимматбаҳо муассасадир. Ҳам-да инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи энг муҳим фарқдир.

Оила – жамиятнинг пойдеворидир. Пойдевори мустаҳкам бўлган бинолар узоқ муддат инсониятга хизмат қилганидек оилалари соғлом қурилган жамиятлар ҳам узоқ асрлар давомида ўзлигини ва маданиятини йўқотмаган ҳолда мавжудиятини давом эттиради.

19 асрда асосан ғарбда рўй берган индустрия инқилобидан кейин капиталист зодагонлар хотин зотини арзон ишчи кучи сифатида фойдаланишга ўтди. Минг бир жозибадор ва баланпарвоз шиорлар етовида аёл-қизлар оиласидан суғуриб олиниб, фабрика-заводларда ишга жалб қилинди. Шу билан оила биносининг баъзи тамал тошлари ўрнидан кўчди. Ғарб жамиятида оила институти инқирозга юз тутди. Оилавий муаммолар, ажрашиш ва фожеалар бир-бирини қувлаб, бугунги аянчли аҳволга дучор бўлишди. Шарқ ва мусулмон халқлари ҳам узоқ йиллар давом этган мустамлака даврида ғарблашиш, европалашиш шиорлари тагида ананавий оила тизимидан анча нарсаларни бой берди. Мустақилликдан кейин ҳам матбуот ва телевидениемизга ҳоким бўлган ғарб маданияти унсурлари остида яна анча қадриятларимизни зудлик билан йўқотмоқдамиз.

Шу боис жамиятимизда оила ичи нотинчлик, жанжал, ҳиёнат ва ажрашишлар тобора ортмоқда.

Бутун буларнинг асосий сабаби – оиланинг тираги бўлган ота, она ва фарзандларнинг ўз ўринларидан қўзғатилишлари




ҳам-да ҳеч қайсисининг ўз ўрни ва вазифасини билмаслигидадир. Ҳар соҳа ва ҳар жойнинг ўз тошу-тарозиси бўлганидек “оила” номли давлатнинг ҳам муайян қонун-қоидалари бор. Токи ўша қоидалар билинмас экан, на оилада, на жамиятда ҳузур ва фаровонликни таъминлаш мумкин эмас.

Биз ушбу кичик китобчамизда оила аъзоларининг оила ичидаги роли, ўрни ва вазифаларини қўлимиздан келганча кўрсатишга ҳаракат қилдик. Буни баён қилаётганда шахсий фикрларимизга эмас, асрлар давомида шаклланган урф-одатларимизга ва барчамиз фахрланадиган динимизнинг буйруқ ва тақиқларига асосландик. Шунинг учун китобчада тавсия қилинган угитларни ўқиётганингизда “Бу даврда ҳам шунақаси бўлармикан” демасдан, қўлдан келганича амал қилиб, амал қила олмаганларимиз учун Яратгандан мағфират тиласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳаммамиз уйимизга янги бир жиҳоз ёки асбоб сотиб олганимизда фойдаланишдан олдин уни ишлаб чиқарган муҳандислар томонидан тайёрланган “инструкция”ни, яъни “жиҳоздан фойдаланиш раҳбари”ни ўқиб кўрамиз. Чунки ўша ускунадан энг унумли фойдаланиш йўлини энг яхши биладиганлар улар эканлигига ишонамиз.

Худди шунингдек, инсонни ва оила аъзоларини яратган, уларнинг энг муносиб ҳолда қандай яшашлари, оилавий бахтни қўлга киритиш учун нималар қилиши кераклигини энг яхши биладиган ягона зот Аллоҳу таолодир. Ундан келмаган ҳар қандай маълумот фақат синаб кўрилгандан кейингина фойдаси ёки зарари маълум бўладиган чала маълумотлардир. Шунинг учун ундай нарсалар кўпинча жамиятларни адаштиради. Бугун бизга фойдалидек кўринган, туюлган анча нарсаларнинг







вақт ўтиши билан қанчалик зарар келтирганига кўпимиз иқрор бўлмоқдамиз.

Шунинг учун оилада ҳам ҳар биримиз қандай ҳаракат қилишимиз кераклигини Ислом олимларининг қийматли китобларидан ўрганиб, шунга мос равишда яшашимиз керак.

Қуръони каримнинг Наҳл сураси 80- оятида: ***“Аллоҳ, уйларингизни сизлар учун ҳузур-ҳаловат ва рохатлик маконига айланттирди”*** *деб марҳамат қилинган. Уйларимизнинг ҳузурли маконга айланиши Аллоҳу таолонинг буйруқларига мос равишда ҳаёт кечиришмизга боғлик. Ушбу буйруқ ва тавсияларга қанчалик амал қилсак, оилавий бахт ва ҳузур-ҳаловатмиз ҳам шу даража ортади. Уйларида тинчлик ҳукм сурмаган жамиятларнинг кўчалари ҳам нотинч бўлади. Ундай жамиятлар ҳар он портлашга тайёр турган вулқонга ўхшайди. Бундан бутун миллат ва инсоният зарар кўради.*



Жанобиъ Ҳақ барчамизнинг хонадон ва оилалармизни ҳузурли айласин! Омин.

Оила тарихи

Инсонлар бирга жамият бўлиб яшашга мажбур қилиб яратилган. Жамиятнинг энг кичик ячейкаси - оила.

Шу жиҳатдан оила, жамият ва миллатнинг тамали бўлиб ҳисобланади. Оила - одамларнинг туғилиб-ўсадиган, тарбияланиб-камол топадиган макони.

Инсоният оиладан бошланади. Муқаддас китобимиз Қуръони каримда таъкидланганидек, бу оила бир эркак ва бир аёлдан иборат. Ҳужурот сураси 13-оятида: **“Эй инсонлар! Биз сизларни бир эркак билан бир аёлдан яратдик. Бир-**





бирингиз билан танишишингиз учун сизларни миллатлар ва қабтилаларга ажратдик.” дейилган.

Бугун Илм-фан томонидан тасдиқланганидек оламдаги турфа хил ирқ, миллат, ранг, қон гуруҳлари ва скелет тузилишларидан қатъий назар, барча одамлар битта ота-онадан вужудга келган.

Илк инсон ва илк пайғамбар бўлган ҳазрати Одам билан ҳазрати Ҳавво ер юзида яшаган ва илоҳий ваҳий орқали тарбияланган дастлабки оиладир. Одамзот насли улардан тарқади.


Бу ҳам бизга одамзотнинг биринчи оталарининг ваҳший ва ибтидоий маймунсимон одамлардан тарқамаганини кўрсатиб турибди. Ҳозирги илмий изланишлар ҳам даҳрийлик тарғиботи учун ўйлаб топилган бундай нарсаларнинг уйдирма эканлигини таъкидламокда.

Эски жамиятларда оила

Оила ҳар хил динларда, жамиятларда даврга ва маконга қараб фарқланган. Тарихда эркак ҳокимиятига асосланган (падаршоҳи) оилалар билан она ҳокимиятига асосланган (модаршоҳи) оилалар, бирхотинлик (моногами) оилалар билан кўпхотинлик (полигами) оилалар ҳам кўп кузатилган.

Исломдан аввалги халқларда умуман оила қуйидагича кўриншида эди:

Яҳудийликда оила, ота ҳокимиятига асосланган бўлиб, ижтимоий ва диний муассаса ҳисобланарди. Аёл зотининг мерос олиш ҳуқуқи йўқ эди. Кўп хотинлик оммавий эди. Исроил ўғилларидан бошқа халқларда бирхотинлик кенг тарқалган эди. Ажрашишга лоқайд қараларди. Шунинг учун яҳудий жамиятида ажрашиш воқеалари тез-тез учрарди.




Христианликда оила фақатгина диний муассаса ҳисобланиб, эркак ҳокимиятига асосланарди. Бир марта никоҳланган эркак ва аёл умрбод ажрашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган эди. Ажрашиб бошқа биттаси билан турмуш қурган жуфтлар зино қилганликда айбланарди. Кўпхотинлик оилалар учраб турса ҳам, асосан бирхотинлик оилалар кенг тарқалган эди.

Римликларда оила ижтимоий ва диний муассаса саналиб, эркак ҳокимиятига асосланган оила тури оммавий эди. Ота оиланинг раиси ҳисобланиб, чексиз ҳуқуқларга эга эди. Дастлабки даврларда ҳатто ота болаларини ўлдириш ҳуқуқига ҳам эга эди. Бола асраб олиш одати ҳам кенг учрарди. Бирхотинлик тарғиб қилинарди. Кўпхотинлик кузатилмасди.

Арабларда, Пайғамбаримиздан аввалги жоҳилият даврида оила эркак ҳокимиятига таянар, хотин ва фарзандларнинг қадри йўқ эди. Ота қиз фарзандларини ўлдириш ҳуқуқига эга эди. Гўдак қиз бўлса, бундан номус қилиб, тириклайин кўмиш расмга айланганди.

Исломдан аввалги туркийларда оила ота ҳокимиятига суянарди. Лекин эски римликлардагидек ота чексиз ҳуқуқ эгаси эмасди. Бирхотинлик асос бўлиб, кўпхотинлик оилалар сийрак учраб турарди.

Мусулмонларда оила

Ислом ҳуқуқида: Ислом дини жамиятнинг тинчлиги ва одам наслининг сиҳҳатли тарзда давом этиши учун оиланинг аҳмиятини билдирган. Шу боис никоҳланишни ҳалол қилиб, зинони ва зинога элтувчи ҳатти-ҳаракатларни тақилаган. Аёл зотига ҳеч бир дин ва давлат бера олмаган ҳуқуқларни берган. Муҳтарам пайғамбаримиз **Видолашув Хутба**ларида умматига: **“Аёлларингга азият берманглар! Улар Аллоҳнинг сизларга**








ато этган амонатидир. Уларга нисбатан юмшоқ муомалада бўлинглар, яхшилик қилинглар.” деб насиҳат қилганлар. Бир ҳадиси шарифда: **“Жаннат оналарнинг оёқлари тагидадир.”** Деб, аёл зотини ҳимоя қилишда тенгсиз ўлчовлар қўйганлар. Лекин эркак зоти Исломиятда **“оила раиси”** бўлиш сифати билан аёлларга жавобгар ва улардан бир поғона юқори даражага эга. Аллоҳу таоло аёл зотини эркакларнинг ҳимоясига топширган. Нисо сураси 34- оятида **“Эркаклар аёллар устида ҳокимдирлар, аёлларнинг ҳимоячиси ва бошқарувчисидирлар”** дейилган. Эркакларнинг аёллар устида баъзи ҳақ-ҳуқуқлари бўлганидек, аёлларнинг ҳам эркалар устида маълум ҳақ-ҳуқуқлари бор. Оилавий бахт билан ижтимоий ҳаётнинг ҳузури оилани қрувчи эркак ва аёлнинг ўша ҳақ-ҳуқулари ҳам-да вазифаларини билиб, бажаришига боғлик.

Оилада эҙр ва хотининг бир-бирларини тушуниб, муроса қилишлари оилавий бахт учун зарурий шартдир. Ҳар бирининг ўз вазифа ва масъулиятларини билиши оилада осойишталикнинг таъминида муҳим омил саналади. Оитада тартибни ота таъминлайди. Ота қанчалик одил бўлса, оилада шунчалик ҳузур-ҳаловат бўлади. Ақл-хуши жойида бўлган эр-хотинлар бир-бирларини асло хафа қилишмайди.

Яқин давр исло олимларидан Ҳусайн Ҳилми Ишиқ ҳазратлари “раҳматуллоҳи алайҳ” эрнинг хотини олдидаги масъулияти ҳақида бундай деганлар:

“Ақлли эр-хотин бир-бирини хафа қилмайди. Умр йўлдошини ҳа деб хафа қилавериш, ранжитиш оила саодатига футур етказадиган энг улкан саблардандир. Золим ва хулқи чатоқ одам умр йўлдошини давомли равишда хафа қилиш орқали унинг асабларини чарчатади. Асаб бузилгач, ҳар хил касалликлар пайдо бўла бошлайди. Умр йўлдоши касал бўлган одам бахтидан айрилиб, адойи тамом бўлган одамдир. Энди умр йўлдошининг меҳридан, муҳаббатидан ва хизматларидан







маҳрум қолиб, қолган умри унинг дардини эшитиш, унга табиб ахтариш, унга одатланмаган хизматларни қилиш билан ўтади. Бутун бу фалокатларга, тугамайдиган ташвишларга эр ёки хотиннинг ёмон халқ-атвори сабаб бўлади. Булардан йироқ, бахт-саодатли оиланинг асоси, ўзаро илиқ муносабат, кулар юз, тушуниш ва сабрли бўлишдир. Бу хислатлар динимизнинг жуфтларга буйруғи бўлиб, ким уларга амал қилса, дунё ва охиратда рохат-фароғатда бўлади.”


Оиладан мақсад наслнинг давоми бўлган фарзанддир. Одамнинг вафотидан кейин халқ орасида яхши одам сифатида ёдга олиниши учун жамиятга хизмат қиладиган бир асар, фойдали илм ёхуд хайрли авлод қолдириши керак. Амма нарса тугаб, унутилса ҳам, булар унутилмайди ва марҳумнинг хайрли ишларининг, савобининг давом этишини таъминлайди.

У ҳолда фарзанднинг одобли қилиб вояга етказилиши ота-онанинг муштарак вазифасидир. Онага фарзандини эмгизиб, парваришлаб, яхши хулқ ўргатиб тарбиялаш; отага эса, фарзанднинг ҳалол озиқ билан униб-ўсиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаши биринчи вазифадир.

Устунлик ва ҳақ

Устунлик бошқа, ҳақи бўлмоқ, яхшиликка лойиқ бўлмоқ бошқа нарсалар. Она кофир бўлса ҳам, унга яхшилик қилиш керак. Бир кимса “Ё Расулаллоҳ, онам мушрик. Унга яхшилик қилишим жоизми?” деб сўради. Расулуллоҳ **“Ҳа, онангга яхшилик ва эҳсонда бўлгин”** деб марҳамат қилдилар. (Абу Довуд)

Ҳар бир пайғамбар ўз онасидан ҳам устундир. Бунга қарамай пайғамбарлар ҳам ўз оналарига хизмат этиб, ҳурмат қилганлар. Чунки она, ҳақ соҳибидир, хизмат ва ҳурматга лойиқдир. Ҳақи

бўлмоқ, хизмат ва ҳурматга лойиқ бўлмоқ бошқа, устун бўлмоқ бошқа нарсалар. Бир зот сўрадики:

- Ё Расулаллоҳ, жиҳодга боришни истайман.

- Онанг ҳаётми?

- Ҳа, ҳаёт.

- Унга хизмат эт, жаннатни уни рози қилиш билан қозонасан. (Табароний)

Жиҳодга боришни истаган бошқа бирига **“Онангнинг ёнидан ажралма, жаннат унинг оёқлари таги дадир”** деб марҳамат қилдилар. (Насоий)

Ҳақ соҳиби бўлиш ҳамиша устун бўлишни талаб қилмайди. Ҳадиси шарифда **“Инсонлар ичида энг катта ҳақ соҳиби эркакнинг устида она ҳақи, аёлнинг устида эрининг ҳақидир”** деб марҳамат қилинди. (Ҳаким)

Ота-онанинг фарзанди устида ҳақи бўлганидек фарзанднинг ҳам улар устида ҳақлари бор. Эрнинг аёли уститда ҳақи бўлганидек, аёлнинг ҳам эри устида ҳақи бор. Фақат ота-она ва эр ҳақи аввал келади. Бу аввал келиши устунлигини кўрсатмайди. Бундан *“Исломият аёлга ва фарзандга ҳақ-ҳуқуқ бермаган”* деб маъно чиқариш туҳмат бўлади. Кимнинг имони қувватлироқ ва ким Аллоҳу таолонинг амрларига кўп риоя қилса, у устунроқ бўлади. (**Кимёи саодат**)

Оилада ўзаро ҳурмат ва муҳаббат асосдир

Исломият инсон ҳаётида ахлоқ билан илмга баланд ўрин ажратиб, саводсизлик ва одобсизликни тақиқлаган. Шунинг учун ҳар бир ота-она фарзандига унинг илмий, ахлоқий ва диний вазифаларини ўргатиши керак. Агар ўргатишмаса, жавобгар бўлиб, шиддатли азобга гирифтор қилинади. Чунки







фарзанд, севиб-севилишни, ҳурмат-иззатни мана шу тарбия асносида олади. Тартибли ва интизомли турмушга шу тарбия давомида одатланади.

Аллоҳу таолога ишонишни, пайғамбарга муҳаббатни, ватан-миллатга бўлган вафо-ю садоқатни, урф-одатларга ҳурматни фақат мана шундай оилада ўрганади. Фарзанд олти ёшларигача одамий хислат ва сифатларрини оиласидан олади. Шу боис оиланинг интизомли ва бўлиши унинг ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди.

Оилавий ҳаётнинг чиройли ва интизомли бўлиши у оилада яхши хулқ-атворли, меҳр-оқибатли фарзандранинг вояга етишига сабаб бўлади. Тарбия учун ота-она керак бўлганида қаттиққўллик қила олади. Лекин бу боланинг ҳали шаклланмагаман мурғак қалбию руҳида теран яралар қолдирадиган калтаклаш кўринишида бўлмаслиги керак. Ҳаддан зиёд қаттиққўллик боланинг ёлғончи, ҳийлабоз, бевафо ва қўрқоқ бўлиб етилишига олиб келади. Баъзи оилалардан чиққан ўғил болаларнинг айнан мана шундай салбий ва пасткаш сифатларда кўпроқ кўриниши на диндан на дунёдан бехабар ота-оналар туфайлидир.

Ота-она ўғил ва қиз фарзандларини доимо назорат қилиб юришлари, айниқса ёмон тенгдошларидан ҳимоя қилишга, узоқ тутишга ғайрат қилишлари керак. Ёмон дўст-дугона фарзанднинг энг катта душманидир.

Фарзанд хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин, ҳар доим ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиши керак. Турмушнинг ҳар хил қийинчиликларига қарамай уларни оқ ювиб, оқ тараб, ғам-ташвиш тортиб вояга етказган ота-оналар ҳамиша ҳурмат ва итоатга лойиқдирлар. Қуръони каримда маолан: **“Аллоҳу таолога ибодат қилинлар”** дейилгач ортидан **“Ота-онага яхшилик қилинглар”** деб буйрилган. (Бақара-83) Уларга нисбатан **“Уфф!”** дейиш ҳам (Исро-23) тақиқланган.







Бир отанинг қизига насиҳати



Қирқ йиллик оилавий ҳаётдан, бошимдан ўтган аччиқ-чучук хотиралардан ва тажрибалардан кейин қизимга ҳамда бутун мусулмон қизларга муҳим насиҳат айтмоқчиман. Ҳузурли бир оила қуриш учун ёшларнинг бу насиҳатларга қулоқ солишларини истайман. Чунки булар қирқ йиллик тажрибанинг натижаси. Ушбу насиҳатларни етмиш ёшга яқинлашган, ҳеч кимдан бирон нарса кутмаётган, ичидаги ўй-фикрларини шундайлигича ифода қилаётган қария бир мусулмоннинг самимий гаплари деб қабул қилинг:

1. Қизим, нафсингга оғир келса ҳам аввал шуни қабул қил! Эркак киши жисмонан, ақлан ва руҳан аёл кишидан устундир. Жаноби Ҳақ аёл кишини эркакнинг ҳимоясига берган. Чунки ояти каримада **“Эркаклар аёллар устидан ҳокимдир, уларнинг бошқарувчиси ва ҳимоячисидир”** деб буюрилган. (Нисо, 34) Буни қабул қилишнинг сенга ҳеч зарари бўлмайди. Аксинча кўп фойдасини кўрасан. Қабул қилмасанг ҳам дунёда, ҳам охиратда бунинг азобини тортасан.

2. Билган нарсанг тўғри бўлса ҳам, буни эрингга қабул қилдиришга уринма, бу хусусда у билан баҳслашма! Айтганингдан фойда бўладиган бўлса, бир марта айтгин-у, ўзингни четга ол. Хоҳласа қабул этсин, хоҳламаса йўқ.

3. Ҳар жамиятда, ҳар ширкатда, ҳар давлатда охирги сўзни бир киши айтади. Ва шу охирги сўзнинг албатта тўғри бўлиши ҳам шарт эмас. Лекин мутлақо охирги гапни бир киши айтиши керак. Агар ундай бўлмаса, жамиятда осойиш қолмайди, бошбодоқлик ва тўс-тўполон бошланади.

Худди шунга ўхшаб, жамиятнинг энг кичик бўлаги бўлган оилада ҳам сўнгги сўзни бир киши айтиши керак. Бу кишининг эса, эр киши эканлигини Қуръони карим таъкидлаган. Шу




сабабли сен ўз фикрингни билдиргину, лекин охирги қарорни эринг берсин!

4. Жамиятда инсонлар орасида мутлоқ бир тенглик йўқ ва бўлмайди ҳам. Аллоҳу таоло шундай яратган. Жамиятни бошқарадиган раҳбар ва бошлиқларнинг имтиёзлари бўлади. Уларнинг бундай имтиёзларга эга бўлишида жамиятга жуда катта манфаат бор. Уларга қилинган яхшилик, кўрсатилган ҳурмат ва берилган имтиёз буларни қилган кишиларга албатта қайтади. Чунки бир Бош вазирнинг касал бўлиши, ишларини вақтида бажара олмаслиги ҳар бир ватандошга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шунинг учун "Бош вазирнинг ёнида давомли доктори юради. Уни кўрган оддий халқнинг «менинг ёнимда нега шахсий врачим йўқ, ахир биз тенг ҳуқуқлимиз-ку" дейиши қаътиян ноўрин. Чунки раҳбарнинг соғ-саломат бўлиши, халқнинг саломатлиги демакдир. Шунингдек иш берувчи раҳбарнинг ҳам соғлиги ночор бўлса, қўлостидаги барча ходимларига манфий таъсир кўрсатади. Ишлар юришмайди ва охир-оқибат ўша ишхона ёпилади. Бундан раҳбардан зиёда, ходимлар кўпроқ зарарли чиқишади. Оилада ҳам худди шундай, сен ва оила аъзоларининг ҳаммаси оила раиси бўлмиш ота атрофида парвона бўлишларинг керак. Чунки унинг яхши бўлиши бутун оила аъзоларининг яхши бўлиши деганидир. Агар у яхши, соғ-саломат бўлса, қолганлар ҳам соғ-саломат бўлади. Чунки у оила аъзолари учун меҳнат қилади, оиладан битта-яримтаси касалга чалинса, даволатади, бирон эҳтиёжлари бўп қолса, топиб келади.

5. Эрингнинг қадрини бил! Ҳикмат аҳли бўлган бир зот: "Арақхўр бўлса ҳам, уйда бир эркакнинг бўлиши аёл учун катта неъматдир" деганлар. Буни бева қолиб, оиланинг ташвиши бошига тушган аёллар яхши билишади. Шунинг учун уйда "Сен-мен" эмас, фақатгина "у" бор. "У бор бўлса, биз ҳам бормиз, у







йўқ бўлса биз ҳам йўқмиз” деб ўйлашинг лозим. Ўзингни бунга ишонтир. Биттадан ортиқ “мен” бўлган жойда ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Ҳамма жойда тинчлик ва ҳузур “ўзингни йўқ” деб фараз қилишдан бошланади. Буни унутма!


6. Эр кишининг иши ҳақиқатан ҳам қийин. Шунинг учун унга ёрдамчи бўл, тўғаноқ бўлма! Чунки у уйнинг нафақасини таъминлаш билан бирга, сенинг ва фарзандларинг қилган ҳар бир ишдан масъулдир. Дунёда ва охиратда бунинг ҳисобини у беради. Аёл кишининг эса бундай оғир юки йўқ. У фақатгина ўз қилган ишидан масъул бўлади. Бундан ташқари, эр кишининг жамият олдида яхшиликларни ёйиш, ёмонликларга моне бўлишдек вазифаси ҳам бор. Бу вазифа унга фарздир. Мана шундай қийин ва оғир ишни бажараётган эркак жиҳод савобини олади. Аёл кишининг жиҳод савобини олиши, жаннатга кириши эр кишига қараганда анча осон. Жаноби пайғамбаримиз қуйидагича марҳамат қилганлар:

“Аёлнинг жиҳоди эри билан яхши муносабатда бўлишидир.”

“Мўмина аёл эрига итоат қилгани учун етмиш сиддиқнинг амали миқдорида савоб қозонади.”

“Бир аёл беш вақт намозини ўқиса, Рамазонда рўза тутса, номусини сақлаб, эрига итоат қилса, жаннатга хоҳлаган эшигидан киради.”

Мана қизим, қисқа ва лўнда қилиб сенга ҳузурли бир оила бўлишнинг йўлини кўрсатдим. Хоҳласанг мана шу йўлдан юриб, дунёда бахтли умр кечир ва охиратда ҳам жаннат неъматларига эришгин. Хоҳламасанг дунёни ва охиратни ўзингга зиндон қил! Танлаш эрки ўзингда!




Ота-онанинг фарзанди устидаги саксон ҳақи

Имом Насафий ҳазратлари билдиради: Ота-онанинг фарзандлари устида саксон ҳақи бор. Қирқтаси ҳаётлигида, қирқтаси вафотидан кейин. Ҳаётлигидаги қирқ ҳақдан ўнтаси бадан билан, ўнтаси тил билан, ўнтаси қалб билан, ўнтаси пул биландир.

Бадан билан бўлган ҳақлари:

1. Хизматларини қилиб, розиликларини олмоқ. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

“Ота-онасига хизмат қилганнинг умри баракали ва узун бўлади.” (Ислом ахлоқи)

“Ота-онасини динга мос хизматлари билан рози қилган, Аллоҳу таолони рози қилган бўлади. Уларни ғазаблантирган, Аллоҳу таолони ғазаблантирган бўлади.” (Ибн Нажжор)


“Ота-онаси ўз ёнида кексайиб (розиликларини ололмасдан) Жаннатга эришмаганнинг ҳолига вой.” (Термизий)

Ҳасан Басрий ҳазратлари Каъбани тавоф этаётганида елкасига юк ортиб олган бирини кўриб деди:

- Нимага юк кўтариб олиб, тавоф этяпсан?

- Бу юк эмас, отам. Уни Шомдан етти марта елкамда кўтариб келиб, тавоф этдим. Чунки менга динимни, имонимни ўргатди. Мени ислом ахлоқи билан тарбиялади.

- Қиёматгача елкангда кўтариб юрсанг ҳам, агар бир кўнглини ранжитиб қўйсанг, қилган хизматларинг бекорга кетади. Бир марта кўнглини олсанг, шунча қилган хизматларингни ўрнини босади.Ота-онага хизматни нуқсон билан қилмаслик керак. Ҳазрати Ибн Аббос “Ота-онага нисбатан муносабатда ожиз, кучсиз бир қулнинг қаттиққўл ва қўпол хўжайинига бўлган муносабатида бўл” деди.

Онага ҳурмат ва хизмат отадан аввал келади. Ҳадиси шарифларда:

“Онага қилинган яхшиликнинг ажри икки баробардир.” (И.Ғазолий)

“Аввал онага, сўнгра отага, опа-синглингга, ака-укангга ва тартиби билан бошқа яқинларингга яхшилик қил.” (Насоий)

“Вайсал Қаронийнинг қовушган бутун эҳсон ва даражалари онасига қилган яхшиликлари сабаблидир.” деб марҳамат қилинди. (Р.Носиҳин)

“Ё Расулаллоҳ! Онам мушрик, унга яхшилик қилсам жоизми?” деб сўраганга **“Ҳа, онангга яхшилик ва эҳсонда бўл”** деб марҳамат қилинди. (Абу Довуд)

Ҳар бир пайғамбар ўз онасидан ҳам устун бўлади. Шунга қарамай пайғамбарлар ҳам оналарига ҳурмат кўрсатган, хизматини қилган.

Кофир бўлган ота-онага хизмат қилиш, нафақаларини бериш, кўргани бориб туриш керак. Куфрга сабаб бўладиган нарсаларни қилдиришидан қўрқса, кўргани борилмайди. (**Баззозия**)

Ҳазрати Мусо жаннатдаги қўшниси ким бўлишини Ҳақ таолодан сўраб билади. Унинг ёнига боради. У киши қассоб экан. Қассоб бир парча гўшт пиширади. Сўнгра осилган замбилни тушириб, у ерда ўтирган жуда заиф бир кампирга сув ва гўшт беради. Уст-бошини тозалаб, қайтадан замбилга ётқизади. Қассоб “Бу онам, кексайганидан кейин шу аҳволга келди. Эрталаб ва кечқурун шу тарзда боқаман” дейди. Қассобнинг онасининг “Ё Рабби! Ўғлимни жаннатда Мусо алайҳиссаломга қўшни қил!” деб дуо қилганини Мусо алайҳиссалом эшитиб қассобга **“Хушхабар, Аллоҳу таоло сени Мусо алайҳиссаломга қўшни қилди”** дейди. (**Ширъа**)

2. Яхшилик қилмоқ. Ота-онага яхшилик қилиш фарзанд учун фарз. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:




“Ота-онасига яхшилик қилган фарзанд пайғамбарлар билан жаннатга киради.” (И.Рофий)

“Ота-онасига яхшилик қилганнинг умри узун ва ризқи баракали бўлади.” (И.Аҳмад)

“Ота-онангизга эҳсон қилсангиз, фарзандларингиз ҳам сизга эҳсон қилади.” (Табароний)

“Сен ҳам, молинг ҳам отангга тегишлидир.” (Ибн Можа)

3. Осий бўлмаслик, қарши чиқмаслик. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

“Ота-онага қарши чиқиш катта гуноҳдир.” (Бухорий)

“Ота-онасига осий бўлган фарзанд жаннатга кирмайди.” (Насоий)

“Ота-онасига қарши чиққан фарзанднинг умри баракасиз ва қисқа бўлади.” (Ислом ахлоқи)

Имони бўлганлардан жаҳаннамдан энг охирида чиқадиганлар – Аллоҳу таолонинг йўлида бўлган ота-онасининг исломиятга мос амрларига осий бўлганлардир.

Ота-онанинг ва ҳеч кимнинг динга тўғри келмайдиган амрлари бажарилмайди. Фақат ота-онага шунда ҳам ширин гапириш, кўнглини оғритмаслик керак.

Ота-она кофир бўлса, черковдан, майхонадан ҳатто елкасида кўтариб бўлса ҳам уйга олиб келиш лозим. Фақат у ерларга олиб бориш керак эмас. Ота-она золим бўлса ҳам, улар билан қаттиқ оҳангда гапириш жоиз эмас. “Ота-онам жуда шафқатсиз. Уларга қандай итоат этайин” деб сўраган кимсага Расулуллоҳ: **“Онанг сени 9 ой қорнида кўтариб юрди. 2 йил эмизди. Сени улғайтгунча қўйнида ва қучоғида олиб юрди. Отанг ҳам сени ўстиргунча бир қанча заҳматларга дуч келди. Еб-ичишингни, кийинишингни таъминлади. Сенга динингни, имонингни ўргатди. Сени ислом тарбияси билан тарбиялади. Энди қанақасига шафқатсиз бўлиб қолди? Бундан ҳам ортиқ шафқат бўладими?”** деб жавоб бердилар. (Эй ўғил илмиҳоли)







“Ё Расулаллоҳ! Қари онамга қўлим билан едириб-ичираман. Таҳоратини олдираман, елкамда кўтариб юраман. Ҳақини ўтаган бўламанми?” деб сўраган кишига дедиларки: **“Йўқ, юздан бирини ҳам ўтаган бўлмайсан. У сенинг яшаб кетишинг учун хизмат қиларди, сен эса унинг ўлимини кутиб хизмат қиляпсан. Аммо Аллоҳу таоло бу оз яхшилигинг эвазига жуда кўп савоб беради.”** (Риёз-ун-Носиҳин)


Бир зот “Ё Расулаллоҳ! Ота-она зулм этса ҳам, розилигини олмаган фарзанд жаҳаннамга тушадими?” деб сўраганида, унга жавобан 3 марта **“Ҳа, зулм қилсалар ҳам, розилигини олмаган жаҳаннамга тушади”** деб марҳамат қилдилар. (Байҳақий)

Шундай экан, ота-она золим бўлиб, фарзандга зулм қилсалар ҳам, гуноҳ ишни амр этсалар ҳам, уларни ранжитмасликка, хафа қилмасликка ҳаракат қилиш керак. Гуноҳ бўлган амрлари бажарилмайди, лекин уларни ранжитадиган гап гапириш ҳам жоиз эмас.

Ота-она ёмон бўлса ҳам, улар билан яхши муносабатда бўлиш лозим. Уларни бориб кўриб туришни тарк этиш, катта гуноҳдир. Ҳеч бўлмаса, бировдан салом айтиб юбориб, хат ёзиб, телефон қилиб бу гуноҳдан қутулиш керак.

Қуръони каримда 3 нарса 3 нарса билан бирга билдирилди. Бири бажарилмаса, иккинчиси қабул бўлмайди. Пайғамбарга итоат бўлмаса, Аллоҳга итоат этилган бўлмайди. Ота-онага шукр этилмагунча, Аллоҳу таологa шукр этилган ҳисобланмайди. Молининг закотини бермагунча, намозлари қабул бўлмайди. (**Тафсир-и Муғний**)

4. Итоат этиш, қарши чиқмаслик, гуноҳ бўлмаган амрларини бажармоқ. Ҳазрати Мусо, Аллоҳу таолодан 9 марта насиҳат сўради. Барчасида ота-онага итоат этиши амр этилди. Ҳадиси шарифда **“Ота-онага итоат Аллоҳга итоатдир, уларга осий бўлиш Аллоҳга осий бўлишдир”** деб буюрилди. (Табароний) Отасига осий бўлган кимса фарзандидан мурувват кўрмайди,








муродига етолмайди, оиласи билан муносабати ва уйининг тинчи бузилади. (**Ширъа**)

5. Қаттиқ тикилмаслик, шафқат билан, севги билан боқмоқ. Ота-онасига шафқат, севги билан бир марта боқса, қабул бўлган бир ҳаж савобига қовушади. Пайғамбаримиз: **“Ота-онанинг юзига меҳр билан қараганга ҳаж ва умра савоби берилади”** деб марҳамат қилганларида “Кунига минг марта қараса ҳамми?” деб сўрадилар. Расулуллоҳ уларга жавобан **“Кунига юз минг марта боқса ҳам...”** дедилар. (Р.Носиҳин)

Яна марҳамат қилдиларки: **“Ота-онанинг юзига меҳр билан боқиш ибодатдир.”** (Абу Нуайм)

6. Ранжитмаслик, хафа қилмаслик, розиликларини олмоқ. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:


“Раббининг розилиги ота-онанинг розилигида, ғазаби ҳам уларнинг ғазабидадир.” (Бухорий)

“Ота-онанинг кўнглини олган мўминга Жаннатнинг икки эшиги, ранжитганга ҳам Жаҳаннамнинг икки эшиги очилади.” (Байҳақий)

“Ота-онасини рози қилган мўмин нима қилса, қилсин, Жаҳаннамга тушмайди. Ранжитган эса Жаннатга кирмайди.” (Ширъа)

“Ҳақ таоло баъзи гуноҳларнинг жазосини қиёматга қадар кечиктиради. Ота-онага қарши исён қилиш бундан мустаснодир.” (Ҳаким)

Орта-онани ранжитиш, уларни хафа қилиш катта гуноҳдир. Ота-онанинг ёки бошқа ҳеч кимнинг гуноҳ бўлган амрлари бажарилмайди. Ота-онанинг таомларида ҳаром аралашгани шубҳали бўлса, ота-она фарзандини бу таомдан ейишга мажбурласа, фарзанднинг бу таомдан ейиши керак. Чунки шубҳали нарсалардан сақланиш ваъро, ота-онанинг амрини бажариш эса вожибдир. Фақат динга тўғри келмайдиган амрлари бажарилмайди. Масалан, улар “Ичкилик ич, намоз




ўқима, бўлмаса сендан рози бўлмаймиз" десалар ҳам ҳаром бўлган нарсалар бажарилмайди. Чунки "Холиққа исён бўлган ишда итоат этилмайди" деган буйруқ бор. Ҳақ таоло **"Биз инсонларга ота-онасига яхши муомалада бўлишни тавсия этдик. Агар улар сени ўзинг билмаган нарсаларни менга шерик қилишга мажбурласалар, уларга итоат этма!"** деб буюрди. (Анкобут, 8)

Ота-онаси гуноҳ ишлайдиган фарзанд уларга бир марта насиҳат қилади. Агар қабул этмаслар, бошқа гапирмайди. Уларни дуо қилади.

7. Рухсатисиз сафарга чиқмоқ. Ҳажга бораётганда муҳтож бўлмаган ота-онадан рухсат олиш суннатдир. Ота-она муҳтож бўлса, рухсатсиз кетиш ҳаромдир. Ота-онаси муҳтож бўлмаган кимса, уларнинг рухсатисиз фарз бўлган ҳажга кета олади. Фақат нафила бўлган ҳажга рухсатсиз бора олмайди. (**Радд-ул мухтор**)

Жиҳодга боришни истаган бир кимсага Пайғамбар жанобимиз ота-онасининг соғ эканлигини билгач **"Шу ерда қол, уларга хизмат қил, уларга хизмат ҳам жиҳоддир"** деб марҳамат қилдилар. (Бухорий)

Жиҳодга боришни истаган бошқа бирига **"Онангнинг ёнидан ажралма! Жаннат унинг оёғи остидадир"** дедилар. (Насоий)

Бир кимса ҳижрат учун келиб "Ё Расулаллоҳ! Ота-онамни йиғлатиб келдим" деди. Пайғамбаримиз бу ҳолатга ранжиб **"Дарров ортингга қайт, уларни йиғлатганингдек, энди уларни кулдир!"** дедилар. (Абу Довуд)

Ота-онани зиёрат этмаслик, улардан хабар олмаслик катта гуноҳдир. Ҳеч бўлмаса салом айтдириб юбориб, хат жўнатиб бу гуноҳдан қутулиш керак.

8. Ҳурмат-икром кўрсатишни қусурли қилмаслик керак. Ҳадиси шарифда **"Катталарни ҳурмат қилмаган биздан эмас"** деб марҳамат қилинди. (Термизий)

Уларни кўрганда ўрнидан туриш, ёнларига бориш, улар







ўтирмагунча ўтирмаслик лозим. Ўтирганда ҳам одоб билан ўтириш, оёғини узатиб, чалиштириб ўтирмаслик керак. Улар менга ҳеч нарса демайди, деб бу нарсаларга лоқайд бўлмаслик лозим.

9. Улар билан йўлда кетаётганда ортларидан юриш. Заруратсиз олдиларига ўтмаслик.


10. Чақирганда дарров олдиларига бормоқ, лаббай демоқ. Ота-она чақирганда фарз намозни бузиш жоиз бўлса ҳам, эҳтиёж бўлмаса бузмаслик керак. Суннат намозлар бузилади. Ҳақ таоло **“Ё Мусо, менинг назаримда энг оғир ва катта гуноҳ борки, у ҳам ота-она фарзандини чақирганда амрига бўйсунмасликдир”** деб буюрди. (Ислом ахлоқи)

Тил билан бўлган ҳақлари:

1. Юмшоқ гапирмоқ, тавозеда бўлмоқ. Уларнинг гапларига уф тортмаслик. Ҳақ таоло **“Биз инсонларга ота-онасига яхшилик қилишни тавсия этдик”** деб буюрди. (Аҳқоф, 15)

“Раббингиз ёлғиз ўзига қуллик этишингизни, ота-онангиз билан ҳам яхши муомалада бўлишингизни амр этди. улардан бири ёки иккиси ҳам ёнингда сен билан бирга кексайса, уларга ҳеч қачон уф тортма, оғир сўз сўзлама, улар билан юмшоқ ва ширин муомалада бўл, уларга раҳм-шафқатда бўл, улар учун “Раббим, мени кичиклигимдан ўстириб-улғайтганлари каби сен ҳам уларга марҳамат эт” деб дуо эт.”
(Исро, 23-24)

Ҳасан Басрий ҳазратлари “Олим бир фарзанднинг ота-онаси кофир бўлсалар ва қудуқдан сув чиқариш учун унга муҳтож бўлсалар, фарзанд бир неча челак сув чиқаргангандан кейин уф тортса, бу сабабдан бутун амалларининг савоби йўқ бўлади” деб айтди.




2. Гаплашаётганида овозини уларнинг овозидан баланд кўтармаслик.

3. Уларнинг ёнларида кўп гапирмаслик, одоб сақламоқ. Ота-онаси билган нарсаларини гапирса ҳам, яна шу нарсалармими демаслик. Аввал ҳеч эшитмагандек жон қулоғи билан тингламоқ.

4. Қўпол, кўнглини ранжитадиган ва жаргон сўзларни гапирмаслик. Масалан, ота-онасига ака ёки укасини назарда тутиб “Ўғлингиз шундай қилди. Агар шу ишни мен қилганимда бошимда ёнғоқ чақардингиз” ёки “Она, шу неварангизни жуда эркалатиб юбордингиз. Гапга қулоқ солмай қўйди” каби сўзлар билан уларни ранжитмаслик керак. Болаларини ота-онанинг ёнида урмаслик, озор бермаслик керак. Бундай ҳолатлар ҳам ота-онани хафа қилади.

5. Аёлини улардан устун кўрмоқ. Пайғамбаримиз: **“Аёлини онасидан устун кўрганга лаънат бўлсин! Унинг фарз ва бошқа ибодатлари қабул бўлмайди”** деб марҳамат қилдилар. (Ширъа)

6. Ота-онасини исмлари билан чақирмаслик, сўзларини кесмаслик, гапларига суқилмаслик керак. Ўзини билағон қилиб кўрсатмаслик. Ота-она нотўғри, янглиш гапирса ҳам, ундай эмас деб эътироз билдирмаслик керак.

7. Ота-онасини бир-бирига қарши қилиб қўядиган сўз ва ҳаракатлардан узоқ туриш керак. Ота-она билан ўғил ёки қизни ҳам қарши қилиб қўймаслик керак. Айниқса келинлар ота-она билан ўғилларини бир-бирига қарши қилиб қўядиган сўзлардан сақланиш керак. Пайғамбар жанобимиз **“Она билан ўғилни бир-бирига қарши қилганга лаънат бўлсин”** деб марҳамат қилгандилар. (Ғуня-тут-толибин)

8. Гаплашаётганида ундоқ қилинг, мундоқ қилинг деган ифодаларни қўлланмаслик. Қила оласизми деган илтимос билан гапириш керак.

9. Хайр дуоларини олмоқ. Ота-она дуосини ғанимат билмоқ. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:







“Уч кишининг дуоси қабул бўлади. Ота-она, мазлум ва мусофирнинг дуоси.” (Термизий)

“Ота-онанинг дуоси илоҳий пардага етиб боради. Дуолари қабул бўлади.” (Ибн Можа)

10. Баддуоларини олмаслик. Ҳадиси шарифларда: **“Ота-онанинг фарзандига, мазлумнинг золимга қилинган баддуолари қайтарилмайди.”** (Термизий)

“Ўзингизга, фарзандингизга ва молингизга баддуо этманг. Дуоларингиз қабул бўладиган бир соатга тўғри келиб қолса, баддуонгиз қабул бўлади” деб марҳамат қилинди. (Муслим)

Ота-она чақирганда қандай иш билан машғул бўлсанг ҳам, уни ташлаб уларнинг ҳузурига чоп! Ота-онанг сенга жаҳли чиқиб, бақирса, сен уларга ҳеч нарса дема! Ота-онанинг дуосини олишни истасанг, буюрган ишларини тез ва гўзал қилиб бажаришга ҳаракат қил. Бажарган ишингни ёқтирмай сенга аччиқланишларидан ва баддуо этишларидан қўрқ! Сенга жаҳллансалар ҳам, сен уларга қаттиқ гапирма! Ҳамон қўлларини ўпиб, ғазабларини бос. Ота-онанинг қалбидан нима кечаётганини сезгин. Чунки сенинг саодат ва фалокатинг уларнинг қалбларидан чиққан сўзга боғлиқдир. Ота-онанг касал ёки қари бўлса, уларга ёрдам эт.

Саодатингни улардан оладиган хайр дуода деб бил. Агар уларни ранжитиб, баддуоларини оладиган бўлсанг, дунё ва охиратинг хароб бўлади. Отилган ўқ ортга қайтмайди. Улар ҳаёт экан, қадрини бил!

Қалб билан бўлган ҳақлари:

1. Раҳмдил, марҳаматли бўлмоқ. Ҳадиси шарифда **“Марҳамат этмаганга марҳамат этилмайди, ачинмаганга ачинилмайди”** деб марҳамат қилинди. (Муслим)








2. Уларни севмоқ. Ҳар бир фурсатда ота-онанинг қўлини ўпиб, севишини уларга ҳис этдириш керак. Ҳадиси шарифда **“Онасининг оёғини ўпган, Жаннатнинг эшигини ўпган бўлади”** деб марҳамат қилинди. (Ширъа)

3. Қувончларига шерик бўлмоқ. Бир нарсага қувонганида “Қандай яхши, хайрли бўлсин” каби сўзлар билан ўз мамнуниятини билдирмоқ.

4. Ташвиш-ғамларига ҳамдард бўлмоқ. Бир нарсага қайғурсалар, ўзларининг ҳамдардлигини билдирмоқ.

5. Кўп гапиришларидан ранжимаслик. Ранжиса ҳам буни умуман билдирмаслик.

6. Жабр-ситамларига аччиқланмаслик. Сўзларини эшитмагандек ҳаракат қилиш лозим.

7. Улардан рози бўлмоқ. Нима қилиб бўлса ҳам, уларнинг розилигини олишга ҳаракат қилиш керак. Ҳадиси шарифда **“Аллоҳу таолонинг розилиги ота-онанинг розилигидадир”** деб марҳамат қилинди. (Р.Носиҳин)

8. Уларни ранжитиб қўйишдан жуда қўрқиш. Исро сурасининг 23-ояти каримасида ота-онага яхши муомалада бўлмоқ, уларга юмшоқ ва ширин сўзли бўлмоқ амр этилмоқда. Ғафлатда бўлиб ота-онанинг қалбини оғритадиган бўлсанг, дарҳол уларнинг розиликларини олишга ҳаракат қил. Ялин, ёлвор, хуллас нима қилсинг қил, уларнинг кўнглини ол.

9. Эркалик, хархаша қилмаслик. Аксинча уларнинг эркаликларини кўтариш. Чунки ота-онамиз биз кичиклигимизда бизнинг кўплаган эркалик, хархашаларимизга чидадилар. Энди эркаланиш навбати уларда эканлигини унутмаслигимиз керак.

10. Ташвиши кўп бўлса ҳам, ўлса-ю қутулсак деб ўйламаслик керак, кўп умр суришларини орзу этиш лозим. Улар биз сабабли кўп ташвиш тортсалар ҳам, бизнинг яшаб кетишимизни истадилар. Керак бўлганда ўзлари оч қолсалар ҳам, бизни тўқ тутдилар.







Мол-мулк, пул билан бўлган ҳақлари:

1. Кийимни ўзидан аввал уларга олиш. Ўзи еяётган таомнинг яхшисини уларга бериш керак.

2. Узоқда бўлсалар, зиёрат этишга бормоқ. Ота-она ва маҳрам қариндошларни зиёрат этиш вожибдир. Ҳеч бўлмаса, салом айтдириб юбориб ёки хат жўнатиб бу гуноҳдан қутулиш керак. Зиёратнинг тартиби аввало ота-она, сўнгра фарзанд, бобо, буви, ака-ука, амаки, амма, тоға ва холадир.

3. Бирга овқатланиш.

4. Орзу-истакларини билмоқ, сўраб уларни бажармоқ.

5. Уйларини тозаламоқ, таъмирламоқ.

6. Пул бермоқ. Балки эҳтиёжлари бўлса ҳам, айта олмасликлари мумкин.

7. Мол-мулк, пулни уларнинг ихтиёрига бермоқ. Қачон истасангиз пулим, мол-мулким сизнинг ихтиёрингизда дейиш керак, агар бир хафагарчилиги бўлса бу билан уларга таскин бериш лозим. Нариги дунёда ота-онага сарфланган пул учун савол-жавоб бўлмайди.

Муҳтож бўлган ота-онага ёрдам бериш фарздир. Қуръони каримда маолан **“Ота-онага, қариндошга, етимларга, йўқсилларга, мусофирларга пул, мол-мулк билан ёрдам беринг!”** деб буюрилган. (Бақара, 215)

Кимга ёрдам беришни сўраган кимсага Расулуллоҳ жанобимиз **“Ўзингга, ота-онангга, сўнгра аёлингга ва фарзандларингга, хизматчингга, ундан бошқасини ўзинг биласан”** деб марҳамат қилдилар. (Насоий)

Агар аёл кишининг отаси касал бўлиб, қарайдиган ҳеч кими бўлмаса, аёл эридан рухсатсиз бориб хизматини қилади. Зимми отага ҳам юқоридагидек. Фарзанд бой бўлган отага қарашга мажбур эмас. (**Баззозия**)




Бой фарзанднинг фақир ота-онасига нафақа бериши фарздир. Фақир кимсанинг фақир ота-онасига нафақа бериши фарз эмас. Фақир ота-онасини ўз уйига олиб, бирга яшайдилар. (**Фатавоий хайрия**)

Ота-онадан бирига яхшилик қилса, улардан наригиси бунга ранжиса, отага ҳурмат ва итоат этади, онага хизмат, ёрдам ва эҳсон қилиши керак.

8. Вақти-вақти билан тансиқ таомлар тайёрлаб, меҳмонга чақирмоқ. Кўнгиллари истаса ҳам. балки айта олмасликлари мумкин.

9. Дўстларини дўст билиб, меҳмонга чақириб, кўнгилларини олмоқ. Душманларидан ҳам узоқ туришга ҳаракат қилмоқ.

10. Хасталанган вақтида даволатмоқ. Уларга бир хизматчи ёллаш ўрнига ўзи бориб хизмат қилишга ҳаракат қилиш лозим.

Вафотларидан кейинги 40 ҳақи:

1. Дафнларида чаққонроқ ҳаракат қилмоқ.

2. Суннатга мос ҳолда ювмоқ. Бу ишни билган яхши одамларга ювдириш керак.

3. Суннатга мос кафанламоқ.

4. Жоиз бўлмаган кафан қилмаслик.

5. Суннат бўлган рақамга диққат этмоқ. Эркакларга 3 парчадан ортиқ қилмаслик.

6. Кафанда исроф этмаслик.

7. Ҳалол пулга кафан олмоқ.

8. Жаноза намозини билса, ўзи ўқимоқ. Бидъат аҳли бўлган кимсаларга ўқитмаслик.

9. Уларга доимо дуо қилмоқ. Бир ҳадиси шарифда **“Ота-онасига дуо этмаганнинг ризқи кесилади”** деб марҳамат қилинди. (Ширъа)




10. Қабрга ўз қўли билан қўймоқ.

11. Қабр кавлаган ва меҳнат қилганларни мамнун этмоқ.

12. Яхши ва солиҳ кимсалар орасига дафн этмоқ.

13. Ёмонларнинг орасига дафн этмаслик. Чунки ёмон қўшнилардан улар азият чекади.

14. Қабр устини балиқ устидек дўмбоқ қилмоқ.

15. Хом ғишт (кесак) қўлланмоқ.

16. Пишган ғишт қўлланмаслик. Мих, ғишт каби куйдирилган, оловда қуритилган нарсаларни қабр ичида қўлланмоқ макруҳдир. Қабрнинг устидан пишган ғишт, мармар ёпиш жоиздир.

17. Қабри бошида садақа бермоқ.

18. Қабр бошида дуо этмоқ. (Садақа ва дуони кечиктирмаслик керак. 40 ва 52 кеча каби бидъатлардан сақланиш лозим.)

19. Қарзларини тўламоқ.

20. Талқин (майит кўмилгандан кейин қабр бошида имомнинг ўқийдиганлари)ни ўзи ўқимоқ.

21. Исқотини зудлик билан бажармоқ. Майитнинг намоз ва рўза қарзи учун бошқаси унинг ўрнига намоз ўқий олмайди ва рўза тута олмайди. Ҳадиси шарифда **“Бошқаси ўрнига намоз ўқилмайди ва рўза тутилмайди. Фақат унинг рўзаси ва намози учун фақирларни тўйдиради”** деб марҳамат қилинди. (Насоий)

22. Қабр тошига жоиз бўлмаган сўзларни ёздирмаслик. Масалан, фотиҳа, бисмиллоҳ ёки оят ёздириш жоиз эмас. Лотин ё кирил харфлари билан ҳам жоиз бўлган ёзувни ёзмаслик керак. Кўпчилик анча йиллардан бери ёзиб келаётган бўлса ҳам, жоиз эмас.

23. Васиятларини бажармоқ. Динга мос бўлмаса, бажармайди.

24. Намозлардан сўнг дуо қилиб, савобларини уларга бахшида қилмоқ. Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: **“Ота-онасига осий бўлган фарзанд вафотларидан кейин улар учун**







дуо этса, Аллоҳу таоло уни ота-онасига итоат этганлардан қилиб ёзади.” (Ибн Абуддунё)

25. Савобини уларга бағишлаб, рўза тутмоқ.

26. Савобини уларга бағишлаб, ҳаж этмоқ. Олимларнинг кўпига кўра, ота-она учун ҳаж жоиздир. Ҳадиси шарифда **“Вафот этган ота-онаси учун ҳаж этганга ҳам ўзи, ҳам ота-онаси учун ҳаж этганнинг савоби берилади. Ота-онасининг руҳига хушхабар берилади”** деб марҳамат қилинди. (Доро Қутний)

27. Савобини уларга бағишлаб, садақа бермоқ. Ҳадиси шарифда **“Садақа берганда савобини нега мусулмон ота-онангизга ҳадя этмайсиз? Ҳадя этсангиз, берган садақангизнинг савоби, уларнинг руҳига кетганидек, шу савобдан ҳеч камаймай сизга ҳам ёзилади”** деб марҳамат қилинди. (Табароний)

28. Қабрларини зиёрат этиб, Қуръони карим ўқиш керак. Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: **“Ота-онасининг ёки улардан бирининг қабрини ихлос билан ва мағфиратини умид этиб зиёрат этган, қабул бўлган бир ҳаж савобини олади ҳамда буни одатга айлантирганнинг кимсанинг қабрини фаришталар зиёрат қилади.”** (Ҳаким)

29. Қабрларини жума кунлари зиёрат этмоқ. Ҳадиси шарифда **“Ота-онанинг қабрларини жума куни зиёрат этганнинг гуноҳлари авф бўлади. Ҳақларини ўтаган бўлади”** деб марҳамат қилинди. (Термизий)

30. Зиёрат этаётганда дуо ва Қуръони карим ўқиш билан машғул бўлмоқ. Тўғри келмайдиган сўзларни гапирмаслик.

31. Ҳаётликларида ранжиган бўлсалар, фарзанд солиҳ бўлса, улар рози бўлади. Улар ўргатган яхши нарсаларга амал этиб юрган муддатича савоби уларга ҳам тегади.

32. Улардан бир ёмон нарса ўрганган бўлса, бу ишни ҳар қилганида уларга ҳам гуноҳ ва азоб боради. Шунинг учун улардан ёки улар воситаси билан ўрганган ёмон одатларни







тарк этиш керак. Ёмон амаллари билан уларни қабрда азоб чекишига йўл қўймаслик лозим.

33. Ота-онага сўкинмаслик. Ҳадиси шарифда **“Ота-онага сўкиниш катта гуноҳдир”** деб марҳамат қилинди. (Бухорий) Яъни бировнинг ота-онасини сўксанг, у ҳам сенинг ота-онангни сўкиши мумкин.

34. Уларнинг яқинлари билан яхши муомалада бўлмоқ. Ҳадиси шарифда **“Вафот этган ота-онага дуо ва истиғфор этмоқ, қарзларини тўламоқ, дўстларига икромда бўлмоқ, уларнинг яқинларини зиёрат этмоқ, яхши муомалада бўлмоқ билан уларнинг ҳурматини жойига қўйинг”** деб марҳамат қилинди. (Ҳаким)

35. Дўстлари билан борди-келдини узмаслик. Ҳадиси шарифда **“Отаси вафот этгандан кейин унинг дўстларини зиёрат этган фарзанд энг зўр яхшиликни қилган бўлади”** деб марҳамат қилинди. (Муслим)

36. Дўстлари билан кўришмоқ. Ҳадиси шарифда **“Яхшиликларнинг энг мукаммали отасининг дўстини зиёрат этмоқдир”** деб марҳамат қилинди. (Муслим)

37. Фитр байрамида савобини уларга атаб, фитр садақаси бермоқ.

38. Қурбон байрамида савобини уларга ҳадя қилиш учун қурбонлик сўймоқ.

39. Ота-онаси яхши кўрган овқатни пишириб, фақирларга тарқатиб, уларнинг руҳини шод этмоқ.

40. Ёмонликларини гапирмаслик. Ҳадиси шарифда **“Вафот этган яқинларингизни яхшиликлари билан ёдга олинг, ёмонликларини гапирманг”** деб марҳамат қилинди. (Термизий)







Фарзанднинг ота-она устидаги ҳақлари

1. Келажакда фарзандни онаси туфайли камситмасликлари, айбламасликлари учун фарзандига она бўладиган қизни яхши ердан танлаш керак. Солиҳа эканлигига эътибор бериш лозим.

2. Фарзандига чиройли исм қўйиш. Ҳадиси шарифда **“Фарзандига чиройли исм бериш, фарзанднинг ота-она устидаги ҳақларидан бири”** деб марҳамат қилинди. (Байҳақий)

Аҳмад, Муҳаммад, Маҳмуд каби пайғамбаримизнинг исмларини қўйиш керак. Аллоҳу таоло **“Ҳабибимнинг исми билан аталган мусулмонга азоб беришга ҳаё қиламан”** деб буюрган. Расули ҳам **“Уч ўғли бўлиб, улардан бирига менинг исмимни бермаган жоҳиллик қилибди”** деб марҳамат қилган. (Табароний)

3. Фарзандига яхши тарбия бериш лозим. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:


“Фарзандини гўзал тарбия этиш, фарзанднинг ота устидаги ҳақларидан бири.” (Байҳақий)

“Фарзандингизга илтифот кўрсатинг, уларни одобли ва тарбияли қилиб вояга етказинг.” (Ибн Можа)

“Фарзандига тарбия бериш, невараларига садақа беришдан кўра савоблироқ.” (Термизий)

4. Фарзандига шафқатли бўлиш. Пайғамбаримизнинг невараларидан бирини ўпаётганини кўрган бири “Ё Расулаллоҳ, менинг ўн фарзандим бор, аммо ҳеч бирини ўпмаганман” деди. Расулуллоҳ унга **“Меҳр қилмаган одам, меҳр кўрмайди”** деб марҳамат қилдилар. (Бухорий)

Ҳадиси шарифларда **“Фарзандларингизни кўп ўпинг, ҳар ўпганингизда жаннатдаги даражангиз ошади”** (Бухорий) ва **“Чақалоқ ҳиди жаннат ҳидидир”** (Табароний) деб марҳамат қилинди.




5. Фарзандларини қарғамаслик, баддуо этмаслик керак. Ибн Муборак ҳазратлари фарзандидан шикоят этган кишидан “Фарзандингни қарғадингми?” деб сўради. У киши “Ҳа” деб жавоб бергач “Фарзандингнинг ахлоқини сен буздинг” дедилар.

6. Фарзандларга яхшилик қилиш керак. Ҳадиси шарифда **“Фарзандингизга илтифот кўрсатинг, ота-онанинг сизда ҳақлари бўлганидек фарзанднинг ҳам сизда ҳақлари бор”** деб марҳамат қилинди. (Табароний)

7. Фарзандини ҳалол едириб-ичириш лозим. Ҳаром таом боланинг ҳужайраларини шакллантириб, ундан ноўрин ва нопок ишларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ҳадиси шарифда **“Еб-ичадиганларингиз тоза, ҳалол бўлсин. Фарзандларингиз шундан ҳосил бўлади”** деб марҳамат қилинди. (Р.Носиҳин)

8. Отанинг фарзандига илм, одоб ва касб ўргатиши фарздир. Энг аввал Қуръони карим ўқишни ўргатиш керак. Етти ёшидан намозни ўқишга одатлантириш лозим. Дунё ва охиратда қутулиш илм орқали бўлади. Фарзанди дин илмларини ўргангандан кейин мактабга бериш, коллеж ва университетларда ўқитиш керак. Динни ўргатмасдан мактабга берилса, кейин буларни ўрганишга вақт топмайди. Дин душманларининг тузоғига тушиб, ёлғонларига алданиб қолади. Динсиз ва ислом ахлоқидан маҳрум бўлиб етишади. Дунё ва охиратда фалокатларга дучор бўлади. Миллатига зарарли бўлади. Ўзига ва бошқаларга қиладиган ёмонликларининг гуноҳи ота-онасига ҳам ёзилади.

9. Фарзанди оқил ва балоғатга етиб, уйланганидан кейин унга “Болам, сени тарбия қилдим. Ўқитиб, уйлантирдим. Дунёда фалокатга, охиратда азобга тушмаслигинг учун Аллоҳу таолога сиғинаман. Эс-ҳушингни йиғиб ҳаракат қил!” дейиш керак.

10. Аҳнаф бин Қайс ҳазратлари “Фарзандлар учун қийинчиликларга чидашимиз, уларнинг оёқлари остида юмшоқ ер, бошлари устида соя бўлишимиз керак! Уларга қаттиққўллик қилиб, ўзимиздан узоқлаштирмаслигимиз лозим. Жонларига







тегмайлик, токи ўлимимизни кутишмасин. Зиёни йўқ хоҳишларини бажаришимиз, аччиқлансалар таскин беришимиз керак” деган.

11. Фарзандлар орасида адолат билан муносабатда бўлиш керак. Ҳадиси шарифда **“Ҳадя бераётганда фарзандларингиз орасида тенгликка риоя қилинг”** деб марҳамат қилинди. (Табароний)


12. Фузайл бин Аёз ҳазратлари “Ота-онасига яхшилик қилган, қариндошини зиёрат этган, дин қардошига иззат-икромда бўлган, оиласи ва хизматчиси билан яхши муносабатда бўлган, динини муҳофаза этган, молини яхши жойларга сарфлаган, тилини тийган, кўзини ҳаромлардан сақлаган, бекорчи, фойдаси бўлмаган ишлардан узоқ турган ва Раббига ибодат этган кишимурувват аҳлидир” деган.

13. Ота боланинг қурби етмайдиган ёки бажаришига кўзи етмаган ишни фарзандига буюрмаслик керак. Агар буюрса, уни итоатсизликка етаклаган бўлади. Бир солиҳ зот ўғлидан ҳеч нарса истамасди. Сабабини сўраганларида “Бир нарса буюрганимда ўғлимнинг менга итоат қила олмаслигидан андиша қиламан. Итоат қилмаса, жаҳаннамга кетади. Мен ўғлимнинг оташда ёнишига рози бўлолмайман” деб жавоб берди. Ҳадиси шарифда **“Қуйидагилар саодат аломатларидир: Солиҳа аёл, итоаткор фарзанд, солиҳ дўст”** деб марҳамат қилинди. (Ҳаким)

Фарзанднинг ҳам ҳақи бор

Бир одам ҳазрати Умарга ўғли устидан шикоят қилиб боради. Ҳазрати Умар бу кишининг ўғлига айтади:

- Имондан кейин биринчи вазифамиз ота-онанинг кўнглини оғритмаслик. Улар қанчалик ёмон бўлсалар ҳам, барча нарсада







уларнинг ҳақлари бор. Уларнинг кўнглини оғритганларнинг ибодати қабул бўлмайди. Мусулмон бўлиб туғилишимизга ва мусулмон бўлиб вояга етишимизга сабаб бўлган ота-онамизнинг кўнглини оғритсак, жаннатга қандай кирамиз? Улар бизни ҳақорат этса ҳам ялиниб-ёлвориб уларнинг кўнглини олишимиз керак. Мусулмон ота-онамиз биздан рози бўлмагунча, Аллоҳу таолонинг севгили қули бўлишимиз қийин.

Фарзанд ҳазрати Умарга жавоб беради:

- Ё Амир-ул муминин, айтганларингизни қабул этаман. Фақат фарзанднинг ота-она устида ҳақи йўқми?

- Ҳа, фарзанднинг ҳам ҳақи бор. Ота уйланаётганда фарзандига она бўладиган аёл ёки қизни яхши жойдан танлаши, фарзандига чиройли исм қўйиши ва динини ўргатиши керак.

- Отам менга тарбия бермади. Онам эса ҳабаш мажусийнинг қизи эди. Исмимни “Қорақўнғиз” деб қўйган ва Аллоҳнинг китобидан менга бир ҳарф ҳам ўргатмади. Афсуски, диним ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Ҳазрати Умар отага дедики:

- Менинг олдимга келиб, ўғлингдан шикоят қилишни биласан. Лекин, унинг ҳақларини билмайсан. Сен то бошидан унинг ҳақини егансан ва у сенга ёмонлик қилмасдан аввал, сен унга ёмонлик қилгансан.

Баъзи кимсалар “Бола динни нафақат мактаб, ҳатто университетни тугатгандан кейин ўрганиши керак. Ёшлигида ўрганса, фикри чалғийди. Фан билимларини ўрганиши қийин бўлади” дейди.

Фан билими диндан бўлак эмас. Фан билими исломий илмларнинг бир тармоғидир. Ислом илмларини ўрганган одам фан билимларини ҳам ўрганади. Ҳар бир мусулмон фарзандига ва қўли остидагиларга динини ўргатишга масъул. Ҳадиси шарифда **“Ҳар бирингиз бир сурувнинг чўпони кабисизлар. Чўпон сурувини бўрилардан ҳимоя этганидек сиз ҳам**







оилангизни ва қўл остингиздагиларни жаҳаннамдан ҳимоялашингиз керак. Уларга мусулмонликни ўргатмасангиз, жавобгар бўласиз” деб марҳамат қилинди. (Муслим)

Бир оятда маолан **“Эй имон этганлар, ёқилғиси инсон ва тош бўлган жаҳаннам оташидан ўзингизни, оила аъзоларингизни ҳимоя этинг”** деб буюрилган. (Таҳрим, 6)

Яхшиликка ва ёмонликка сабаб бўлган одамлар шу ишларни бевосита қилган одамга савобда ва гуноҳда шерик бўлишади. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинадики:


“Динимизда яхши бир ишни бошлаб берган одам шу ишни давом эттирганлардек савобга эришади. Уларнинг савобидан ҳам ҳеч нарса камаймайди. Кимки динимизда ёмон бир йўл очса, у йўлда юрганларнинг гуноҳи очганга ҳам ёзилади. Уларнинг гуноҳидан ҳам ҳеч нарса камаймайди.” (Муслим)

“Хайрли ишга сабаб бўлган одам шу ишни қилгандек савобга эришади.” (Табароний)

“Бир мусулмоннинг фарзанди ибодат қилганида, у қозонган савоб қадар савоб отасига ҳам берилади. Бир кимса фарзандига динни ўргатмасдан, гуноҳ нарсаларни ўргатса, бу фарзанд қанча гуноҳ ишласа, отасига ҳам шунча гуноҳ ёзилади.” (С.Абадия)

“Дарахт ёшлигида эгилади”, “Темирни қизиғида босиш керак” деган мақоллар машҳурдир. Ҳамма нарса ўз вақтида қилинади. Ҳадиси шарифда **“Ёшликда ўрганган илм, тошга ўйилган нақш кабидир. Қаригандан кейин ўрганган илм сув устига ёзув ёзишга ўхшайди”** деб марҳамат қилинди. (Хотиб)

Шунинг учун фарзандларимизга энг аввал динимизнинг амр ва тақиқларини, Қуръони каримни ўргатишимиз керак. Кейинга қолдирмаслик лозим. **“Хайрли ишларингизни дарров бажаринг. Эртанги кунга қолдирманг. Бўлмаса ҳалок бўласиз”** деган ҳадиси шариф бор. Хайрли ишларнинг энг биринчиси ва аҳамиятлиси бола-чақасига исломиятни ўргатиш.




Ҳар мусулмон шу биринчи вазифасини дарров бажариши, эртага қолдирмаслиги керак.

Эрнинг аёли устидаги ҳақлари

Эрнинг аёли устида ҳақлари кўп. Аёл эри билан яхши муомалада бўлиш керак. Ҳадиси шарифда **“Аёлнинг жиҳоди эри билан яхши муомалада бўлишдир”** деб марҳамат қилинди. (Табароний)

Бир аёл эрини чиройли кутиб олар, ширин гаплар гапириб кайфиятини кўтаришга ҳаракат қиларди. Пайғамбаримиз аёлнинг бу ҳаракатларини эшитиб **“Аёлингга салом айтгина, унга ярим шаҳид савобига қовушганини хабар бергин!”** деб марҳамат қилдилар. (Ширъа)

Аёлларнинг жаннатга киришлари эркакларга нисбатан осон. Бир ҳадиси шарифда **“Аёл беш вақт намозини ўқиса, рўзасини тутса, ўзини бегона эркаклардан сақласа ва эрининг амрига бўйсунса, жаннатга киради”** деб марҳамат қилинди. (Ибн Ҳиббон)

Эрини рози қилган аёлга асло қўрқув йўқ. Ҳадиси шарифларда **“Эрини рози қилиб, вафот этган аёл жаннатга киради”** (Термизий) ва **“Эрига меҳр-муҳаббатли бўлган, фарзанд туққан, хафа бўлганда ёки эри унга аччиқланганда эрини рози этмагунча ухламаган аёл жаннатидир”** (Табароний) деб марҳамат қилинди.

Аёл киши учун зеб-зийнат ашёлари мубоҳ. Лекин мубоҳ экан деб, зийнат ашёларини олиш учун эрини қийин аҳволга солмаслик, зийнатларини бегона эркакларга кўрсатмаслик керак. Шунда зийнатлари жаннатга киришига моне бўлолмайди. Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: **“Жаннатда аёлларнинг оз эканлигини кўрдим. Сабабини сўрадим. “Уларни олтин ва зийнатлар чалғитди” деб жавоб бердилар.”** (И.Аҳмад)







Эрига қўлидан келганича кулар юз билан муомала қилиб, севги кўрсатиш керак. Тили билан ҳам уни ранжитмаслик лозим. Ҳадиси шарифда **“Қиёматда Аллоҳу таоло эрига тили билан азият берган аёлнинг тилини 70 аршин узун қилиб, бўйнига ўрайди. Эрига ёмон қараган аёлни ҳам боши кесилган ва бадани парчаланган ҳолга келтиради”** дейилди. (Ширъа)

“Сенга тегиб нима кўрдим” деб ношукр бўлмаслик керак. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

“Агар эрига нисбатан ношукр бўлмасалар эди, барча намоз ўқийдиган аёллар жаннатга кирардилар.” (Ширъа)

“Жаҳаннам аҳлининг аксарисини аёллар ташкил этганини кўрдим. Сабаби кўп қарғайдилар ва эрига нисбатан ношукр бўладилар.” (Бухорий)

Эрига бир яхшилик қиладиган бўлса, уни кейин юзига солмаслик керак. Ейиш-ичиш ва кийим масаласида уни қийнамаслик, қилолмайдиган ишини ундан талаб қилмаслик лозим. Эрининг шаънини ҳимоя қилиши, ҳар ишда уни рози қилиб, кўнглини хушнуд этишга ҳаракат қилиш керак. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинадики: **“Эрнинг аёли устидаги ҳақи менинг сизларнинг устингиздаги ҳақим кабидир. Шундай экан, эрининг ҳақини ўрнига қўймаган хотин, Аллоҳу таолонинг ҳақига ҳам эътибор бермаган бўлади.”** (Ширъа)

Аёл эрини ранжитмаслик керак.

Бир куни ҳазрати Фотима отасининг ҳузурига йиғлаб келди. Расулуллоҳ жанобимиз сўрадилар:

- Ё Фотима, нимага йиғлаяпсан?

- Бехосдан гапириб юборган бир гапимга Али мендан аччиқланди. Узр сўрадим. Лекин уни ранжитиб қўйганим учун йиғлаяпман.

- Қизим, билмасмидинг, Аллоҳу таолонинг розилиги эрнинг розилигига боғлиқ. Доимо эрини рози қилишга ҳаракат қилиб, эри ундан рози бўлган аёл қандай бахтли аёлдир. Аёллар учун







энг устун ибодат эрига итоатдир. Эри аёлидан рози бўлса, бу аёлнинг истаган эшигидан жаннатга кириш ҳуқуқи бўлади. Эрини ранжитган аёл уни рози қилмагунча Аллоҳу таолонинг лаънатида бўлади. (Р.Носиҳин)

Эр ҳақига риоя қилиш аёлга жиҳод этишдек савоб қозонтиради. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

"Эр ҳақига риоя қилиш Аллоҳ йўлида жиҳод этиш кабидир." (Табароний)

"Аёл эридан рухсатсиз нофила рўза тутолмайди. Агар рухсатсиз рўза тутса, оч ва сувсиз қолади, ҳеч қандай савоб қозонмайди.

Эридан рухсатсиз уйидан чиқолмайди. Агар рухсатсиз чиқса, кўкдаги фаришталар уйига қайтиб киргунча лаънат ўқийдилар." (Табароний)

"Эри аёлини бир эҳтиёж учун чақирса, аёл тандир бошида бўлса ҳам дарров эҳтиёжига жавоб берсин!" (Термизий)

"Эри тўшакка чақирганда келмаган аёлга фаришталар тонггача лаънат ўқишади." (Бухорий)

"Эрининг рухсатисиз кўчага чиққан аёлга эри рози бўлгунга қадар қуёш ва ой нури тушадиган барча нарса лаънат қилади." (Дайламий)

"Аёл эридан рухсатсиз (ота-она, ака-укаларидан ташқари) **ҳеч кимни уйига киритолмайди, нофила намоз ўқиёлмайди."** (Табароний)

"Аёлларингни кўзни оладиган даражада безаниб кийинишларига моне бўлинглар. Бани Исроил аёллари ҳашамдор кийиниб, кибрланиб масжидга борганлари учун лаънатланганлар." (Ибн Можа)

"Эри рози бўлмагунча аёлнинг намозлари ва ҳеч бир яхшилиги қабул бўлмайди." (Табароний)

"Аёлнинг намозлари қабул бўлмайди" дегани намоз қарзидан қутулади, фақат намоз ўқишдан ҳосил бўладиган







катта савобларга эриша олмайди деганидир. Намози бекорга кетади дегани эмас.

Бир аёлдан эри рози бўлмайдиган бўлса, бу аёл гуноҳининг азобини тортгандан кейин жаннатга киради. Жаннатга фақат кофирлар кирмайди. Мусулмон одам гуноҳи кўп бўлиб, жаҳаннамга тушиши мумкин. Лекин, охирида албатта жаннатга киради.Эр-хотин яхши муносабатда бўлиб, бир-бирининг розиликларини олиш керак.


Савол: Эримдан рухсатсиз мавлуд учун, ваъз тинглаш учун, намоз ўқиш учун масжидга, қўшниникига борсам бўладими?

Жавоб: Зарурий керак бўлган диний илмларни эри ўргатмаган аёл муносиб бир аёл устоздан буни ўрганиш учун рухсатсиз уйидан чиқа олади. Эрингиз рухсат берса ҳам қўшниларникидаги бекорчи, динга мос бўлмаган гаплар гапириладиган йиғинларга қатнашишингизни тавсия этмаймиз. Аёлларнинг масжидга боришлари ҳам дуруст эмас. Бир неча аёлнинг йиғилиб, яхши бир илмиҳол китобини ўқишлари жуда яхши бўлади.

Савол: Ҳар сафар ташқарига чиқишимда эримдан рухсат олишим керакми?

Жавоб: Бир марта рухсат олинади. Яъни истаган вақтим ташқарига чиқишим мумкинми деб сўрайсиз. Ҳа деса, ҳамма вақт чиқишингиз мумкин. Чиқмайсан деса, ишга ҳам бора олмайсиз. Уйда унга оид молларни тиланчига ёки меҳмонга рухсатсиз бера олмайсиз. Яъни меҳмонга бир пиёла чой ҳам бера олмайсиз. Аммо “Истаган нарсангни истаган жойингга сарфлай оласан ва истаган вақтинг истаганерингга бора оласан” деган каби рухсат олсангиз, истаган нарсангизни истаган жойингизга сарфлашингиз ва истаган ерингизга боришингиз мумкин. Рухсатсиз қилмаслик керак.

Савол: Аёл борган ерида ғийбат этса, ёлғон гапирса, ишлаган гуноҳлари эрига ҳам ёзиладими?







Жавоб: Агар билмаса ёзилмайди. Гуноҳ ишланишини билиб туриб юборса, ёзилади.

Савол: Муқим бўлган бир аёл бошқа шаҳардаги эрининг ёки маҳрам қариндошининг ёнига маҳрамсиз бора оладими?

Жавоб: Муқим бўлса, бора олмайди. Сафарда бўлса, бора олади. Масалан, эри билан Истанбулда яшайди. Эри билан Анкарага борган. Сўнгра эри Истанбулга қайтган. Аёли бир ҳафтадан кейин ёнида маҳрами бўлмасдан Истанбулга эрининг ёнига келиши мумкин.

Савол: Аёлнинг жиҳоди қанақа бўлади?

Жавоб: Риёд-ун Насиҳинда айтиладики: Расулуллоҳ жанобимиз уй ишларини ҳазрати Фотимага, кўча ишларини ҳазрати Алига топширган ва бу хусусда шундай марҳамат қилгандилар:

“Аёлининг уйда ўтириши учун шароитларни қилиб берган, уни бегона эркакларнинг назаридан сақлаган, уммати Муҳаммадийнинг душманга асир тушганларини сотиб олиб, озод қилгандек савоб олади.” “Ё Фотима, эри ундан рози бўлган аёл қандай бахтли аёлдир. Аллоҳу таолонинг фарзларини бажаришдан, эрига итоат қилишдан кейин аёллар учун жун титиш, ип йигиришдан устун иш йўқ. Бир соат жун титиш, ип йигириш ёки тўқиш аёллар учун бир йил ибодатдан кўра савоблироқдир. Тўқиган ҳар толалари учун амал дафтарига бир шаҳид савоби ёзилади.” “Беш вақт намозини ўқиган, молининг закотини берган, Рамазон рўзасини тутган, эрининг гуноҳ бўлмаган ишларида унга итоат қилган ва ҳижобда (аврат ерларини бекитиб**) юрган аёл жаннатга истаган эшигидан киради.”** (Эр-хотин ҳақлари баҳси)

Пайғамбаримиз ўз қизига ва бошқа аёлларга шаҳид савобини қозониш учун уй ишлари билан машғул бўлишни амр этганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда **“Аёлнинг жиҳоди эри билан яхши муомалада бўлмоқ”** деб марҳамат қилинди. (Ширъа)








Савол: Ахлоқсиз эрга ҳам динимиз бўйича муносабатда бўлиш керакми?

Жавоб: Золимга ҳам, мазлумга ҳам динимиз амр этган тарзда муносабатда бўлиш керак. Яхшилик қиладиган, аёлини ранжитмайдиган эрнинг нимасига сабр қилинади? Аёли ёмон ахлоқли бўлса, эр сабр қилади, эри ёмон феълли бўлса, аёли сабр қилади. Бу имтиҳонда сабр қилувчи жуда кўп савоб олади. Ёмонлик қилган, ўзига қилади.

Мазлумларнинг, сабр қилувчиларнинг ёрдамчиси Аллоҳдир. Аллоҳу таоло ҳеч кимнинг ҳақини бошқа бирида қолдирмайди. Сабр этганларга ҳисобсиз мукофотлар беради.

Савол: Эрнинг бир жойга кетаётганида аёлидан рухсат олиши керак эмас-у, нега аёл эридан рухсат олиши керак?

Жавоб: Динимиз энг оғир жавобгарликни эрнинг бўйнига юклаган. Эрнинг вазифаси меҳнат қилиб, уйнинг бекаму-кўст қилмоқ, аёлини гуноҳлардан ва ҳар турли таҳликалардан сақламоқдир. Аёл ишлашга мажбур бўлмаганидек уй ишларини бажаришга ҳам мажбур эмас. Эрининг ишлаган гуноҳларига ҳам жавобгар бўлмайди. Фақат эр аёли қилган гуноҳларга ҳам жавоб беради. Шунинг учун эр, хотинининг гуноҳ қилинадиган жойга боришига рухсат бермайди, агар рухсат берадиган бўлса, ўзи ҳам гуноҳкор бўлади. Шу сабабдан аёл бир жойга бормоқчи бўлганида эридан рухсат олишга мажбур.

Савол: Бир аёл эрининг ёнида одобга мос бўлмаган ҳолатда ўтира оладими?

Жавоб: Яхши эмас. Расулуллоҳ ўз қизининг ёнида оёқларини узатиб ўтирмасди.

Савол: Қўшнимизнинг аёли жуда шаллақи. Эри ҳам, атрофидагилар ҳам унинг қилиқларидан безор бўлган. Намоз ҳам ўқимайди. Эри “Агар гуноҳ бўлмаганда ажрашардим” дейди. Бундай аёл билан ажрашиш гуноҳми?







Жавоб: Тузалиши ва яхшиланиши мумкин бўлмаса, эрига ва қўшниларига озор берган ёки намоз ўқимайдиган, бошқа фарзларни бажармайдиган аёл билан ажрашиш гуноҳ эмаслиги дин китобларида ёзилган.

Аёлнинг эри устидаги ҳақлари


Аёлининг гўзал ахлоқли бўлишини истаган эр, аввал ўзи гўзал ахлоқли бўлиши керак. Қуръони каримда инсонга келадиган мусибатлар қилган гуноҳлари сабабли эканлиги билдирилган. Шундай экан, динимизнинг амр ва тақиқларига риоя этган эркак, аёли билан яхши муносабатда бўлади.

Алиййул Ҳаввос ҳазратларидан аёли аразлаб қолганди. Эрига норозилигини кўрсатиш учун алоҳида чойнак-пиёла қўллана бошлади. Бир куни Алиййул Ҳаввос ҳазратлари янглишиб, аёлининг чойнагидан чой ичганида аёли бу чойнакни синдириб ташлади. Ҳазрат “Нега чойнакни синдирдинг?” ҳам демади, ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутганди.

Усмон ал-Ҳаттоб ҳазратларининг қўшниси Нуриддин Шуний жаноблари айтади: Бир кечаси ташқарига чиқиб, у ерда эски бир чопонга ўралиб ётган кишини кўрдим. Ундан “Кимсан, нимага бу ерда ётибсан” деб сўрадим. У “Қўшни, мен Усмон ал-Ҳаттобман. Ўғлимнинг онаси мени уйдан қувганлиги учун кўчага чиқдим, у жаҳлидан тушгунча шу ерда ётишга қарор қилдим” деб жавоб берди.

Ёмон феълли аёл

Ибн Абил Ҳамойил-и Саврий ҳазратларининг аёли ёмон феълли эди. Эрига оғзига келганини гапирар, унга тинчлик бермасди. У муборак зот эса сабр қиларди. Бир куни аёлининг беҳузурлигидан қутулиш учун учиб қочди. Аёли унга қараб







“Буни қаранглар, учиб мендан қутуламан деб ўйлаяпти” дея гапирганди. Биздек оддий одамлар учиш қўлимиздан келмаганига кўра, ғавғодан, тортишувдан узоқ туришга ҳаракат қилишимиз керак. Ҳақли эканлигимизни исботлашга уринмаслигимиз лозим.

Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:

“Мўмин киши аёлига аччиқланмасин. Ёмон феъли бўлса, яхши феъли ҳам бўлади.” (Муслим)

“Аёл заиф қилиб яратилган. Заифлигини индамай енгинг. Уйдаги қусурларидан кўрмаганга олинг.” (Ибн Лъал)

“Мусулмонларнинг имон тарафидан энг устуни, ахлоқи энг гўзал бўлгани, аёлига энг яхши шаклда, лутф билан муносабатда бўлганидир.” (Термизий)


“Мусулмонларнинг энг яхшиси, энг фойдалиси аёлига энг яхши, энг фойдали бўлганидир. Сизларнинг орангизда аёлига энг фойдали, энг хайрли, энг яхши бўлгани менман.” (Насоий)

“Эри рози бўлмагунча аёлнинг ҳеч бир намози ва яхшиликлари қабул бўлмайди.” (Табароний)

“Аёлнинг намозлари қабул бўлмайди” дегани намоз қарзидан қутулади, фақат намоз ўқишдан ҳосил бўладиган катта савобларга эриша олмайди деганидир. Намози бекорга кетади дегани эмас.

Бир аёлдан эри рози бўлмайдиган бўлса, бу аёл гуноҳининг азобини жаҳаннамда тортгандан кейин жаннатга киради. Қуръони каримда маолан **“Яхши аёллар Аллоҳга итоат этади ва эрларининг ҳақларини бажаради. Эрлари йўқлигида уларнинг номусини ва молларини Аллоҳнинг ёрдами билан ҳимоя этади”** деб буюрилган. (Нисо, 34)

Эр уйига келганда аёлига салом бериб, аҳволини сўраши, ташвиш ва қувончига шерик бўлиши керак. Чунки у бошқалардан умидсиз ва ёлғиз ўзига ўрганган, ҳамдард, севинтирувчи, болаларини ўстирувчи ва турли эҳтиёжларини кетгизувчидир.







Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинадики:

“Аёлини ноҳақ урган кишидан қиёматда ҳақини мен оламан. Аёлини урган Аллоҳ ва Расулига осий бўлади.” (Р.Носиҳин)

“Аёлларингизга азият берманг. Улар Аллоҳу таолонинг сизларга омонатидир. Уларга юмшоқ муомалада бўлинг, яхшилик қилинг.” (Муслим)

“Аёлига табассум билан боққан эрнинг амал дафтарига бир қул озод этгандек савоб ёзилади.” (Р.Носиҳин)

“Аёли билан яхши муомалада бўлиб, ҳазиллашган эрни Аллоҳу таоло севади, ризқини орттиради.” (И.Лъал)

Савол: Тонгдан шомгача овқат пишириш, кир ювиш, тикиш каби ишлар билан шуғулланаман. Эрим келганида чарчоғимни ёзишини хоҳлайман. Эшикдан қовоғини солиб киради, ҳеч кулимсирамайди. Салом бермайди. Бир кун бехосдан овқат шўр бўлиб қолса, аразлаб овқатланмайди. Ҳеч нарсага рози бўлмайди. Доим камчилик излайди. Бу одамни қандай тузатса бўлади?

Жавоб: Эридан шикоят этган аёллар, аёлидан шикоят этган эрлар худди дардига даво топадигандек биздан маслаҳат сўрайдилар. Ҳолбуки биз давомли ёзмоқдамиз. Ўзлари ҳам шу насиҳатларга бироз риоя қилишлари, эътибор беришлари керак. Одатда ғавғога икки тараф ҳам сабаб бўлади. Бири ўзини босиб, узр сўраса, жанжал кучаймайди. Ҳар икки тараф ҳам “мен ҳақман” деб туриб олса, жанжал бир умр тугамайди. Айб одатда эркакларда бўлади. Аёлини бошқара олмаган эр ожиз деганидир. Аёлини ёмон йўлга туширувчи ҳам эркаклардир. Аёлини ёмон жойларга олиб боради, кейин аёли ёмон иш қилса, айбни хотинига тўнкайди. Аёлларни айбсиз демоқчи эмасмиз. Фақат асосан айб эркакларда бўлади. Хотин уйда ўтирсин деб ўшқирадиган эркак кўп. Лекин хотиннинг уйда ҳузур қилиб ўтириши, кўчага қараб югурмаслиги учун уй ичида







яхши шароит қилиб бериш ўша “эркак”ларнинг негадир ҳаёлига кириб чиқмайди. Уйида хотинига шароит қилиб бериш қўлидан келмайдиган ожиз кимсаларнинг бўйнига оила жавобгарлигини олмаслиги лозим.

Ҳар икки тараф “мен ҳақман” деса, бу уйда жанжал тугайдими? Бир эр шундай ёзганди: “Уйимизда ҳаммаёқ бетартиб. Аёлим дуруст овқат пишира олмайди. Уйда ўзига қарамайди, худди алвастидек юради. Кўчага чиққудек бўлсак, безаниб-ясаниб чиқади. Ўзи кўп гапиради-ю, ўзганинг гапига қулоқ солишни билмайди ва тежамкор эмас.”

Бир неча маслаҳатимиз бор. Фақат маслаҳат, насиҳатдан нимаям чиқарди, демаслик керак. Амал қилганга, қулоқ солганга кўп нарса чиқади. Бас шундай экан, амал қилсин, тингласин. Чунки Қуръони каримда **“Насиҳат мўминларга албатта ёрдам беради”** деб буюрилган. (Зориёт, 55)

Ҳадиси шарифда **“Ахлоқингизни гўзаллаштиринг”** деб марҳамат қилинган. (И.Лъал)

Ахлоқни ўзгартириш мумкин бўлгани учун шундай дейилган. Ҳолбуки дин гўзал ахлоқ деганидир. Диннинг амрига бўйсуниб, тақиқларидан сақланган киши феълини ўзгартириб, гўзал ахлоқли бўлади. Гўзал ахлоқли бўлган одам икки дунёда роҳат яшайди. Энди асосий масалага ўтамиз.

Банда бўлгандан кейин ҳаммада камчилик бўлади. Камчиликсиз дўст излаган, дўстсиз қолади. Камчиликсиз турмуш ўртоқ излаган тополмайди. Бу ерда мардлик айнан камчилиги бор одам билан яхши муносабатда бўлиш, тил топиша олиш деганидир.

Эр киши уйда ҳеч бир нарсадан камчилик изламасалик керак. Танқид, тортишув бир оиланинг йиқилишига ёки тинчини йўқотишига олиб келади. Шуни яхши билиш керакки, фақат эр-хотин эмас, ҳеч ким танқиддан лаззат олмайди. Ҳамма тақдирланишни, раҳмат эшитишни ҳуш кўради. Одатда аёллар







ясан-тусанга мойил бўлади, кийимларига эътибор беришади. Шунинг учун хотин бир либос олганда ё кийганда “жуда ярашибди” десак ҳеч нарса йўқотмаймиз. Чунки динимиз аёли билан яхши муомалада бўлиш учун ёлғон гапиришни ҳам жоиз қилган. Бежирим кийим кийилганда ёлғон гапиришга ҳожат ҳам қолмайди. Чинакамига чиройли ишларда хотинни тақдирлашни канда қилиш ғирт ахмоқлик бўлади.

Бир аёл учун энг катта бахт, эрининг уни мақташи, тақдирлашидир. Айниқса, аёллар оддий нарсаларга кўп эътибор беришади. Шунинг учун байрамларда, муборак кечаларда, никоҳланган, тўй қилган кунларида кичкина бўлса ҳам, совға беришни унутмаслик керак.

Бир аёл йиллар давомида эри учун лаззатли таомлар пиширади. Бунга қарамай эридан кичкина бўлса ҳам мақтов, раҳмат эшитмасди. Бир куни ичига сомон солинган бир идишни оғзини бекитиб, овқатлар билан бирга дастурхонга қўяди. Эри идишни очиб, сомонни кўргач ғазабланиб “Бу нима, сомон ейдиган бўлдикми? Мен сенга молманми?” деб дағдаға қилади. Аёл “Қанча йиллардан бери ширин таомлар пишираман. Ҳеч ҳам раҳмат айтмагангиздан кейин эрим яхши билан, ёмонни фарқига бормай қолганми. Олдига нима қўйса, еяверади, деб ўйладим. Мана энди фақат ёмонни фарқлай олишингизни, яхшиликни билмаслигингизни тушундим” дейди.

Ёмонни танқид қилишни билган эр, яхшини тақдирлашни ҳам билиши керак. Тақдирлашдан, мақташдан ожиз бўлса, танқиддан ҳам воз кечиши керак. Нафақат ёқтирган таомлари ва хизматларига, балки ёқмаганлари учун ҳам раҳмат айтиш лозим. Чунки аёл ўша эрига ёқмаган таом учун ҳам анча вақт заҳмат қилиб ошхонада овора бўлди. Бири бизга бир ёнғоқ ҳадя қилса-ю, у ҳам қуртлаган бўлса, унга аччиқланиш керакми?

Бегонага кўрсатиладиган ҳушмуомаланинг ҳеч бўлмаса, ўндан бирини уйда эр-хотин бир-бирига кўрсатиши керак.








Қўполлик муҳаббатни сўндиради, беҳузурликка йўл очади. Масалан, бегона кишига “Битта гапни қайтараверманг” дея олмаймизу лекин уйда “Яна шу гапларни гапиряпсанми” деб уришиб айтишимиз қанчалик “ҳушмуомала” эканмиздан дарак беради.

Уйдаги бахт-саодат, ишхонадаги ҳушмуомаладан минг марта ортиқ. Ҳузур-ҳаловат ва оилавий бахт миллиардлаб пул топишдан ҳам афзалдир. Шундай экан, мулойим ва кулар юзли бўлган кишининг уйида совуқлик, нотинчлик бўлмайди.

Пайғамбаримиз ҳар доим уйларига табассум қилиб кириб, салом берардилар. Демак эркакнинг бошида ташвиши бўлса ҳам, остона ҳатлаб уйга кириши билан табассумни тарк этмаслиги керак. Чунки атрофдагиларга ҳатти-ҳаракатларимиз сўзларимиздан кўра қаттиқроқ таъсир қилади.

Табассум тафтида эримайдиган маъдан йўқ. Кулимсираш орқали қанчалаб қалбларни забт этиш мумкин. Ҳаётда битта табассумга асир тушган йигит-қизлар бир-бирларининг ҳеч бир камчилигини “кўрмай” уйланиб кетишади.

Мусулмон ҳар доим илиқ чеҳрали, мутабассим юзли, мунофиқ эса, қовоғидан қор ёғиб турган башарали бўлади. Табассум шундай бир бепул матоҳки, олганни хушнуд қилиб, берганни қийнамайди. Баъзан бир табассумнинг хотираси умр бўйи эсдан чиқмайди. Ҳузур-ҳаловатнинг калити табассумдир. Табассум қила олмайдиган одам ҳақиқатан бечора ва бахтиқародир. Кулимсирашни уддалай олиш дунё ва охират саодатига сабаб бўлади.








Турмушга чиқадиган қизларга маслаҳатлар

Йигитга ҳам, қизга ҳам турмуш қурганларида ўзаро яхши муомалада бўлиш, оилавий бахтга етишлари фидокорлик ва сабрни талаб этади. “Кулфатсиз неъмат бўлмайди” дейилган.

Яхши муносабатда бўлиш учун ташвишларга чидаш, ҳамма вақт ўзиникини ҳақ деб ҳисобламаслик керак. Оила муносабатларида ҳа деб “мен ҳақлиман” дейиш, орага совуқлик тушишига олиб келади.

Мусулмон ва тажрибали бир онанинг бир неча асрлар аввал қизига берган ўгити:

Қизим, ўзинг туғилиб ўсган қадрдон оилангдан чиқиб, бегона юртда, феъл-атворини ҳали билмаган одаминг билан бирга оила бўлиб яшашга интиласан.

Сен унга ер бўл, у сенга кўк бўлсин.

Сен унга уй бўл, у сенга уйнинг тиргаги бўлсин.

Сен унга чўри бўл, у ҳам сенга қул бўлсин.

Унинг кўнглини оғритма, шунда унинг муҳаббати камаймайди.

Ундан узоқ қолма, сени унутмасин.

Унинг кўзини, бурнини ва қулоғини ҳимоя қил, сендан бошқасини кўрмасин, сендан бошқасининг ҳидини билмасин ва фақат сендангина ширин сўзлар эшитсин.

Уйингда ўтир. Уй ишлари билан машғул бўл.

Ейдиган, ичадиган нарсалар ҳақида у нима келтирса, шунга қаноат қил ва уни-буни ололмаймиз деб асло шикоят этма.

Эринг ҳақини ўзингнинг ҳақингдан устун кўр.

Эрингнинг қариндошининг ҳақини ҳам устун кўр.

Хонадонда интизомга ва тозаликка риоя қил.

Қўшниларинг билан яхши муносабатда бўл, улардан келадиган ташвишларга чида.




Айниқса, қўшнилар орасида гап ташима. Ғийбатдан қоч.

Намозларингни вақти кириши билан ўқи.

Қуйидаги мактуб ҳам тажрибали онанинг қизига берган насиҳатларидир:

Қизим, мен сенга қирқ йиллик турмуш тажрибамга асосланиб, баъзи насиҳатлар бермоқчиман. Бу насиҳатларимга амал қилсанг, дунёда бахтли умр кечирганингдек охиратда ҳам абадий саодатга етишасан.

1. Қаноаткор бўл. Яъни эринг келтирган егулик, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни мамнуният билан қабул қилгин. Чунки қаноат қалбни ҳузурга тўлдиради.

2. Гапирганларини яхшилаб тингла ва эрнинг тўғри амрларига итоат эт.

3. Уйинг ва ҳамма нарсанг доимо тоза ва тартибли бўлсин.

4. Эрингнинг овқатланиш вақти билан уйқу вақтига эътибор бергин. Очлик инсоннинг феълини бузади, уйқусизлик эса, тез жаҳли чиқишига сабаб бўлади.

5. Уйининг молларини ва нарсаларини яхши сақла. Қилган ишларингни, яхшиликларингни юзига солма. Яхшиликка яхшилик тез унутилади, ёмонликка яхшилик эса, унутилмайди.


6. Эрингнинг яқинларига яхши муомалада бўл. Эрнинг хатоларини ёлғизлигида, юмшоққина қилиб айт.

7. Эрингни сирларини ҳеч кимга айтма! Эр-хотин орасидаги сирлар ўзлари билан қабрга кетиши керак.

8. Эрингнинг ғам-ташвишига ва қувончига шерик бўл. Унга ҳар тарафлама яхши дўст бўл. Ёлғон оилани ичидан кемирадиган бир қуртдир.

9. Орангиздаги муаммоларни ўзингиз ҳал этинг. Ҳеч қачон буларни бизга ва бошқасига олиб борма. Ҳеч кимдан мадад кутма.

10. Эрингдан у олишга қийналадиган ва кучи етмайдиган нарсаларни сўрама.







11. Аёлнинг чиройли феъллиси жаннат неъматидир. Сен эрингга жаннат неъмати бўл. Азоб чектирма.

12. Буларни қила олишинг учун унинг истакларини ўзингнинг истакларингдан, унинг розилигини ўзингнинг орзуларингдан устун кўришинг керак. Ҳар доим ўз орзу-истакларингни биринчи қўйсанг, бу насиҳатларга амал эта олмайсан.

13. Беш вақт намозни шартларига мос ҳолда ўқимасанг, бунинг фалокати сенга ҳам, эрингга ҳам, фарзандларингга ҳам етади. Беш вақт намознинг тўғри бўлиши учун ғусл ва таҳоратнинг тўғри бўлиши керак. Буларнинг фойдасини кўриш учун эътиқодинг тўғри бўлиши керак. Тўғри эътиқод аҳли суннат эътиқодидир. Ҳамма нарсадан аввал шуларни ўрганиб, амал қилинглар. Булар бор бўлса, қолган нарсалар вақти билан тузалади.

Уйланадиган йигитларга маслаҳатлар

Қуйида ёзилганларга риоя қилган йигитлар оила қуриб, ҳақиқий бахтга эришади:

1. Аёлига нисбатан ҳар доим гўзал ахлоқда бўлиш лозим. Аллоҳу таоло ахлоқи чиройли бўлган бандаларини севади, ахлоқсизларни севмайди. Аёлини ранжитиш ҳаромдир. У билан ҳар доим юмшоқ муомалада бўлиш керак. Уйга келгач, салом бериб, аҳволини сўраш, ҳазиллашиб қўйиш лозим. Аёли билан турли ўйинлар ўйнаш савобдир. Ташвишини, душманларини, қарзларини гапириб уни сиқмаслик керак. Ғамгин бўлса, уни севишини айтиб, кўнглини кўтариш, ширин гаплар гапириш лозим.

Ҳадиси шарифда **“Мусулмонларнинг энг яхшиси ва фойдалиси аёлига энг яхши муомалада ҳамда фойдали бўлганидир”** деб марҳамат қилинди. (Насоий)

2. Бажариши қийин бўлган ишларни ҳам “Иншаллоҳ қиламан”








дея сўз бериб, кўнглини олмоқ. Чунки у ўзига ўрганган дўсти, ҳамдарди, овқатларини тайёрлаб берадиган ва фарзандларини тарбия этадиган фидокор аёлидир.

3. Фарзанд тарбиясида унга ёрдам бериш керак. Чақалоқ кеча-кундуз йиғлаб, онасига ҳеч тинчлик бермайди ва уни инсофсизча ранжитади. Шундай экан, унга ёрдам берганга Аллоҳу таоло ёрдам беради.

4. Кучи етадиган бўлса, ўз юртида одат бўлган кийим ва зебу-зийнатларнинг энг қимматбаҳосини олиб бериш керак. Кўчага чиқаётганида буларни бекитиб, бегоналарга кўрсатмаслиги лозим. Уйига ҳалолидан энг яхши егуликлардан олиш лозим. Овқатни ёлғиз емаслик керак. Оиласи билан бирга ўтириб ейиш савобдир. Уй учун пул бераётганида ортиқча тежамкорлик ҳам қилмаслиги, исроф ҳам қилмаслиги керак. Оиласига, бола-чақасига берилган пулнинг савоби, садақа савобидан ҳам кўп. Оиласини боқа олмайдиган, эҳтиёжларини таъмин эта олмайдиган эркакнинг уйланиши ҳаромдир.

5. Аёли билан яхши муносабатда бўлмоқ. Уни озорламаслик, бақирмаслик керак. Молига ва номусига хиёнат этмаган аёлларни уриш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч бир тарзда ранжитиш ҳам жоиз эмас. Дунё ишларидаги қусури учун асло қаттиқ гапирмаслик керак. Аёлларнинг қалблари нозик бўлгани учун бир-бирларини ёқтирмайдиганлари кўп учрайди. Шу жиҳатдан, айниқса, янги уйланган йигитлар ҳушёр бўлиши керак. Онаси, опа-синглиси ва бошқа аёлларнинг келинни четлашига, камситишига йўл бермаслиги керак. Қариндош хотинларнинг ёш келин ҳақидаги миш-миш сўзларига лаққа тушиб, аёлини ранжитмаслик керак. Онаси ва опа-сингиллари ҳақида аёлининг гапларига ҳам ҳушёр бўлиши лозим. Хотининг сўзига кириб, онасига азият берилишига имкон бермаслик керак. Онасига ўзи, болалари ва аёли муҳаққақ ҳурмат-эътибор кўрсатиши лозим. Ота-онага, қайнота-қайнонага ҳурмат ва хизмат биринчи







навбатда бўлиши керак. Катталарнинг розилигини, дуосини олишга ҳаракат қилиши, хайр дуоларини катта фойда деб билиши лозим.


6. Хотинининг ёмон феълини, хулқини мулойимлик билан қарши олиш керак. У билан яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Ақлли жуфтлар бир-бирини ранжитмайди. Турмуш ўртоғини ранжитиш, ахмоқлик аломатидир. Феъли чатоқ, характери оғир кимсанинг турмуш ўртоғи давомли равишда хафа бўлиб, асаблари бузилади. Асаб касаллигига чалинади. Бундан турли бошқа касалликлар келиб чиқади. Жуфти касал бўлган киши маҳзун бўлади. Аёлининг хизмат ва ёрдамларидан маҳрум қолади. Умри унинг дардларига даво излаш билан ўтади. Бутун бу ғам-ташвишларга ўзининг ёмон феъллилиги сабаб бўлади. Афсуски, энди бу пушаймоннинг фойдаси йўқ. Шундай экан, аёлига кўрсатадиган қилиқлари аслида ўзига бўлади. У билан доимо кулар юзли, ширин сўзли бўлишга ҳаракат қилиш керак.

7. Феъли ўзгарса, айбни ўзида билиб “Мен яхши бўлганимда унинг феъли ёмонлашмасди” дейиш керак.

8. Аёли аччиқланганда, у индамаслиги керак. Шунда у ўзи пушаймон бўлиб, узр сўрайди. Яхшиликларини кўрганда Аллоҳга шукр этиш ва унга дуо қилиш керак. Ўзини шундай тутиш керакки, аёли “Эрим мени жуда севади” деб ўйласин.

9. Гуноҳ бўлмаган камчиликларини кўрмаганга олиш лозим. Гуноҳлардан сақланишини, намоз, рўза ва ғуслни тарк этмаслиги кераклигини ширин ва юмшоқ гап билан тушунтириш лозим. Қимматбаҳо нарсалар олиб беришини ваъда бериб, ибодатларини қилдиртириш, гуноҳлардан воз кечириш керак. Айбларини, сирларини ўзгалардан яшириш керак. Қуръон ўқишни, илмиҳолини ўргатиш лозим. Аҳли суннат олимларининг китобларини ўқитиш керак.

10. Унга доим фақат хайр дуода бўлиш керак. Чунки у уйининг







назоратчиси, ошпази, тикувчиси, йўлдоши ва турмушдаги дўстидир.

Савол: "Уйланганга Аллоҳ ёрдам беради" деган бир сўз бор. Фақирлиги сабаб уйланмай юрган бири, уйланишга ташаббус кўрсатса, Аллоҳ унга ёрдам берадими?

Жавоб: Агар ҳаромдан қутулиш нияти билан уйланса, албатта, Аллоҳ унга ёрдам беради. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинадики:

"Ҳаромдан сақланиш учун уйланганга Аллоҳнинг ёрдами ҳақ бўлади." (Ибн Моний)

"Уйланиб, ризқ изланг!" (Дайламий)



"Аллоҳу таоло эр-хотиннинг бир-бири билан ҳазиллашишидан хушнуд бўлади ва бу сабабли иккисига ҳам савоб ёзади, ризқларини ҳам ҳалолдан кўпайтиради." (И.Адий)

"Бир оила бир-бирига яхшилик ва икромда бўлганларида Аллоҳу таоло уларга мўл ризқ беради ҳамда уларни ўз ҳимоясига олади." (И.Асокир)

Никоҳ қандай ўқилади?

Никоҳга тегишли расмий ҳужжатлар ҳал қилингандан кейин йигит иккита мусулмон эркак гувоҳ ёнида уйланадиган қизига "Сени ўз никоҳимга олдим" дейди, қиз ҳам "Мен ҳам бу никоҳни қабул этдим" дейиши билан никоҳ саҳиҳ бўлса ҳам, аслида суннатга мос никоҳ қуйидагича қилинади:

Ҳозирги вақтда динни биладиганлар камайиб кетганлиги учун никоҳ ўқийдиган киши куёв билан келинга Аллоҳу таолонинг сифатларини санаб, имоннинг ва исломнинг шартларини айтганидан кейин "Қабул этдингми?" деб сўрайди. Ҳа жавобини олгач, келин билан куёвнинг мусулмонликларини аниқ бўлгандан кейин уларнинг никоҳлари ўқилади.




Аввал келиннниг исми, масалан, Аҳмад қизи Фотима деб ёзади. Сўнгра куёвнинг исмини, масалан, Ҳасан ўғли Али деб ёзади. Ундан кейин икки эркак гувоҳнинг исмини оталарининг исми билан бирга ёзади. Сўнгра келишилган маҳри муажжални (никоҳдан олдин қиз томонга бериладиган мол, олтин, кумуш, қоғоз пул ва бошқа қийматли нарсалар) ва маҳри муъожжални (никоҳдан сўнгра келинга берилиши керак бўлган мол, олтин, кумуш, қоғоз пул ва бошқа қийматли нарсалар) ёзади. (Маҳри муъожжалнинг кўп бўлиши қиз учун фойдали. Масалан 80 грам олтин бўлиши мумкин. Агар эр-хотин ажрашадиган бўлса, эр бу олтинни бериши шарт. Маҳри муъожжал кўп бўладиган бўлса, бўлар-бўлмас сабаблар билан ажрашишлар бўлмайди.)

Имом истиғфор ўқиб, у ердагиларга таждиди имон ва таждиди никоҳ қилдиради:

Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ ал-азим аллази ла илоҳа илла ҳув ал-ҳаййулқаййум ва атубу илайҳ. Тавбата абдин золимин ли-нафсиҳи ло йамлику ли-нафсиҳи мавтан ва ло ҳаётан ва ло нушура.Ё Раббий! Ҳини булуғимдан (балоғат ёшимдан) бугунгача, Ислом душманларига ва бидъат аҳлига алданиб, ўрганган бутун нотўғри ва бузуқ эътиқодимга, бидъат ва фисқ бўлган гапларимга, эшитган, кўрган ва қилганларимга нодим бўлдим, пушаймон бўлдим. Энди асло ундай нотўғри, бузуқ нарсаларга ишонмасликка ва қилмасликка азму жазму қасд айладим. Пайғамбарларнинг аввали Одам "алайҳиссалом" ва охири севгили пайғамбаримиз Муҳаммад "алайҳиссалом"дир. Бу икки пайғамбарга ва бу иккаласи орасида келиб-кетган жами пайғамбарларнинг барчасига иймон келтирдим, ишондим. Барчаси ҳақдир ва содиқдир. Барчасининг келтирганганлари тўғридир. Асло шак ва шубҳам йўқдир. Оманту биллаҳ ва би-мо жоа мин индиллоҳ, аъло муродиллоҳ ва оманту би-Расулиллоҳ ва би-мо жоа мин инди Расулиллоҳ аъло муроди расулиллоҳ.







Оманту биллоҳи ва Малоикатиҳи ва кутубиҳи ва Русулиҳи вал явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал-баъсу баъдал-мавти ҳаққун ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ.Аллоҳумма инний уриду ан ужаддидал иймона ван-никоҳа таждидан би қавли ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ.

Аузу-бисмиллоҳдан кейин қуйидаги дуони ўқийди: ***"Алхамду лиллаҳил-лази завважал арваҳа бил ашбаҳ ва аҳаллан-никоҳа харрамас-сифах. Вассалоту вассалому ала Расулина Муҳаммадин-иллази баййанал-ҳараама вал-мубоҳ ва аъло олиҳи ва Асҳоби-ҳиллазина ҳум аҳлиссалоҳи вал-фалаҳ."***

Аузу-бисмиллоҳ айтиб, Нур сурасининг 32-ояти каримасини ўқиб "Садақоллоҳу азим" дейди, сўнгра *"Қола Расулуллоҳ (Ан-никоҳу суннати фаман рағиба ан суннати фалайса минни) Садақа Расулаллоҳ. Бисмиллоҳи ва ала суннати Расулиллоҳ"* дейди.

Сўнгра келинга ўгирилиб *"Аллоҳу таолонинг амри, пайғамбаримизнинг суннати, амалда мазҳабимиз имоми - Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг ижтиҳоди ва ҳозир бўлган мусулмонларнинг гувоҳлигида (масалан) 10 грам олтин маҳри муажжал ва 80 грам олтин маҳри муъожжал билан Ҳасан ўғли Алига танмаҳрам бўлишга розимисан, уни эрим деб қабул қилллдингми?"* дейди. Келин "Ҳа, келишилган маҳри муажжал ва маҳри муъожжал билан Ҳасан ўғли Алини эрим деб қабул қилдим" деб жавоб беради.

Сўнгра куёвга юзланиб "Бисмиллоҳи ва ала..."дан бошлаб ўқиб *"Аҳмад қизи Фотимани келишиилган маҳри муажжал ва маҳри муъожжал билан жуфти ҳалолликка қабул қилдингми?"* деб сўрайди. Икковидан алоҳида алоҳида уч марта сўрайди ва "Ҳа, қабул қилдим" деган жавобни олгач *"Мен ҳам никоҳингизни ўқидим"* дейди. Сўнгра шу дуони ўқийди.







Никоҳ дуоси: ***Аллоҳуммамажъал ҳазал ақда маймунан муборакан важъал байна-ҳума улфатан ва маҳаббатан ва қарора ва ло таъжал байна-ҳума нафратан ва фитнатан ва фирора. Аллоҳумма аллиф байнаҳума кама аллафта байна Одама ва Ҳавво. Ва кама аллафта байна Муҳаммадин саллаллоҳу алайҳи васаллам ва Хадижа-тул-кубро ва Ойша-та уммил муминина радиаллоҳу анҳума. Ва байна Алийин радиаллоҳу анҳ ва Фотима-туз-заҳро радиаллоҳу анҳа. Аллоҳумматил ла-ҳума авлодан солиҳан ва умран тавилан ва ризқан васийан. Роббана отина фиддунё ҳасанатан ва фил охирати ҳасанатан ва қина азобаннор. Субҳона роббика роббил иззати амма йасифун ва саламун алал мурсалин валҳамдулиллаҳи раббилоламин. Ал-фотиҳа.***

Бу дуони пайғамбаримиз ва бутун олимлар, валилар ўқидилар. Бу дуо ўқилганида келин-куёвнинг бир-бирига нисбатан уйғонган муҳаббати ўлгунича мавжуд бўлади, роҳат ва фароғатда яшайдилар. Уйларидан барака аримайди. Дуонинг маъноси қуйидагича:

Аллоҳим! Бу оилани муборак эт! Ораларидаги муомала-муносабатларида, севгиларида ва турмушларида сабот насиб эт, уларни нафрат, бир-бирини тушунмаслик ва айрилиқдан сақла. Аллоҳим! Одам алайҳиссалом билан Ҳавво волидамиз, Муҳаммад алайҳиссалом билан Хадижа-и кубро ва мўминларнинг онаси Оиша онамиз, ҳазрати Али билан ҳазрати Фотима-туз-заҳро онамиз орасидаги бор бўлган муҳаббатнни буларга ҳам насиб эт. Ўзларига солиҳ фарзандлар, узун умрлар ва мўл ризқлар эҳсон айла! Омин. Эй Раббимиз! Турмуш ўртоқларимизни ва фарзандларимизни ёмонликдан узоқ қил ва бизни Аллоҳга қарши чиқишдан сақланганларга йўлбошчи қил. Бизга дунёда ва охиратда яхшилик, гўзаллик бер. Бизни жаҳаннам азобидан сақла. Қудрат ва шараф соҳиби бўлган сенинг Раббинг улар айтаётган нарсалардан муназзаҳдир,








покдир. Бутун пайғамбарларга саломлар бўлсин. Оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳга хамд бўлсин!

Агар никоҳ вақтида келин иштирок этмай, унинг вакили билан куёв қатнашса, никоҳ ўқийдиган кимса Аллоҳу таолонинг сифатларини санаб, имоннинг ва исломнинг шартларини айтганидан кейин куёвдан “Қабул этдингми?” деб сўрайди. Келиннинг вакилидан ҳам буларни келиннинг билиш-билмаслигини, яъни мусулмон ёки мусулмон эмаслигини сўрайди. Мусулмон эканлиги маълум бўлгандан кейин келиннинг исми, масалан, Аҳмад қизи Фотима деб ва вакилининг исми, отасининг исмини бирга ёзади. Сўнгра куёвнинг исмини, масалан, Ҳасан ўғли Али деб ёзади. Ундан кейин икки эркак гувоҳнинг исмини оталарининг исми билан бирга ёзади. Сўнгра келишилган маҳри муажжални ва маҳри муъожжални ёзади.

Юқорида билдирилганидек таждиди имон ва таждиди никоҳ ўқиганларидан кейин истиғфор билан аъузу-бисмиллоҳдан кейин қуйидаги дуони ўқийди:

“Алҳамдулиллаҳилази завважал арвоҳа бил ашбаҳ ва аҳаллан-никоҳа ва харрамас-сифаҳ. Вассалоту вассалому ала расулина Муҳаммад-иниллази баййанал-ҳарома вал-мубоҳ ва аъла олиҳи ва Асҳоби-ҳиллазина ҳум аҳлуссалоҳи вал-фалоҳ.”

Аъузу-бисмиллоҳ айтиб, Нур сурасининг 32-ояти каримасини ўқиб “Садақоллоҳу азим” дейди, сўнгра *“Қола Расулуллоҳ (Ан-никоҳу суннати фаман рағиба ан суннати фалайса минни) Садақа Расулуллоҳ. Бисмиллоҳи ва ала суннати Расулиллоҳ”* дейди.Сўнгра келиннинг вакилига ўгирилиб *“Аллоҳу таолонинг амри, пайғамбаримизнинг суннати, амалда мазҳабимиз имоми - Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг ижтиҳоди ва ҳозир бўлган мусулмонларнинг гувоҳлигида (масалан) 10 грам олтин маҳри муажжал ва 80 грам олтин маҳри муъожжал билан ваколатинг сабабли Аҳмад қизи Фотимани Ҳасан ўғли Алининг никоҳига бердингми?”* дейди.








Сўнгра куёвга юзланиб “Бисмиллоҳи ва ала...”дан бошлаб ўқиб *“Аҳмад қизи Фотимани келишилган маҳри муажжал ва маҳри муъожжал билан жуфти ҳалолликка қабул қилдингми?”* деб сўрайди.

Икковидан алоҳида алоҳида уч марта сўрайди ва “Ҳа, қабул қилдим” деган жавобни олгач *“Мен ҳам никоҳингизни ўқидим”* дейди. Сўнгра юқоридаги никоҳ дуосини ўқийди.

Агар никоҳ маросимида куёв бўлмаса-ю, келин билан куёвнинг вакили иштирок этса, никоҳ ўқийдиган кимса Аллоҳу таолонинг сифатларини санаб, имоннинг ва исломнинг шартларини айтганидан кейин келиндан *“Қабул этдингми?”* деб сўрайди. Куёвнинг вакилидан ҳам буларни куёвнинг билиш-билмаслигини, яъни мусулмон ёки мусулмон эмаслигини сўрайди. Мусулмон эканлиги маълум бўлгандан кейин келиннинг исми, масалан, Аҳмад қизи Фотима деб ёзади. Сўнгра куёвнинг исмини, масалан, Ҳасан ўғли Али деб ва вакилининг исми, отасининг исмини бирга ёзади. Ундан кейин икки эркак гувоҳнинг исмини оталарининг исми билан бирга ёзади. Сўнгра келишилган маҳри муажжални ва маҳри муъожжални ёзади.

Юқорида билдирилганидек аввал таждиди имон ва таждиди никоҳ дуоларини ҳаммага ўқитади. Кейин истиғфор ва аъузу-бисмиллоҳ билан яна юқоридаги дуо ва оятларни ўқиб бўлгач, келинга ўгирилиб *“Аллоҳу таолонинг амри, пайғамбаримизнинг суннати, амалда мазҳабимиз имоми - Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг ижтиҳоди ва ҳозир бўлган мусулмонларнинг гувоҳлигида (масалан) 10 грам олтин маҳри муажжал ва 80 грам олтин маҳри муъожжал билан Ҳасан ўғли Алига турмушга чиқишга розимисан, уни эрим деб қабул қилдингми?”* дейди.

Келин “Ҳа, келишилган маҳри муажжал ва маҳри муъажжал билан Ҳасан ўғли Алига турмушга чиқишга розиман, уни эрим деб қабул қилдим” деб жавоб беради.





Сўнгра куёвнинг вакилига юзланиб “Бисмиллоҳи ва ала...”дан бошлаб ўқиб *“Аҳмад қизи Фотимани билдирилган маҳри муаажжал ва макелишилган маҳри муаажжал ва маҳри муъожжал билан сиз вакили бўлган Ҳасан ўғли Алига танмаҳрамликка қабул қилдиингми?”* деб сўрайди. Икковидан алоҳида алоҳида уч марта сўрайди ва “Ҳа, қабул этдим” деган жавобни олгач *“Мен ҳам никоҳингизни ўқидим”* дейди. Сўнгра юқоридаги никоҳ дуосини ўқийди.

Савол: Никоҳ маросимига келин ҳам, куёв ҳам қатнашмаса, фақат вакиллари бўлса, никоҳлари қандай ўқилади?

Жавоб: Никоҳни истаган киши ўқиши мумкин, фақат имомлар ўқиши керак деган бир шарт йўқ. Никоҳни ўқийдиган одам келин ва куёвнинг вакилларидан уларнинг Аллоҳу таолонинг сифатларини, имон ва исломнинг шартларини билиш-билмаслигини, яъни мусулмон ёки мусулмон эмасликларини сўрайди. Мусулмон эканлиги маълум бўлгандан кейин келиннинг исми, масалан, Аҳмад қизи Фотима деб ва келиннинг вакилининг исми, отасининг исмини бирга ёзади. Сўнгра куёвнинг исмини, масалан, Ҳасан ўғли Али деб ва вакилининг исми, отасининг исмини бирга ёзади. Ундан кейин икки эркак гувоҳнинг исмини оталарининг исми билан бирга ёзади. Сўнгра келишилган маҳри муаажжални ва маҳри муъожжални ёзади.

Юқорида билдирилганидек ҳамма дуолар ўқилгач келиннинг вакилига ўгирилиб *“Аллоҳу таолонинг амри, пайғамбаримизнинг суннати, амалда мазҳабимиз имоми бўлган Имом Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг ижтиҳоди ва ҳозир бўлган мусулмонларнинг гувоҳлигида сен вакили бўлган Аҳмад қизи Фотимани (масалан) 10 грам олтин маҳри муаажжал ва 80 грам олтин маҳри муъожжал билан ваколатинг сабабли талабгори Ҳасан ўғли Алининг никоҳига бердингми?”* дейди.







Сўнгра куёвнинг вакилига юзланиб “Бисмиллоҳи ва ала...”дан бошлаб *ўқиб “Аҳмад қизи Фотимани келишилган маҳри муажжал ва маҳри муъожжал билан сиз вакили бўлган Ҳасан ўғли Алига аёлликка қабул қилдингми?”* деб сўрайди.

Икковидан алоҳида алоҳида уч марта сўрайди ва “Ҳа, қабул қилдим” деган жавобни олгач *“никоҳингизни қийдим”* дейди. Сўнгра юқоридаги никоҳ дуосини ўқийди.

Турмуш ўртоғини рашк қилиш

Баъзи давраларда рашк қилишни айб, қолоқлик каби кўрсатишга уринадилар. Ҳамиятли бўлмоқ, яъни номусини ҳимоя этиш учун одоб доирасининг ичида рашк қилиш динимизнинг амридир. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики:


“Аллоҳу таолодан ҳамиятлиси йўқ ва бунинг учун фаҳшни тақиқлаган.” (Бухорий)

“Номус ғайрати имондан, аёл-эркак бир ерда ўйин-кулгу қилишлари мунофиқликдандир.” (Дайламий)

Номусини қизғанмаганга даюс дейилади. Даюслар ҳақида ҳадиси шарифда **“Аллоҳу таоло жаннатни яратгач “Хасис сенга киролмайди, даюс сенинг ҳидингни ҳам ҳидлолмайди” деб буюрди”** деб айтилган. (Дайламий)

“Ичкилик ичганга, ота-онасига осий бўлганга ва даюсга жаннатга кириш ҳаромдир.” (И.Аҳмад)

Бу катта гуноҳларни ишлаганларнинг зарра қадар имони бўлса ҳам, гуноҳларининг жазосини тортгандан кейин жаннатга киради. Фақат гуноҳлар инсонни куфрга етаклагани учун бу гуноҳларга давом этиш фалокатларга сабаб бўлади. Бир он аввал бўлса ҳам тавба этиб, гуноҳлардан қутулиш керак. Тавба қилган одам ҳеч гуноҳ қилмагандек тоза бўлади. Эр-хотин бир-бирини рашк этиши нормал ҳолатдир. Фақат рашк қилишда чегарадан




чиқмаслик керак. **“Аллоҳу таоло рашкни аёлларга ва жиҳодни эркакларга юклади. Қайси аёл бу амрга имон этиб, сабр қилса, шаҳид бўлган мужоҳиддек савобга эришади”** ҳадиси шарифида ҳам аёлларнинг сабр этишига ишорат этилмоқда. Аёл ҳам рашк қилади, ҳам бунга чидайди. Бу буюк фидокорлик эркакларнинг жиҳодига тенглаштирилган.

Савол: Ҳамиятли бўлиш билан, қизғаниш билан ҳасад этиш орасидаги нима фарқ бор?

Жавоб: Ҳасад яхши кўрмаслик деганидир. Яъни Аллоҳу таолонинг бир кишига берган неъматининг ундан кетишини хоҳлаш деганидир. Ундан кетишини истамай, ўзида ҳам бўлишини исташ ҳасад бўлмайди. Бунга ғибта, яъни ҳавас қилиш дейилади. Ҳавас қилиш гўзал фазилатдир. Исломиятнинг аҳкомига, яъни фарзларни бажаришга ва ҳаромлардан сақланишга риоя қилган солиҳ кимсага ҳавас қилиш вожибдир. Дунё неъматлари учун ҳавас қилиш танзиҳан макруҳ бўлади. Бирида бўлган ёмон, зарарли нарсаларнинг кетишини исташ ғайрат бўлади. Ғайрат кўрсатганга ҳамият дейилади. Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики:


“Мўмин киши ҳамиятли бўлади. Аллоҳу таоло эса ундан ҳам ҳамиятлидир.” (Муслим)

“Номус ғайрати имондандир.” (Дайламий)

Аллоҳу таолонинг ғайрат этиши қулининг ёмон, жирканч нарса қилишига рози бўлмаслигидир. Инсоннинг Аллоҳу таологa ғайрат этиши, ҳаром иш қилишни истамаслик орқали амалга ошади.

Қайнота ва қайнона

Қайнота-қайнонага “ота-она” деб ҳитоб қилиш ғалати туюлса ҳам, аждодларимиз уларга ҳурмат маъносида “ота-




она” деганлар. Бақара сурасининг 133-ояти каримасида Яқуб алайҳиссаломга**“Отанг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқ”** деб буюрилган. Маълумки, Яқуб алайҳиссалом Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли. Исмоил алайҳиссалом амакиси, Иброҳим алайҳиссалом эса бобосидир.


Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Торуҳ бўлгани ҳолда амакиси ва ўгай отаси Озар ҳақида Қуръони каримда **“Иброҳимнинг отаси”** ифодаси келган. **(Анъом, 74)**

Пайғамбаримиз ўз амакилари Абу Толиб ва Абу Лаҳабга “ота” деганлари ҳадиси шарифларда билдирилган. Кўпгина мамлакатларда кекса кишиларга ҳурмат маъносида “Ота” дейилади. Кекса аёлларга ҳам, масалан “Ойша она”, “Фотима она” ёки “Ҳожи она” деб айтилади. Бундай дейиш, яъни ота дейиш билан у бизнинг ўз отамиз бўлиб қолмаганидек, она деган аёлимиз ҳам ўз онамизга айланиб қолмайди. Булар ҳурмат юзасидан айтилади. Бундан ташқари, кекса кишиларга қариндошимиз бўлмаса ҳам “Амаки, бобо, хола, буви” деймиз. Бу ҳам ҳурмат маъносидадир.

Қайнота ва қайнонага ота-она дейиш эса, табиийдир. Риё мақсадида айтилса риё, ҳурмат маъносида айтилса ҳурмат бўлади. Булар мубоҳ бўлган одатлардир. Гуноҳ бўлмаган одатларга эргашишнинг зарари йўқ. Ҳатто мубоҳ бўлган одатга эргашмаслик шуҳратга, кўнгил оғритишга сабаб бўлса, бундай одатларга эргашилади.

Фарзандли бўлиш

Фарзанд бўлмаслик баъзилар учун энг катта ғам ва муаммодир. Оиладаги совуқликлардан бошлаб, ажрашишгача боради. Айб баъзан аёлда, баъзан эркакда бўлади. Баъзан ҳар иккаласида ҳам бўлади.




Фарзанд бўлмасликнинг сабабларининг энг бошида болалигида бошдан кечирган хасталиклари, психологик зарар, нотўғри овқатланиш, совуқ ёки иссиқни ўтказиб юборишга аҳамият бермасликдан юзага келган тиббий нуқсонликлар келади. Фарзанди бўлмаган эр-хотинларнинг кўпчилиги бундай ҳолатга болалигида, ёшлигида учраган.

Бир қисми эса нотўғри овқатланиш сабабли бунга дучор бўлган. Чунки ҳадиси шарифда **“Келин илк ҳафта қатиқ, айрон, сирка, тузлама ва нордон нарса емаслик керак. Булар фарзанд бўлмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Сирка ейдиган аёлнинг ҳайз кўриши заҳматли ва ҳайзи тартибсиз бўлади. Нордон олма ейиш ҳайз қонини тўхтатади. Бу эса бошқа бир касалликка олиб келади”** дейилган.


Бир қисми эса, турмушларининг бошида фарзанд бўлмасин деб олган нотўғри тадбирлари билан кейин ҳам фарзандларининг бўлмаслигига замин тайёрлайдилар.

Фарзанд бўлмаслик сабабини яхшилаб излаш керак. Шуни билиш керакки, тиббиёт жуда ривожланганлиги билан ҳали камчиликлари бор. Нотўғри даволанишнинг ва билиб-билмай қўлланилган дориларнинг зарари кўп. Даволанишда жуда диққатли бўлиш, тўғри келган дорини қўлланмаслик лозим. Айниқса эр-хотин мутахассис бир шифокордан бемаслаҳат дори ишлатмаликлари керак.

Мутахассис шифокорлар фарзандсизлик сабаблари ва уни даволаш хусусида қуйидагиларни айтган:

Бепуштлик

Эр-хотиннинг фарзандли бўлишга интилишларига қарамай бир йил ичида ҳомиладор бўлмаслигига бешуштлик номи берилмоқда. Сақланмаган жуфтларнинг 85%ида бир йил ичида





ҳомиладорлик кутилади. Бепуштлик 30-40% эркакларга, 40-50% аёлларга оид сабаблардан келиб чиқмоқда. Жуфтларнинг 25% ида эркак ва аёл фактори бирга бўлмоқда. 10-15%ида бутун изланишларга қарамай бепуштликни очиқлаб берадиган бир сабаб топилмаяпти.

Шифокорга эр-хотин бирга бориши муҳимдир. Улар бу шифокорга ва шифохонага ишониши, ҳеч нарса яширмаслиги, саволларга очиқ жавоб беришлари ва ҳеч бир мавзуда уялиш ҳисси билан яширмаслиги керак.

Аёлни кўрикдан ўтказиш фақат жинсий аъзоларини эмас, бутун вужудини текширишга йўналган бўлади. Баъзи гормонал хасталиклар (тироид бези, қанд касаллиги каби) жинсий аъзоларнинг функциясига таъсир кўрсатади

Аёлларга оид бепуштлик сабаблари: Уруғланиш йўлларига оид сабаблар

Ҳомиладор бўлиш учун сперманинг бачадон оғзи ва ичидан ўтиб, тухумга етиши керак. Шу сабабдан йўлларнинг очиқлигини ва вазифасини бажариш-бажармаслигини кўрсатиш керак. Бепуштлик сабабларининг 35%ини йўлларга оид бузуқликлар ташкил этади. Дорили бачадон филми (ХСГ) йўллардаги битиб қолган жойларни, етган талофатларни кўрсата олади. ХСГ филмида бир бузуқлик бўлса, симптом мақсадли лапарскопдан фойланиш мумкин. Йўллар битиб қолган, талофат кўрган ёки ёпишиб қолган бўлса, жарроҳлик ёрдамида даволаш мумкин. Фақат амалиёт билан ижобий натижага эришиш мумкин бўлмаса, пробирка ёрдамида уруғлантириш энг яхши алтернативдир.




Уруғлантириш муаммолари

Тартибсиз ва анормал уруғлантириш бепуштликка сабаб бўладиган жиҳатларнинг 5-25%ини ташкил этади. Нормал шароитларда ҳар ой тухумдондаги тухумлардан бир донаси катталашиб ёрилади ва овуляция юз беради. Овуляциянинг бўлмаслиги ҳайздаги тартибсизлик ва бепуштликнинг энг аҳамиятли сабабидир.

Ёш фактори

Нормал шароитларда сақланмаган жуфтларнинг 85%ида бир йил ичида ҳомиладорлик кутилади. Иккинчи йили ҳомиладор бўлмаган 15%нинг 10%и ҳомиладор бўлади. Иккинчи йилдан кейин ҳам ҳомиладор бўлмаса, даволаниш керак. Йил ўтиши билан имконият пасайиб боради. Аёлларда ёш ортиши билан ҳомиладор бўлиш имконияти ҳам камайиб боради. 40 ёш ва ундан ошганда ҳомиладор бўлиш имконияти 10%га тушади.

Аниқланмаган бепуштлик

Фақат баъзи жуфтлардан олинган тестлар нормал чиқмоқда. Бу ҳолатда аниқланмаган, яъни изоҳ этилмаган бепуштлик ҳақида гап кетади.

Эркакларнинг бепуштлигига оид сабаблар:

1. Гормонал бузуқликлар.
2. Генетик бузуқликлар.
3. Сабаби аниқланмаган
4. Варикоцеле.




5. Крипторхизм.

6. Сперма ташувчи каналлар ва органларга боғлиқ сабаблар.

7. Иммунионал сабаблар.

8. Фойдаланган дорилари, ҳаддан ташқари иссиқлик, систематик касалликлар.

Болалигидан эътибор қилинадиган хусуслар (қиз бола учун):

1. Гўдаклик чоғидан бошлаб, совуқдан сақлаш.

2. Музқаймоқ, яхна ичимликлар каби совуқ нарсаларни еб-ичмаслик.

3. Свинка, қизамиқ, силга қарши вакциналарни олиш лозим.

4. Спиртли ичимликлар ичмаслиги, тамаки чекмаслиги керак.

5. Ҳаммомга тушганида совқотиб қолмаслиги, айниқса ҳайз пайтида сувга тушиб совқотмаслиги лозим.

6. Аччиқ, кўк солинган таомлардан кўп емаслиги керак. Қишда совқотиб қолмаслиги лозим.

7. Ҳарорати кўтариладиган касалликларда албатта шифокорга кўриниш керак.


8. Оилали ёшлар бир-бирини ранжитмаслиги керак. Овқатланишига эътибор бериб, касалликлардан сақланиши лозим.

Болалигидан эътибор қилинадиган хусуслар (ўғил бола учун):

1. Свинка, қизамиқ, силга қарши вакциналарни олиш лозим.

2. Спиртли ичимликлар ичмаслиги, тамаки чекмаслиги керак.

3. Эрта ётиб, эрта туриш лозим.




4. Аччиқ, кўк солинган таомлардан кўп емаслиги керак. Қишда совқотиб қолмалиги лозим.

5. Тухумлар зарбалардан ҳимоя қилиниши лозим. Ҳарорати кўтариладиган касалликларда албатта шифокорга кўриниш керак. Суннат қилаётганда диққатли бўлиш керак.

6. Оилали ёшлар бир-бирини ранжитмаслиги керак. Овқатланишига эътибор бериб, касалликлардан сақланиши лозим.


Бепуштликка оид аломатлар кўринганда

Аччиқ таъмли қўшимчалар қўшилган таомлар ейиш, совуқ ичимликлар ичиш тақиқланади. Ҳеч қачон ўзбошимча дори ичмаслик керак. Ўзбошимча ичилган нотўғри дорилар тухум ва спермага манфий таъсир этиши мумкин. Хусусан буйракларни ва тухумдонларни совуқда қолдириш, тухумларга зарба олиш бепуштликка олиб келади.

Савол: Шифокорлар аёлимда ва менда фарзанд кўролмаслик учун ҳеч бир тиббий тўсиқ йўқ эканлигини айтмоқдалар. Дўст-оғайниларнинг ғийбати сабабли ғам чекмоқдамиз. Бунда айб бизда бўлмаса ҳам бу тақдирдан бўлиши мумкинми?

Жавоб: Ҳамма нарса тақдир билан бўлади. Тақдирнинг яхшиси, ёмони, аччиғи, ширини фақат Аллоҳу таолодандир. Тақдир Аллоҳу таолонинг бўладиган нарсаларни азалда билишидир. Қазо тақдирдаги нарсаларни вақти келганида яратишидир.

Фарзанд бўлиши ва бўлмаслиги тақдирга боғлиқ. Аллоҳу таоло тақдирига кўра сабаблар яратмоқда. Сабабларга ёпишгандан кейин, тиббий бир тўсиқ қолмаганидан кейин жуфтлар “Ё Рабби, агар бизга фарзанд хайрли бўлса, насиб эт” деб дуо этишлари керак. Дуо қабул бўлса, фарзанд бўлади. Қандай бўлмасин фарзанд бўлса бас деб эмас, хайрли бўлса,







бўлсин деб ёлвориш керак. Хайрсиз бир фарзанд ўрнига фарзанднинг бўлмагани яхшироқдир.

Асосий ҳаёт охират ҳаётидир. Дунёда муҳташам умр кечирса ҳам, бу ўткинчидир. Охир замонда фарзандсиз бўлмоқ, янаям яхшироқдир. Имом Ғазолий ҳазратлари айтадики: “Пайғамбаримиз “**Икки юз йилдан кейин сизларнинг энг яхшиларингиз хафиф-ул-ҳоз бўлганларингиздир**” деб марҳамат қилдилар. Хафиф-ул-ҳоз нима деб сўраганларида “**Аёли ва фарзанди бўлмаганлар**” деб жавоб бердилар.” (Абу Яъла)

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари ҳам “Бу замонда фарзанди бўлмаган одам шукр саждаси қилсин” деганлар.

Қуръони каримда маолан “**Ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхшилик, яхши кўрган нарсангиз эса сиз учун ёмонлик бўлиши мумкин. Сиз билмайсиз, Аллоҳ билади**” деб буюрилди. (Бақара, 216)

Фарзандли бўлиш неъмат бўлса ҳам, кўп ҳолларда таҳликали бўлиши ҳам мумкин. Қуръони каримда фарзанд ҳақида “**фитна**” дейилган. Бу ерда фитнанинг маъноси имтиҳон деганидир. Фарзанд имтиҳонидан юзимиз оқ бўлиб чиқиш осон эмас. Шунинг учун ўзимизга хайрли дуолар қилишимиз лозим. (**Ҳадиқа**)

Фарзанд кўришни истаганлар ёки қандайдир бир истаги бўлганлар қуйидагиларни қилиши керак:

1. Истиғфор ўқиш лозим. “Бойлигим кўп, аммо фарзандим йўқ” деган бирига бир саҳобий истиғфорда давом этишни айтди. У кунда 700 истиғфор ўқирди. Ниҳоят ўнта фарзандли бўлди. Ҳасан Басрий ҳазратларига одамлар қурғоқчиликдан, фақирликдан, бефарзандликдан шикоят қилдилар. Барчасига истиғфор ўқишни буюрди. Сабаби сўралганда Қуръони каримдан уч ояти карима ўқиди. Маоли қуйидагича:

“**Жуда кечиримли бўлган Раббингизга истиғфор этингки, кўкдан мўл ёмғир ёғдирсин, сизга бойлик ва ўғиллар билан**







ёрдам берсин, сиз учун боғлар, ирмоқлар берсин.”
(Нуҳ, 10-12)

2. Тилагига етиш учун икки ракат намоз ўқиб, савобини силсилаи олия дейиладиган олимларнинг руҳига ҳадя этиш керак. Масалан “Ё Рабби, хайрли бир фарзанд насиб эт, бу дуомни силсилаи олия буюкларининг ҳурмати учун қабул эт” дейиш керак. (**Макотиби шарифа**)


Бомдод ва шом намозларидан кейин силсилаи олиянинг исмларини, сўнгра фотиҳа ўқиб, руҳларига бағишлаб, уларни васила этиб, қилинган дуо қабул бўлади. Синаб кўрилган.

3. Ояти ҳирз усулига мос ўқилса ва ёнида олиб юрилса, муродига етади.

4. Назр қилиш керак. Масалан “Шу билан уйлансам, савобини Саййидат Нафиса ҳазратларига бағишлаб, 3 ёсин ўқишни назр этдим” деганида бу тилакнинг қабул бўлганлиги тажриба кўрилган.

5. Дуони изн билан ўқиш лозим. Бир ҳожатининг ҳосил бўлиши учун дуо этилганда таъсир этиши учун устознинг рухсати билан ўқиш керак. Устози вафот этган бўлса, китобидан ўрганиб, ўқиш ҳам изн олишга киради.

6. Бирон тилаги бўлган одам қуйидаги дуони ўқисин. Бир кўр киши келиб “Ё Расулаллоҳ, Аллоҳу таологa дуо қилинг, кўзларим очилсин” деди. Пайғамбаримиз “**Яхшилаб таҳорат олгин. Сўнгра Ё Рабби, сенга ёлвораман. Севгили пайғамбаринг Муҳаммад алайҳиссаломни ўртага қўйиб, сендан истайман. Эй севгили пайғамбарим Муҳаммад алайҳиссалом. Сизни васила қилиб, Раббимга ёлворяпман. Сизнинг ҳурматингиз учун тилагимни қабул қилишини истайман. Ё Рабби, бу буюк пайғамбарни менга шафоатчи этгин. Унинг ҳурматига дуомни қабул қилгин! дуосини ўқи!**” дедилар. Кўр таҳорат олиб, бу дуони ўқиди, шу заҳоти кўзлари очилди.







Бенамознинг, ҳаром ишловчининг ва қалби ғофил бўлганнинг дуолари қабул бўлмайди. Аҳли суннат эътиқодида бўлмаган кимсаларнинг дуоси ҳам бефойда. Ҳақ таоло ҳамма нарсани бир сабаб билан яратмоқда. Бир нарсага қовушишни истаган одам ўша нарсанинг сабабларига мурожаат қилиши лозим. Раббимиз инсонга шифо, соғлиқ бериш учун дуо қилишни, садақа беришни ва дори қўлланишни сабаб қилиб яратди.

Дуонинг қабул бўлиши учун баъзи шартлар мавжуд. Дуонинг қабул бўлишидан эмас, шартларига риоя қила олганидан шубҳаланиш керак. Керакли шартларига риоя этмасдан дуонинг қабул бўлишини кутиш тўғри эмас.

Дуонинг қабул бўлиши учун қуйида баъзи шартлар кўрсатилган:

1. Ҳаром луқмадан сақланиш керак.
2. Эътиқоди тўғри бўлиши керак.
3. Дуоларим нимага қабул бўлмаяпти демаслик лозим.

Ҳадиси шарифда "**Аллоҳу таоло дуонгизни қабул қилади. Дуо этдим, ҳалиям қабул бўлмади деб шошилманг. Аллоҳу таолодан кўп истанг. Чунки карам соҳибидан сўрамоқдасиз**" деб марҳамат қилинди. (Бухорий)

Истаган нарсасининг бўлмаслиги дуонинг қабул бўлмаганини кўрсатмайди. Шунинг учун дуо қилишда давом этиш лозим. Дуонинг қабул бўлишининг кечикишига бошқа сабаблар ҳам бор. Ҳадиси шарифда "**Мўмин дуо этганда Аллоҳу таоло Жаброилга "Мен уни севаман, истаганини ҳамон бажарма", фосиқ дуо этганда "Мен унинг овозини ёқтирмайман, истаганини дарров бер" деб буюради**" деб марҳамат қилинди. У ҳолда дуо қабул бўлишининг кечикиши зарарли эмас.

4. **Бало келмасдан аввал дуо этиш керак.**
5. **Дуони ҳамд ва саловот билан бошлаш лозим.**
6. **Ёлвориб дуо этиш керак.**
7. **Сабабларга мурожаат қилмасдан дуо қилиш қуруқ**




тиланишдир. Ҳадиси шарифда “**Ҳаракат қилмасдан дуо этган, қуролсиз жангга киришга ўхшайди**” деб марҳамат қилинди.

8.**Гуноҳишламагантилбиландуоэтишкерак.**Пайғамбаримиз “**Аллоҳу таолога гуноҳ айтмаган тил билан дуо этинг**” деб буюрдилар. Бу қандай бўлиши сўралганда “**Бир-бирингизга дуо қилинг! Чунки на сен унинг тили билан, на у сенинг тилинг билан гуноҳ ишламаган**” деб марҳамат қилдилар. (Тарғиб-ус салот)

9. **Исми аъзам ва асмои ҳусна билан дуо этиш керак.** Дуони фақат намозлардан кейин ёки маълум вақтларда қилиш макруҳдир. Ҳар фурсатда дуо этиш керак. Айниқса қийматли вақт ва ҳолларни қўлдан қочирмаслик лозим.

Дуо қабул бўладиган вақтлар

Азон ўқилаётганда ва азон билан иқомат орасида қилинган дуо. Қуръон ўқилаётганда, Каъбаи шариф кўринганда, ёмғир ёғаётганда, душман билан юзлашганда, зулмга учраганда, жамоат ҳолида, фарз намозлардан кейин, Асмои ҳусна билан, исми аъзам билан дуо этиш, саҳар вақт, ёлвориб дуо этиш, бидъатлардан сақланиш, ғофил бўлмаслик, ҳушёр бўлиш, ҳалол ейиш, ҳаромлардан сақланиш, Жума куни ва кечаси, Ражабнинг илк, Шаъбоннинг 15-кечаси, ҳайитнинг биринчи кечалари, Арафа куни, Рамазон ойининг кун ва кечалари, ифтор вақтида қилинган дуолар қабул бўлади.


Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинадики:

“**Азон билан иқомат орасидаги дуо қабул бўлади.**” (Термизий)

“Қуръонни хатм этганнинг дуоси мақбулдир.” (Байҳақий)

“Ҳаж қилганнинг дуолари қабул бўлади.” (Табароний)

“Қуръон ва азон ўқилаётганда, душман лашкари билан

юзлашганда, ёмғир ёғаётганда, зулмга учраганда қилинган дуолар қабул бўлади.” (Табароний)

“Бир жамоатдан бир қисми дуо этса, қолганлари омин деса, бу дуони Аллоҳ қабул этади.” (Ҳаким)

“Беш вақт намозлардан кейин қилинган дуо қабул бўлади.” (Бухорий)

“Исми аъзам билан этилган дуо мақбулдир.” (Ибн Можа)

“Ҳар кеча саҳар вақти Аллоҳу таоло буюрадики: Истиғфор этувчилар йўқми авф этайин, мендан истовчилар йўқми, берайин, дуосини қабул этайин.” (Муслим)

“Аллоҳу таолога ёлвориб этилган дуо қабул бўлади.” (Абу Яъла)

“Энг афзал дуо, арафа куни қилинган дуодир.” (Байҳақий)

“Шу беш кечада қилинган дуо қабул бўлади: Рағоиб, Барот, жума кечаси, рамазон ва қурбон байрамининг биринчи кечалари.” (Ибн Асокир)

“Бидъат аҳлининг дуоси қабул бўлмайди.” (Ибн Можа)

“Ғафлат билан қилинган дуо қабул бўлмайди.” (Термизий)


“Бир луқма ҳаром еган кишининг қирқ кун дуоси қабул бўлмайди.” (Табароний)

7. Ҳожат намозини ўқиш керак.

Фарзанд асраб олиш

Савол: Фарзандсиз бир аёлман. Бола асраб олишни истайман. Динда бу ҳақида нима дейилган?

Жавоб: Асраб олинган фарзанд улғайгач, эркак бўлса, сизга, қиз бўлса эрингизга бегона бўлади. Бегона киши билан ёлғиз қолмоқ эса жоиз эмас. Шунинг учун фарзанд асраб олаётганда қариндошларингиздан бирининг ўғлини ёки эрингизнинг қариндошларидан бирининг қизини асраб олсангиз муаммо




бўлмайди. Ёки асраб олган ўғил фарзанд опа-сингилларингиздан бирини ё ака-укаларингизнинг аёлларидан бирини эмадиган бўлса, сизнинг жиянингиз бўлгани учун бегона ҳисобланмайди. Қиз фарзанд олганда ҳам эрингизнинг опа-сингилларидан бири ёки ака-укаларининг аёлларидан бири эмизса, унга ҳам жиян бўлиб, бегона ҳисобланмайди.

Савол: Асраб олинган фарзандга мерос бериладими?

Жавоб: Асраб олинган фарзанд дин бўйича меросхўр бўлолмайди. Фақат соғлигингизда молингизнинг бир қисмини ёки барини ҳадя этишнинг ҳеч зарари йўқ.

Савол: Асраб олинган фарзандга ўғлим ёки қизим дейиш жоизми?

Жавоб: Бу менинг ўғлим ёки менинг қизим дейиш ҳаром. Фақат чақираётганда ёки улар ҳақида гапираётганда ўғлим, қизим дейишнинг зарари йўқ.

Асраб олинган фарзандга “Биз сенинг ўз ота-онанг бўламиз” дейиш гуноҳ. Қуръони каримда маолан **“Аллоҳ асраб олган фарзандларингизни ўз ўғилларингиз сифатида танимади”** деб буюрилди. (Аҳзоб, 4)

Ҳадиси шарифда **“Отаси эмаслигини билиб туриб, бу менинг отам деган кимсага Жаннат ҳаром бўлади”** деб марҳамат қилинди. (Бухорий)

Савол: Қизи ёки ўғлини бировга фарзандликка берганидан кейин унинг фарзандлик ҳақи устидан кетадими?

Жавоб: Кетмайди, давом этади.

Савол: Охиратда бу фарзанд ота-онасидан ҳақ талаб эта оладими?

Жавоб: Албатта, ёмон бир кимсага берган бўлса “Нега намоз ўқимайдиган, ичкилик ичадиган кишига бердинг” деб сўраши мумкин.

Фарзандини бировга бераётганда мусулмон бир оилага ва динини ўргатадиган одамларга бериш керак. Фарзандини







берган одам хоҳлаган пайтида қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Фарзандига яхши тарбия бераётганлигини назорат қилиши лозим. Асраб олгандан кейин янги оиланинг фарзанди бўлиб қолмайди. Меросларини олишга дин бўйича ҳақи бўлмайди. Ўғил бўлса, улғайгач уйдаги аёлларга номаҳрам бўлади. Шунинг учун балоғатга етгач, бу уйда тура олмайди. Қиз бўлса, улғайгач уйнинг эркакларига номаҳрам бўлади. Мана шундай зарарли томонлари ҳам бор.

Ажрашиш ва никоҳни бузадиган нарсалар

Савол: Ажрашиш ҳақида динимизда нималар дейилган?


Жавоб: Ажрашиш учун ишлатиладиган гапларни эр киши, аёлига айтиши билан талоқ, яъни ажрашиш содир бўлади.

1) Ажрашиш учун ишлатиладиган ифодалар икки хил бўлади: очиқ ва кинояли сўзлар.

“Сен мендан озодсан”, “Мен сени қўйвордим” каби ифодалар очиқ сўзлардир. Бундай гапларни ҳазиллашиб ёки адашиб айтганда, маъносини билмаса ҳам, никоҳдан бир ришта узилади, яъни жуфтидан ажрашган бўлади.

“Сени ташлаб кетдим, сени тарк этдим” деган гаплар ҳам очиқ сўз деб қабул қилинади. Бир ёки икки марта мана шундай очиқ ифодалар билан ажрашишга, яъни ортга қайтариш мумкин бўлган ажрашишга талоқи рижъий дейилади. Лекин уч ҳақдан бири кетган бўлади.

Бир одам ушбу ифодалардан хоҳлаганини бир марта айтиб, кейин пушаймон бўлса, эски никоҳига қайтиш нияти билан аёлининг қўлидан ушласа ёки ўпса, қайта никоҳ ўқимасдан икки боғ билан никоҳлари давом этади.





2) Никоҳда учта боғ-ришта бўлади. Бир эркак ажрашганини ифодаловчи гапларни уч марта такрорласа “Сени қўйдим, мендан озодсан, сени қўйдим” деса ёки “Сени уч марта қўйдим, уч талоқсан” деса учта боғни бирданига узган, ортига қайтмайдиган бўлиб ажрашган бўлади. Мана шундай учта талоқ билан ажрашганда «талоқи рижьий» «талоқи боин»га айланади.

3) “Отангнинг уйига кет!”, “Кет, йўқол!”, “Ана, катта кўча”, “Бундан буён эринг эмасман”, «Кўзимга кўринма!» қабилидаги бошқа маъноларда ҳам ишлатиладиган гаплар киноя, ёпиқ маъноли гаплардан ҳисобланади. Ушбу гаплар фақат ажрашиш нияти билан айтилгандагина талоқ содир бўлиб, ажрашилган бўлади. Бунга «боин талоқ», яъни иддат вақти ичида ортга қайтариш мумкин бўлмаган қатъий ажрашиш дейилади.

Мана шу йўсинда талоқ берилганда, хотиннинг иддат муддати тугаб, қайтадан никоҳ ўқилмагунча жуфтлар бир орага келолмайдилар.

4) Қайнотасига “Менга қизингиз керак эмас, кимга хоҳласа тегсин” дейиш ва аёли кўчага чиқишга рухсат сўраганида “Мен сени ип билан боғлаб қўймаганман, бор кет”, “Қайтиб келма, ашқол-дашқолингни ҳам олиб кет” ёки “Сени кўргим келмайди”, “Сен билан ажрашаман” каби гаплар айтилганда ажрашишга ният қилмагунча талоқ воқеъ бўлмайди, ажрашган бўлиб ҳисобланмайди.

5) “Шарт бўлсин”, “Билганингни қил” кабилар ёки умуман юқорида ўтган гаплардан айримларини, баъзи вилоят-шаҳарлардаги аҳоли айнан ажрашиш, талоқ қилиш маъносида ишлатишга одатланган бўлиши мумкин. Шундай жойларда ажрашаётганда айтиш одат бўлган гаплардан биронтасини аёлига айтган эркак, ажрашишга ният қилмаган бўлса ҳам, бир боин талоқ содир бўлади.







6) Аёлига “Онам, қизим, синглим” деб мурожаат қилиш билан никоҳга зарар етмайди. Лекин “Бундан буён онамсан, синглимсан ёки қизимсан” деса, бир боин талоқ билан ажрашиш содир бўлади.

7) Кинояли гаплар билан ажрашганда содир бўлган боин талоқ асносидаги иддат муддатида эр аёлининг хонасига киролмайди. Аёл безана олмайди, атир-упа сепа олмайди, худди номаҳрам, бегона аёлдек талоқ берган эридан узоқ туради. Иддат вақти тугагач янгидан никоҳ қийдириш лозим бўлади.

8) Ажрашиш мақсадида айтилган гапларда сон билдирилмаса, бир талоқ ҳисобланади. Уч ёки ундан кўп марта такрор айтилса, уч талоқ билан ажрашган бўлади. “Баданимдаги туклар сонича...”, “Денгиздаги балиқлар сонича...”, “Кўкдаги юлдузлар сонича...” ёки “Учдан тўққизгача талоқсан”, «Минг марта қўйдим» дейилганда ҳам, барибир уч талоқ содир бўлган ҳисобланади.

9) Аёли билан ажрашаётган эркакнинг ақли жойида ва ҳушёр бўлиши керак. Маст, касал ёки таҳдид остида айтган кишининг сўзи ёки мактуб, электрон почтаси, факс орқали юборган ажрашиш хабари ҳам, талоқни содир қилади. Бу хабарлар аёлига етиб боргандан бошлаб оилада талоқ-ажрашиш содир бўлади. Яъни аёли бундан хабардор бўлганида ажрашиш жараёни юзага келади.

10) Телба, эс-ҳуши жойида бўлмаган, беҳуш, уйқидаги, касалликдан ёки асабий тангликдан паришон ҳолатдаги кишиларнинг беихтиёр оғзидан чиққан гаплари билан ажрашиш-талоқ воқеъ бўлмайди. Асабий тангликдан паришон бўлиш, нима гапиргани билмайдиган аҳволга тушиш деганидир. Бу ҳам икки турли бўлади:

а) Маъносини билмасдан, қасд қилмай ва истамай айтиш. Бу кинояли гапларга тегишли бўлиб, талоқ бўлмайди. Маъноси







очиқ гапларда, яъни “Сени талоқ қилдим” деса, қасдий ва хоҳиш билан айтмаган бўлса ҳам, талоқ ҳосил бўлади.

б) Маъносини билиб туриб ўз хоҳиши билан айтиш, лекин кейин айтганини хотирламаслик. Бу сўзини агар икки гувоҳ эшитиб, кейинроқ унга айтсалар, ажрашиш-талоқ содир бўлади. Яъни «сени талоқ қилдим» деса-ю, сўнгра ҳеч эслай олмаса, «сен шундай дединг» деганида, «йўқ, ундай деганим эсимда йўқ, ундай демаганман» деса, икки гувоҳ биз эшитдик десалар, ўшанда талоқ воқеъ бўлади. Агар гувоҳлар тасдиқламаса, киши инкор этгани учун ажрашиш содир бўлмайди.

11) Жуфтлар орасида жинсий яқинлик бўлмаса ёки бир хонада, танҳороқ жойда иккаласи ёлғиз қолишмаган бўлса, бир марта талоқ бериш билан аёл иддат муддатини кутмасдан шу куни бошқаси билан турмуш қура олади.

12) Эрига ва бошқаларга тили, қилиқлари билан озор берадиган, зиммасидаги фарзларни бажармайдиган, масалан, намоз ўқимайдиган, фаҳш ишларда гумон қилинган аёлдан ажрашиш шарт бўлмаса ҳам, мустаҳабдир. Ундай хотиндан ажрашган яхши бўлади.

13) Фарзни бажармайдиган, масалан, намознинг фарз эканлигига ишонса ҳам, ўқимайдиган аёлидан ажрашмаслик гуноҳ эмас. Эри унга мулойимлик билан намоз ўқитишга ҳаракат қилиши керак. Агар ҳаракат қилмаса, гуноҳкор бўлади.

Эрлик вазифасини бажара олмайдиган, масалан, сеҳр-жоду натижасида жинсий ожизликка тушган эркакнинг аёли ажрашишни талаб қилса, уларнинг ажрашиши вожиб бўлади.

14) Аёлига бошқа-бошқа уч вақтда бир мартадан талоқ берса, уч марта “Талоқ қилдим” ёки “Ажрашдим” ёки “Уч талоқ қилдим” деса ортга қайтариш мумкин бўлмаган тарзда никоҳлари бузилади.

Бу аёлга қайта уйланиш учун ҳулла керак бўлади. Ҳулла - иддат муддати тугагач, аёл бошқа бир эркак билан никоҳланиб,








тўй бўлиб, иккови алоқада бўлиб, сўнгра ўша эркак ҳам ажрашиб, орадан яна бир иддат муддати ўтиши керак. Фақат шундан кейингина биринчи эри янги никоҳ билан унга уйлана олади.

Бу эса, бир эркак учун хўрликнинг ўзгинасидир!. Аллоҳу таоло эркакларга талоқ бериш ҳуқуқини берган бўлса ҳам, бу ҳуқуқдан пала-партиш фойдаланишларининг олдини олиш ва аёлларнинг эркаклар қўлида ўйинчоқ бўлмаслиги учун эркаклар зиммасига мана шу ҳулла шартини юклаган. Ҳулладан қўрққани учун мусулмон эркак талоқ сўзини оғзига ололмайди. Оилада ажрашишнинг номи ҳам, ҳазили ҳам юрмайди.

Уч талоқ бериш билан ажрашган аёл фақат ҳулладан ўтгачгина биринчи эри билан қайта турмуш қуриши мумкин. Бундай ҳолатда агар дастлабки никоҳлари Шофиъий мазҳабига мос ўқилмаган бўлса, бошқа кишига эрга тегмасдан, яъни ҳуллага ҳожат қолдирмасдан, шофиъий мазҳабни тақлид этиб, ўша мазҳабга мос никоҳ ўқитишлари жоиз бўлади. (Радд-ул мухтор)

15) Эркак шунчаки қўрқитиб қўйиш ёки ҳазиллашиш мақсадида ҳам, «талоқ» сўзини умуман ишлатмаслиги керак. Ҳатто ажрашишга бел боғлаган пайтларида ҳам, аёлига «талоқсан, талоқ қилдим» деган гапларни айтмаслиги керак. Чунки, кўпинча жаҳли ёки хафагарчилиги тарқаганда ажрашишдан воз кечиши мумкин. Дўстлари, яқинлари билан маслаҳатлашиб қатъий қарорга келгандан кейингина бир талоқ бериш керак. Ҳеч қачон уч талоқ бирданига бермаслик керак. Чунки уч талоқни бирданига бериш бидъат ва ҳаромдир.

16) Идда(т) - ажрашилгандан кейин аёлнинг турмушга чиқиши ҳаром бўлган маълум муддат. Бу муддат - биринчи тозалик вақтидан учинчи ҳайзнинг сўнггига қадар бўлган вақтдир. Агар ҳайз кўрмайдиган аёл бўлса, талоқ иддати уч ой, ўлим иддати эса, тўрт ой ўн кундир.







17) Аёлига ҳамиша яхши муомалада, илиқ ва мулойим муносабатда бўлиш керак. Унинг нотўғри ҳаракатларига, ақлга тўғри келмайдиган ишларига ва сўзларига сабр қилиш лозим. Ўзини ва аёлини шубҳага, туҳматга дучор қиладиган вазиятлардан, ҳолатлардан сақланишга катта аҳамият бериш керак. Аёлини бегона эркаклар бўлган жойга юбормаслик, номаҳрам кўзи тушадиган жойларда олиб ўтирмаслик, номаҳрамлар билан учрашиб-кўришиб қолиши мумкин бўладиган ҳолатларнинг олдини олиш лозим.

Савол: Инсон куфрга сабаб бўладиган гап гапирганда имони ҳам, никоҳи ҳам кетадими?

Жавоб: Ҳа, имони ҳам, никоҳи ҳам кетади. Ажрашиш бўлак, куфрга тушиш бўлак. Бу талоқ ҳисобланмайди. Яъни боғлар узилмайди. Минг марта куфрга тушса, минг марта никоҳни тозалаш керак. Фақат бу талоқ ҳисобланмайди.

Савол: Аёлига “Сендан ажрашишни истайман” дейиш билан талоқ бўладими?

Жавоб: Истайман дейиш билан талоқ бўлмайди.


Савол: Узоқ вақт бир-биридан алоҳида яшаш билан никоҳ бузиладими?

Жавоб: Узоқ вақт алоҳида яшаш билан никоҳ бузилмайди. Талоқ бермагунча ажрашган бўлмайди.

Савол: Талоқи баин билан талоқи рижи орасидаги фарқ нимада?

Жавоб: Талоқ ажрашиш деганидир. Талоқи баин қатъий ажрашиш дегани. Талоқи рижи ихтиёрий ажрашишдир. Масалан, сени талоқ қўйдим деса, рижи талоқ бўлади. Аммо истаган вақтида эски никоҳига қайта олади. Идда муддати битгунга қадар қайтмаса, талоқи рижи талоқи баинга айланади. Уч талоқ ҳақидан бирини йўқотган бўлади.

Талоқи баинда эса кинояли сўзлар билан аёл талоқ этилади. Масалан ажрашиш нияти билан “Отангнинг уйига кет” дегани







каби. Идда муддати битмагунча у аёл билан уйлана олмайди. Ажрашиш нияти бўлмасдан гапирса, талоқ бўлмайди.

Талоқи рижининг талоқи баиндан фарқли тарафлари:

1. Никоҳни янгилаш керакмас. Эски никоҳга қайтдим деб аёлининг қўлини ушлаши етади. Баинда эса идда битмай, никоҳ қилолмайди. Идда муддати битиб, аёл рози бўлсагина никоҳ қилинади.

2. Маҳр пулини кўпайтишга ҳожат қолмайди. Баинда эса янги никоҳ ўқилгани учун истаган маҳр пулини хоҳлаши мумкин.

3. Гувоҳсиз уйланиши мумкин. Баинда эса янги никоҳ бўлгани учун икки гувоҳ шарт. Чунки бу янги бир никоҳ.

4. Аёл рози бўлмаса ҳам эркакнинг мен эски никоҳимга қайтдим дейиши етарлидир. Баинда эса аёл рози бўлмай туриб, уйлана олмайди.

5. Идда муддати ичида эр-хотиндан бири вафот этса, иккинчиси унга меросхўр бўлади. Баинда эса бўлолмайди.

6. Идда муддати ичида эри вафот этса, аёлнинг иддаси ўлим иддаси бўлади, яъни тўрт ой ўн кун кутади. Баинда эса нормал иддаси тугагач, бошқага турмушга чиқа олади.

7. Аёл рижидан сўнгра безаниши мумкин. Аммо баинда идда муддати тугамагунча безана олмайди.

8. Аёл эри билан бир уйда қолиши мумкин. Баинда эса қололмайди. Фақат бошқа хонада қолиш мумкин.

9. Талоқи рижи никоҳни таг-туги билан юлиб ташламайди, уни ожизлантиради. Рижи яралашга, баин эса ўлдиришга ўхшайди.

10. Ила, зиҳар яроқли бўлиб, қазф этса лиан лозим бўлади.

Ила: Аёлига тўрт ой ёки ундан кўп вақт гапирмаслик. "Сенга яқинлашмайман" деб сўз беришдир. Тўрт ой ичида яқинлашмаса, бир талоқи баин бўлади. Тўрт ой ичида қасамини бузса, ажрашган бўлмайди. Қасам каффорати беради.

Зиҳар: Эр аёлини ёки юз, бош каби аъзоларини маҳраминининг




боқиши ҳаром бўлган ерига ўхшатиши. “Сенинг бошинг онамнинг орқаси каби” деган каби. Каффоратсиз аёлига ёпишиши, ўпиши, бирга ётиши ҳаром бўлади. Зиҳар каффорати рўза каффорати кабидир.

Лиан: Аёлига фоҳиша ёки бу бола мендан эмас деса, аёли қозидан лиан истаса, қози лиан қилинишини амр этади. Лиан қилиш учун аввал эркак “Сўзим тўғри” деб қасам ичади. Тўрт марта такрорлайди. Бешинчисида “Ёлғон гапираётган бўлсам, Аллоҳнинг лаънати менга бўлсин” дейди. Сўнгра аёл тўрт марта “Аллоҳ шоҳид бўлсинки, бу одам менга фоҳиша деб ёлғон гапирди” деб қасам ичади. Бешинчисида эса “Агар тўғри гапирган бўлса, Аллоҳнинг ғазаби менга бўлсин” дейди. Сўнгра қози буларни бир талоқи баин билан ажраштиради.

Қазф: Номусли бир аёлга зино этди деб туҳмат қилмоқ.

Никоҳланиш ҳаром бўлган ва бўлмаган аёллар

Савол: Бир эр кишига ота-онасининг амма-холаси, бир аёл кишига ҳам ота-онасининг амаки ва тоғалари маҳрам бўладими? Булардан кимлар билан турмуш қуриш мумкин?

Жавоб: Даставвал “усул” ва “фуру” масалаларини ўрганиш ва билиш керак бўлади. Усул: Ота-она, уларнинг ота-онаси, яъни боболар ва бувилар ва уларнинг ота-оналари. Фуру: эса фарзандлар, уларнинг болалари яъни неваралар ва фарзандларнинг неваралари.

Илмиҳол китобларида ёзилган “Хола ва аммаларга уйланилмайди” ифодасидан маълумки, ота-онанинг хола ва аммаларига ҳам уйланишга бўлмайди. Чунки ҳар бир аёлга ака-укаларининг ва опа-сингилларининг ўғиллари ва уларнинг ўғил неваралари маҳрамдир. (Маҳрам дегани, уйланиши ҳаром




деганидир. Масалан, онамиз, опамиз, холамиз, аммамиз биз эркакларга маҳрамдир.)

Эр кишига ҳам ака-укаларининг ҳамда опа сингилларининг қизлари ва уларнинг қиз невааралари маҳрам бўлади. Ота, амманинг акаси ё укаси бўлади. Аммага ака-укасининг ўғил фарзандлари ва ўғил невааралари ҳам маҳрам бўлади. Эр кишига маҳрам бўлган аёллар: Эр кишининг уйланиши жоиз бўлмаган, яъни ўз наслидан бўлган еттита қариндош аёл қуйида келтирилган:

1. Оналар: Онаси, ота-онасининг оналари ҳамда бобо-бувиларининг оналари маҳрам бўлади.

2. Қизлар: Қизи, ўғлининг ва қизининг қизлари ҳамда неваараларининг қизлари маҳрамдир.

3. Опа-сингиллар: Ота-онаси бир бўлган, оналари бир ёки отаси бир бўлган опа ва сингиллар маҳрам бўлади.


4. Аммалар: Амма, ота-онанинг аммаси, бобо ва бувиларнинг аммалари ҳам маҳрамдир.

5. Холалар: Хола, ота-онанинг холалари ва бобо-бувиларнинг холалари ҳам маҳрам бўлади.

6. Ака-укаларининг қизлари: Ота-оналари бир бўлган, фақат отаси ёки онаси бир бўлган ака-укаларининг қизлари ва уларнинг қиз невааралари ҳам маҳрам бўлади.

7. Опа-сингилларнинг қизлари; Ота-онаси бир бўлган, фақат оталари бир бўлган ёки фақат оналари бир бўлган опа ёки сингиллар, уларнинг қизлари ва қиз невааралари ҳам маҳрамдир. Шу етти киши ўз наслидан бўлмай, кўкалдош, яъни сут орқали қариндош бўлган бўлса ҳам маҳрам бўлади. Зино орқали бўлса ҳам ҳаромдир.

Масалан бир кимса зино қилган аёлининг қизига, невара қизига ёки онасига уйлана олмайди. Фақат ўғлига сут орқали, яъни бир онани эмиб сут қариндош бўлган қизга ҳамда ака-укасининг сут онасига уйланиши жоиздир. Никоҳ орқали




маҳрам бўлганлар Эр киши учун кейиндан никоҳ орқали ақрабо, яъни қариндош бўлган шу 4 аёлга ҳам уйланиш ҳаромдир:


1. Қайин волидалар: Қайнонага уйланиш ҳаром бўлиши билан бирга, қайнонанинг ва қайнотанинг оналарига уйланиш ҳам ҳаромдир.

2. Ўгай қизлари: Аёлининг бошқа эркакдан бўлган қизига ва ундан бўлган қиз невараларига уйланиш ҳам ҳаромдир.

3. Келинлари: Келинига, яъни ўғлининг аёлига уйланиш ҳаром бўлганидек, неварасининг аёлига уйланиш ҳам ҳаромдир. Лекин ўгай ўғлининг аёли номаҳрам бўлади.

4. Ўгай оналар: Ўгай онага ҳамда боболари уйланган ўгай бувилардан бирига уйланиш ҳаром бўлади. Ҳатто ота ёки бобо билан зино қилган аёлга уйланиш ҳам ҳаром бўлади. Амаки қизи, тоға қизи, амма-хола қизи ва янга-келин, яъни ака-укасининг аёллари “Зираҳм-и маҳрам” эмас. Яъни шу беш аёл номаҳрам бўлади. Номаҳрам бўлганлиги боис бу аёлларга уйланиш жоиздир. Лекин амма-хола, амаки ва тоға қизларига уйланиш танзиҳан макруҳдир. “Кимё-и саодат” китобида ёзилган ҳадиси шарифда “Уларнинг болалари заиф, касалманд бўлишади” деб марҳамат қилинган. Лекин амакиваччасининг қизига, амма қизининг қизига ёки амма ўғлининг қизига, тоға ўғлининг қизига ёки тоға қизининг қизига, холаваччасининг қизига уйланиш макруҳ бўлмайди. Баъзи одамлар ҳазрати Али амакисининг қизига уйланганлигини айтишади. Лекин бу нотўғри. Чунки жаноби Пайғамбаримиз ҳазрати Алининг амакиси эмас, амакисининг ўғлидир. Яъни ҳазрати Али амакиваччасининг қизига уйланган. Шунинг учун танзиҳан макруҳ бўлмайди. Эркакларга ўз наслидан уйланиши ҳаром бўлганлар:

1. Онаси;
2. Бувилари (ота-онасининг оналари ва уларнинг оналари);
3. Қизи, ўғлининг ва қизининг қизлари (невaралари);







4. Опа-сингиллари;
5. Опасининг ва ака-укаларининг қизлари;
6. Аммаси;
7. Холаси.

Эр кишига сут орқали қариндошларидан уйланиши ҳаром бўлганлар:

1. Сут она;
2. Сут онанинг онаси;
3. Сут қизи, сут қизининг ва сут ўғлининг қизлари;
4. Сут опаси;
5. Сут опасининг ва сут ака-укаларнинг қизлари;
6. Сут аммаси;
7. Сут холаси.

Эркак кишига никоҳ орқали қариндошларидан уйланишига ҳаром бўлганлар:


Қайнонаси, ўгай қизи, ўгай онаси, келини. Эр кишига муваққат (вақтинча) ҳаром бўлганлар:

1. Аёлининг опаси;
2. Аёлининг аммаси;
3. Аёлининг холаси;
4. Аёлининг опа-сингилларининг, ака-укаларининг қизлари;
5. Аёлининг сут опаси, сут аммаси, сут холаси, сут опа-сингил ёки сут ака-укасининг қизлари;
6. Китобсиз кофир аёллар.

Савол: Онамнинг тоғаси, амакиси ёки отамнинг тоға-ю амакиси менга номаҳрам бўладими? Яъни улар менга ўз тоға-ю амакиларимдек бўла оладими?

Жавоб: Улар ҳам ўз тоға ва амакингиздек бўлади.

Савол: Аёлим мен ёнидалигимда ёки мен йўқлигимда онамнинг ёнларида ўгай отам билан бир дастурхонда тановвул қилиш, гаплашиш ва шунга ўхшаш ҳолларда бирга қола оладими?




Жавоб: Ўгай отангиз аёлингизга номаҳрам бўлади.

Савол: Бувамнинг ўгай қизини ўз никоҳимга ола оламанми?

Жавоб: Ҳа уйлана оласиз. Отангизнинг ўгай қизини ҳам ўз никоҳинггизга ола оласиз. Чунки у сизга ота-она, насаб орқали туғишган эмас.

Савол: Келинининг эри ўлса, қайнотасининг маҳрамлиги давом этадими?

Жавоб: Қайнотаси ўз отасидек маҳрамлигича қолади.

Савол: Неваранинг аёли, бобосига маҳрам бўладими?

Жавоб: Неваранинг аёли бобога келин бўлади, яъни маҳрамдир.

Савол: Онамнинг ўгай онаси менга ва отамга номаҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа, номаҳрам бўлади.

Савол: Амаким менинг аёлимга номаҳрам ҳукмидами?

Жавоб: Ҳа, номаҳрам ҳукмида.

Савол: Қариндошлар билан турмуш қуриш жоизми?

Жавоб: Қариндош деб амаки, тоға, амма ва хола болаларини амалда тутаётган бўлсангиз, улар билан турмуш қуриш жоиз. Лекин танзиҳан макруҳ бўлади. Жиян ҳам қариндошлардандир. Лекин жиянга уйланишга бўлмайди, тақиқланган.

Савол: Ўгай ўғлимнинг аёли менга маҳрам бўладими?

Жавоб: Маҳрам эмас, аксинча номаҳрам бўлади.

Савол: Ўгай қизнинг қизи ҳам маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Менинг ўгай отам аёлимга номаҳрамми?


Жавоб: Ҳа.

Савол: Бир отанинг ўгай қизи, ўз қизидек маҳрам бўлдими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Бир кишига келини ҳам ўз қизи ҳукмидами? Қаерларига қарашга жоиз, қаерларига қараш жоиз эмас?

Жавоб: Келин ўз қизидек бўлади. Қизининг қаерларига қараш







жоиз бўлса, келинининг ҳам шу жойига қараши жоиз бўлади. Эркак кишининг никоҳланиши абадий ҳаром бўлган 18та аёлнинг, масалан онасининг, қизининг ва келинининг сочига, юзига, гарданига, қўлларига, тиззадан пастига, шаҳватдан амин бўлса қарай олади. Кўксига, қўлтиқ ва ёнларига, сон ва тиззаларига ва ортига қарашга бўлмайди. (Бадойи)

Савол: Бир аёл муртад амакисининг олдида боши очиқ ҳолда ўтира оладими?

Жавоб: Йўқ, ўтиролмайди.

Савол: Аёл кишига мусулмон бўлмаган қариндош, қайнота, амаки ёки тоға бегона, яъни номаҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Қайнонанинг онаси ҳам худди қайнонадек маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Ака-укаларнинг невалари ҳам маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа. Отамнинг холаси

Савол: Эркакларга ота-онасининг амма-холалари маҳрам бўладими? Аёлларга ҳам ота-онасининг амаки ва тоғалари маҳраммми?

Жавоб: Эркакларга ўз аммаси ва холасидек маҳрам бўлади, ёт эмас. Аёлларга кўра ҳам ўз тоға-ю амакиси кабидир, улар ҳам ёт эмас. Яъни номаҳрам эмас, маҳрам бўлади.

Савол: Куёвимнинг олдида бошим очиқ ҳолда юра оламанми?

Жавоб: Қайнона куёвига туққан онасидек бўлади. Бошинггиз, қўлларинггиз очиқ ҳолда, тизза кўзларининг пастки қисми яъни оёқларинггиз очиқ ҳолда куёвингизнинг олдида юра оласиз, бунга қарши ҳукм йўқ. Аммо ёш бўлсангиз, очиқ-сочиқ юришинггиз яхши эмас.

Савол: Қанча ёшли аёлга қари, кампир дейилади?

Жавоб: Ёши 55 дан ошган аёлга кампир дейилади.








Савол: Эр кишига ўз аёли маҳрамми ёки номаҳрамми?

Жавоб: Маҳрам сўзи, никоҳи ўтмайди, уйланиши ҳаром бўлади деганидир. Амма, хола каби уйланиши ҳаром бўлган аёлларга маҳрам дейилади. Номаҳрам сўзи, ёт яъни никоҳланишга бўлади деганидир. Уйланса ҳаром бўлмайдиган аёллар, яъни бошқа кишиларнинг рафиқалари ҳамда бутун бегона аёллар номаҳрам бўлади. Бир эр киши учун ўз аёли маҳрами бўлмаганидек, номаҳрам ҳам эмас, балки никоҳли аёли, яъни ҳалолидир.

Савол: Бир аёлга ўзим, қизига эса ўғлим уйланиши жоизми?

Жавоб: Ҳа, жоиз. Савол: Никоҳида бўлган аёли билан жинсий яқинлик қилмаган ва ажрашган киши унинг қизига уйланиши жоизми?

Жавоб: Ҳа.

Савол: 16 ёшда ҳам болиғлик аломати кўрилмаганлар, балоғатга етган ҳисобланадими?


Жавоб: Ҳа

Савол: Икки опа-сингил қизга бир вақтда уйланиш жоизми?

Жавоб: Жоиз эмас. Жоиз деган киши оятни инкор қилган бўлади. Ҳаромни ҳалол деган бўлади. Ўз синглисига, ўз онасига уйланганлар ҳам шу ҳукмда бўлади. Онага, сингилга уйланиш жоиз деган киши, Аллоҳу таолодан келган оят-и каримани инкор қилган бўлади. Ҳаромга ҳалол деган бўлади. Машҳур ҳаромлардан бирига ҳалол деган киши эса кофир бўлади.

Қуръон-и Каримда маолан: **(Оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, сизни эмгизган сут оналарингиз, сут опа-сингилларингиз, аёлингизнинг оналари, ўғилларингизнинг аёллари ва опа-сингилга бирдай уйланиш сизга ҳаром қилинди.)** дейилган. (Нисо 23)

Савол: Опамнинг қизига уйланишим жоизми?







Жавоб: Опангизнинг қизи ҳам айнан опангиз кабидир. Уйланишингиз асло жоиз эмас. Нисо сурасининг 23-ояти каримасида ҳаром эканлиги ёзилган. Ҳатто опангизнинг қизининг қизига ва бутун невара-чевараларига уйланишингиз ҳам жоиз эмас. Ҳатто христиан ва яҳудийларда ҳам опа-сингил қизига уйланиш жоиз эмас. Амаки, тоғага қиз узатилмайди. Амма-холага ҳам уйланилмайди. (Нисо 23)

Савол: Ўгай акам ўгай опамга уйлана оладими? Яъни отам, хотини вафот этгач бева аёлга уйланди. У аёлнинг бир қизи бор. Отамнинг эса вафот этган аёлидан бир ўғли бор. Ўғли шу аёлнинг қизига уйлана оладими?

Жавоб: Уйлана олади, чунки ҳеч қандай қондошлиги йўқ.

Савол: Боласи бор бева аёлга уйландим. Унинг ўғлининг аёли менга бегонами, яъни номаҳрамми?

Жавоб: Ҳа, келини номаҳрам, лекин қизлари бегона ҳукмида эмас.

Савол: Хотинимнинг ўгай онаси менга номаҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа, номаҳрам бўлади.

Савол: Бир имом, сут опа билан, ёш қайнона билан, бошқа отадан бўлган қиз билан ёлғиз қолиш жоиз эмаслигини айтди. Улар маҳрам эмасми, ёлғиз қолиш жоиз эмасми?

Жавоб: Булар абадий маҳрам бўлган аёллардир. Абадий маҳрам бўлган аёллар билан ёлғиз қолиш жоиз. Сут опа билан, ёш қайнона билан ва келини билан ёлғиз қолиш, одамларда шубҳа туғдириб, фитна уйғотадиган бўлса, яъни ёмон фикрга бориб гап-сўз бўлишига сабаб бўлса макруҳ бўлади. Фитна шубҳасига сабаб бўлмаса, макруҳ бўлмайди.

Савол: Бир кишининг оламдан ўтган аёлидан бўлган қизига уйланган куёви, кейинги уйланган хотинига маҳрамми, номаҳрамми? Яъни бир эр киши учун аёлининг ўгай онаси маҳрам бўладими?

Жавоб: Номаҳрам, яъни ёт аёл.








Савол: Бир аёл киши учун қайнонасининг ва қайнотасининг отаси, бир эр киши учун қайнонасининг ва қайнотасининг онаси маҳрамми?

Жавоб: Ҳа, қайнона ва қайноталарнинг ота-оналари, бобо ва бувилари ҳам ўз бобо ва бувиларидек маҳрамдир.

Савол: Эр кишига ота-онасининг амма-холалари маҳрамми?

Жавоб: Ҳа маҳрам. Сут амма, сут холалари ҳам маҳрам бўлади.

Савол: Аёлларга ота-онасининг тоға-амакилари маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа маҳрам, сут амаки, сут тоғалар ҳам маҳрам бўлади.

Савол: Эр кишига ака-укаларининг қиз невaралари маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа маҳрам бўлади, қиз невараларининг қизлари ҳам маҳрам бўлади.

Савол: Бир аёлга ака-укаларининг, опа-сингилларининг ўғил неваралари маҳрам бўладими?

Жавоб: Ҳа маҳрам бўлади. Маҳрам ақраболар

Савол: Отанинг амма ва холаси, ака-ука, опа-сингилларимизнинг неваралари бизга маҳрамми?

Жавоб: Ҳа маҳрам. Отамизнинг амма холаси, бизнинг ҳам амма-холамиз деганидир. Туғишганларимизнинг неваралари ҳам жиянларимиз бўлади. Ўгай ақраболар

Савол: Отам хотини оламдан ўтгандан кейин, бева қолган болали онамга уйланган. Онам билан келган ўгай опам бор. Отамнинг вафот этган аёлидан бир акам бор. Улар уйланиб, турмуш қура оладими?

Жавоб: Албатта бўлади, чунки иккаласининг ҳам ота-оналари бошқа. Ҳеч қандай қондошлиги йўқ. Туғишганликлари йўқ. Отангиз кейиндан сизга она бўладиган аёлга (ўғлимга қизингни бер, сен билан иккаламиз уйланамиз) дея келишган бўлади. Бу оддий нарса. Ақрабо ва хисм







Савол: Китобларда хисм ва ақрабо ибораларини учратамиз. Бу сўзларнинг маъноси бир эмасми?

Жавоб: Йўқ, бу сўзларда фарқли маънолар бор. Ота-онадан, бобо, фарзандлар ва невáралардан бошқа туғишганларга ақрабо дейилади. Масалан ака-ука, ўғил жиян ва амаки аёл учун маҳрам ақраболардан бўлади. Опа-сингил, қиз жиян ва амма эр кишига маҳрам ақраболардир.

Амакининг, амманинг ўғиллари аёл киши учун номаҳрам ақраболар бўлади. Амаки ва амма қизлари ҳам эр кишига номаҳрам ақраболардан ҳисобланади. Хисм сўзи эса аёл тарафидан уйланиш орқали кейиндан ҳосил бўлган ақраболик деганидир. Қайнота, қайнона, келин ва куёв маҳрам хисмлардандир. Болдиз, эр киши учун номаҳрам хисм бўлади. Почча ҳам аёл кишига номаҳрам хисм бўлади. Арабчада хисм сўзига асҳор дейилади. Иккита ҳадиси шарифда қуйидагича марҳамат қилинган: **“Асҳорим** [хисмим]**нинг жаннати бўлишини истадим. Раббим бу истагимни қабул айлади.”** (Ҳоким**)** **“Асҳоримни сўкиб иғво қилганларга Аллоҳу таолонинг, бутун малакларнинг ва инсонларнинг лаънати бўлсин!”** (Ҳоким) Жаноби Пайғамбаримизга Асҳордан ақрабо бўлиш билан шарафланиб, жаннати бўлганлардан баъзилари:

1-Қайнота бўлганлар: Ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Абу Суфён. (родиаллоҳу анҳум)

2-Куёв бўлганлар: Ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али. (Родиаллоҳу анҳума)

3-Қайнона бўлганлар: Оиша волидамизнинг онаси Уммий Румон, Ҳафса волидамизнинг онаси ҳазрати Зайнаб, Уммий Ҳабиба волидамизнинг онаси ҳазрати Ҳинд. (родиаллоҳу анҳунна)

4-Қайинбиродар бўлганлар: Ҳазрати Абдуллоҳ бин Умар, ваҳй котиби ҳазрати Муовия. (родиаллоҳу анҳум) Жаноби Пайғамбаримизнинг бу тўрт гуруҳ қариндошлардан бирини







севмаслик мунофиқлик аломатидир, чунки бир ҳадиси шарифда **“Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алига бўлган севги мунофиқнинг қалбига жо бўлолмайди”** дейилган.
(Ибни Асокир)

Никоҳ қура оладиганлар билан кўришиш ва хилватда бирга бўлиш

Савол: Хилватда қолиш сўзи қандай маънода айтилади?


Жавоб: Бу ерда хилват сўзи бир эркак кишининг бегона аёл билан бирга бир хонада, бир уйда, бир жойда ёлғиз қолишига айтилади. Бу эса ҳаромдир.

Савол: Йигирма ёшга етиб қолган, ақл-ҳуши соғлом бўлмаган, аёл-эркак муносабатларини билмайдиган, гапиролмайдиган ҳеч кимга зиёнсиз иккита мажрух фарзандим бор. Бири ўғил, бири қиз. Буларнинг аёл ва эркаклар орасидаги ҳукмлари қандай бўлади? Қўшни аёллар ўғлимнинг олдида бошлари очиқ ҳолда ўтира олишадими? Булар билан ёлғиз қолгудек бўлса хилватда қолган ҳукмида бўладими?

Жавоб: Қизингиз аёл ва эркаклар билан қандай муносабатда бўлишни билмаса ҳам натижада барибир аёлдир. Унга шаҳват билан қараш ёки у билан ёлғиз қолиш бегона эркаклар учун ҳаром бўлади. Очиқ-сочиқ юргани учун гуноҳ ёзилмаса ҳам, унга қарашнинг ўзи гуноҳ бўлганлиги боис имконият борича аврат жойларини бекиттиришга ҳаракат қилмоқ лозим! Ўғлингизнинг олдида бегона аёлларнинг очиқ ҳолда кўринишлари ҳам ҳаром бўлади.

Савол: Солиҳлигига ишониб бўлмайдиган тоғам бор. 8 ёшли ўғлим ва 10 ёшли қизим бор. Ёнимга ўғлимни олиб ёки қизимни ҳам олиб тоғам билан биргаликда олис бир шаҳарга йўлга чиқа оламанми? Ёки қизимни тоғам билан қўшиб юбора оламанми?

Жавоб: Ўзингиз ўғлингизни олиб тоғангиз билан кетолмага-







нингиздек, қизингиз ҳам тоғангиз билан боролмайди. Мусулмон аёл динсиз ёки ишониб бўлмайдиган маҳрамлари билан ҳамда балоғат ёшига етмаган маҳрами билан сафарга чиқолмайди. Балоғат ёшига тўлмай, қомати етилган ёш қизлар ҳам болиғ аёл кабидир. Яъни ёнида маҳрамисиз сафарга чиқилмайди. **(Ҳадиқа)**

Савол: Бичилган эркак билан, шол ва телба (руҳий хаста) киши билан ҳам танҳо қолиш хилват ҳукмига ўтадими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: 20 ёшга тўлиб, лекин иҳтилом бўлмаган соқов, ақл-ҳуши соғлом бўлмаган одам билан қолса ҳам хилват ҳукмида бўладими?

Жавоб: Ҳа, хилват ҳукмида бўлади.

Савол: Шаҳар автобусида, дўконларда ҳам хилват ҳукмида бўладими?

Жавоб: Йўқ.

Савол: Бирдан ортиқ солиҳ одамлар орасида қолиш хилват ҳукмидами?

Жавоб: Хилват ҳукмида бўлмайди.

Савол: Шифокорга кўринганда, хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким бўлмаса, ташқаридан ҳеч нарса кўринмайдиган, ёпиқ хона бўлса хилват ҳукмида бўладими?

Жавоб: Ҳа бўлади.

Савол: Шифохонанинг хусусий хонасида ёлғиз ётган аёлнинг ҳузурига эркак шифокор кирса хилватда қолган бўладими?

Жавоб: Хасталик зарурат бўлганлиги учун беморга гуноҳ бўлмайди.

Савол: Касалхонада ёнимда ётган киши хушини билмайди. Унинг ёнида боқувчи бўлиб аёли қолади. Аёли мен билан хилватда қолган бўладими?

Жавоб: Рафиқангизни касалхонага олиб келишнинг ёки бошқа ёлғиз ётадиган хонага кўчиб ўтишнинг имконияти







бўлмаса, бу ҳол зарурат бўлиб, шу хонада қолишингиз жоиз бўлади.


Савол: 10 ёшли ўғлим ёнимда бўлса, поччам билан бир хонада ўтирсак, хилват бўладими? Гуноҳ бўладими?

Жавоб: Ҳа гуноҳ бўлади. Чунки 10 ёшдаги бола хилватга монелик қилолмайди.

Савол: Бегона эркак билан бегона аёл охиратлик дўст бўла оладими? Қўшни аёлимиз бегона бир киши билан охиратлик дўст бўлибди экан. Биргаликда еб ичадилар, бир хонада қоладилар. «Номаҳрамлик шартлари бизнинг орамиздан кўтарилгани учун бир жойда танҳо қолишимиз бизга гуноҳ бўлмайди» дейди. Бунга динимизда рухсат этилганми?

Жавоб: Эркак киши билан бегона аёл “Охиратлик дўст” бўлса ҳам бирга ёлғиз қололмайди. У аёл бегоналигича, яъни номаҳрамлигича қолаверади. Унга бемалол уйланса ҳам бўлади. «Номаҳрамлик шартлари бизнинг орамиздан кўтарилади» сўзи, динсизларнинг ояти карималарга ва ҳадиси шарифларга нотўғри маъно бериб диндан айрилганларнинг, зиндиқларнинг сохта гапларидан келиб чиққан. Бегона аёл ҳеч қачон бир эркак учун ҳалол бўлолмайди. Бир хонада бирга қолишлари ҳаром бўлади. Динимизда билдирилган маълум ҳаромлар, маълум ҳалоллар бор. Ҳеч ким ҳалолни ҳаромга, ҳаромни ҳалолга ўзгартира олмайди. Ҳаромни ҳалол деган киши кофир бўлади. Исломиятда дин дўстлиги бор. Дин дўсти(аёл)га уйланиш мумкин. Охиратлик дўст бўлиш ҳам дин дўстлиги бўлиб хисобланади. Хоҳлаган одам охиратлик дўсти(аёл)га уйланиши мумкин. **(Ҳадиқа)**

Савол: Бир қиз билан иккаламиз бир биримизнинг қонимизни яладик. Энди қондошим бўлган у қизга уйлана оламанми? Қон бериш орқали ҳам қариндошлик, қондошлик бўлиши мумкинми?







Жавоб: Қон ялаш, қон ичиш ҳаром бўлади. Ҳатто гўшти ейиладиган қўй, сигир каби ҳайвонларнинг қонини ичиш ҳаром бўлади. Бир кишининг қонини ялаш ёки унга қон бериш орқали қариндош бўлиб қолмайди. Яъни қонини яласа ҳам қон берса ҳам турмуш қуришига тўсқинлик бўлмайди.

Савол: Отам келинойимнинг ёнида қол деб буюради. Қолмасанг рози эмасман, ҳаққимни ҳалол қилмайман дейди. Нима қилишим керак?

Жавоб: Янга билан ўтиришга умуман бўлмайди. Бу ерда отанинг ҳақсиз баддуоси ўтмайди.

Савол: Ота-она ва динсиз ақраболарга амри маъруф қилиш нияти билан боришга, кўришишга бўладими? Жавоб: Шу ният билан борса жоиз бўлади, бундай ниятсиз бориш жоиз эмас.

Савол: Динга уйғун бўлмаган номаҳрам қариндошларимни зиёрат қилсам гуноҳ бўладими?

Жавоб: Динимиз билдирган шу уч нарсани унутмаслигимиз керак: Гуноҳ ишлаш орқали фарз бажарилмайди. Фарз билан ҳаром иккаласи бир келиб қолганда фарз кечиктирилади. Масалан аёлларнинг ҳажга бориши фарз, лекин ёнида маҳрам ақрабоси бўлмай, бошқа аёллар билан бориши ҳаром бўлади. Бундай ҳолдаги аёл ҳатто ҳажга ҳам боролмайди.Ҳаром ишланадиган бўлса, у қариндошингизнинг уйига бормаганингиз маъқул. Амаки, тоға каби маҳрам қариндошларингизни байрамларда телефон орқали табриклаб қўйишингиз кифоя бўлади.

Савол: Аёлим бегона эркаклар билан жуда хушмуомала бўлади. Мен унга сал жиддийроқ гаплаш дейман. У эса менинг ҳеч қандай ёмон ниятим йўққу, дейди. Яхши ният билан бегоналарга хуш муомала қилиш динимизда жоизми?

Жавоб: "Том Илмиҳол" китобида қуйидагича изоҳ берилган: *Аллоҳу таоло Қуръони каримда аёлларнинг, қизларнинг бегона эркаклар қаршисида юмшоқ, нозик овозлар билан*




гапиришларини, шу тариқа бузуқ одамларнинг қалбларида ёмонлик уйғотишларини тақиқламоқда, одамларнинг қалбларига бузуқлик уйғотмайдиган шаклда гапиришларини талаб қилмоқда. Аёлларнинг бегона эркакларга безанган ҳолда кўринишни қатъиян тақиқламоқда. Билагузукларининг товуши эшитилиб қолмаслиги учун секин ва оёқ товушларини сездирмай юришларини буюрмоқда. Яъни гуноҳга сабаб бўладиган ҳар бир нарса, ҳар бир ҳатти-ҳаракат гуноҳ бўлади. Шундай экан гуноҳга, ҳаромга сабаб бўладиган ва бўлиши мумкин бўлган ҳар бир нарсадан сақланиш керак.


Савол: Яхши ният қилиб бир аёл билан шаҳватланмаган ҳолда гаплашиш, масалан дин илмларини ўргатиш жоизми?

Жавоб: Йўқ, жоиз эмас.

Савол: Мен жудаям яхши кўрадиган христиан келинойим бор. Христиан дўстларим ҳам бор. Келинойимга мусулмонликни тушинтирдик, лекин қабул қилишни истамади. Бошқа дўстларим ҳам мусулмон бўлишни истамаса, улар билан ҳам келинойим билан ҳам анчадан давом эттириб келаётган мукаммал дўстлигимизни узишим керак бўладими?

Жавоб: Дўст бўлиш бошқа, улар билан оғайничилик, биродарлик қилиш бошқа. Уларнинг динини ёқтириш хатоликдир. Лекин бир христиан қизни севиб қолиб, унга уйланиш жоиз бўлади. Ўзини севиш бошқа, динини ёқтириш бошқа нарса. Ояти каримада назарда тутилган маъно, уларнинг динларини севиб қолиш ҳақида билдирилган. Оддий дўстлик, уларнинг динини севиб қолишга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу боис ҳушёр бўлиб, баъзи нарсаларда диққатли бўлиш керак. Масалан христианларнинг байрамларини қутлаш, уларни табриклаш жоиз эмас.

Савол: Исломиятни ўрганишни истаётган бир аёлга бегона эркак киши қандай ёрдам бера олиши мумкин?







Жавоб: Фақат китоб бериши ёки биров орқали юбориши мумкин.

Савол: Мусулмон аёл кофир аёл билан қўл сиқишиб кўришиши жоиз бўладими?

Жавоб: Бир зарурат бўлмаса жоиз эмас. Мажбур бўлган ҳолда Ханбалий мазҳаби тақлид қилинади.

Савол: Ҳадиси шарифда аёл кишининг уйидан бошқа жойларда боши очиқ юриши гуноҳ эканлиги билдирилган. Яъни бу ерда номаҳрамларнинг олдида юришни назарда тутмоқдами?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Йигит уйланадиган қизи билан яқиндан танишиш учун гаплашса ҳаром бўладими?

Жавоб: Уйланиш учун қизни кўришга борганда, қизга қараш ва гаплашиш суннат бўлади, гуноҳ бўлмайди.

Савол: Қиз сўраб, кўргани борган отам ҳам қизга қараши жоиз бўладими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Уйланиш учун кўргани борганда қизнинг қаерларига қарашга изн берилган?

Жавоб: Фақат юзига қаралади.

Савол: Никоҳдан олдин фақат йигитнинг ўзи қизни кўриши кифоя қиладими? Жавоб: Иккаласи ҳам бир-бирини кўришлари суннатдир.

Савол: Уйланадиган қизни иккинчи марта кўрса жоиз бўладими?

Жавоб: Учинчи марта кўриш ҳам жоиз.

Савол: Бир аёл киши шайхининг қўлини ўпишига рухсат борми?

Жавоб: Жаноби Пайғамбаримиз бегона аёлларга қўлларини ўптирмаганлар. Хотин-қизларнинг шайх, устоз, пир каби бегона эркакларнинг қўлларини ўпишларига бўлмайди. Ҳозирги замоннинг ҳар қандай шайхидан йироқ юрган маъқул.








Савол: Университетда ўқиймиз. Мен ҳам, йигит ўртоғим ҳам намоз ўқиймиз. Иккаламиз ҳам ҳаромлардан қочиб, тийилиб юрамиз. Иккаламизда ҳам ҳеч қандай ёмон ният йўқ. Иккаламиз бир уйда, бир хонада дарсларга таёрлаймиз. Бир ўртоғимиз, бегона эркак билан аёлнинг бир хонада қолишлари хилват бўлади, бу эса, ҳаром- деди. Биз фақат кундузлари биргамиз, кечалари бўлакмиз. Кундузи бирга бўлишимиз ҳақиқатданам хилват бўлиб ҳисобланадими?

Жавоб: Сизнинг айтаётганингиз динимизга зид бўлганидек сизларнинг табиатларингизга ҳам зид бўлади. Сиз нечоғлик номусли бўлишингиздан қатъий назар, бегона эркак билан аёл бир хонада хилват жойда, бирга қололмайди. Иккаласи бир хонада қолишлари ҳаром бўлади. Шайтон уларни тинч қўймайди. Иккита ҳадиси шарифнинг маъноси қуйидагича: **“Бир эркак билан бир аёл ёлғиз қолганда ораларига шайтон киради.”** (Табароний)

“Бир эркак билан бир аёл хилватда ёлғиз қолишса, уларнинг учинчилари шайтон бўлади.” (Термизий) Эркак билан аёл бир-бирига зид бўлган мавжудотлардир. Ўт билан порохга ўхшайди. Қанчалар маъсум, қанчалар бегуноҳ бўлишса бўлишсин, олов порохга яқинлашса отилади, ёнади. Улар ўт билан сувга ҳам ўхшашади. Ўт сув ичига тушганда ўчади. Улар оч бўри билан қўзига ҳам ўхшашади. Бўри яхши ўтлоқлар бор дея қўзини ўрмонга чорлайди. Кейин қўзининг жонини олади. Атеистлар ва бошқа дин душманлари, “Ёмон ниятлари бўлмаса, бир хонада қолишса нима бўпти” дейишлари мумкин албатта. Яъни улар учун бу оддий нарса. Лекин бир мусулмон қиз учун, бир мусулмон эркак учун булар оддий нарсалар эмас, яъни динимиз билдирган амрларнинг терсидир. Динимиз тақиқлаган бир ишни, бизнинг ниятимиз яхши деб ишлаш тўғри бўлмайди. Ҳаром бўлган бир иш яхши ният билан қилинса, ҳалол бўлиб қолмайди. Ичкилик ичадиганлар, зино қиладиганлар ёки ҳар

турли ҳаромларга қўл урадиганлар ҳам мен яхши ният билан қиляпман дея олади. Бунақа яхши ният инсонни қутқара олмайди. Ҳадиси шарифда **“Жаҳаннам яхши ниятлилар билан тўла”** деб марҳамат қилинган. Бир одам яхши ният билан қилган ҳаром ишларини одат қилади, кейин бу ишларини динимизнинг амри деб тушунади. Ҳазрати Умар «Динингизни тўғри ўрганиб, ўрганганингизга уйғун равишда яшанг. Йўқса ёмон одатларингизни дин дея тушиниб қоласиз» деганлар.


Қуйида ҳолис ва яхши ниятга боғлиқ бир мисол келтирилган: Синган дарахт орасига оёғи қисилиб қолган айиқни бир одам қутқаради. У одам ухлаб ётганида айиқ ҳам бир яхшилигим бўлсин дея юзига қўнган пашшаларни ўлдиришни истайди. Харсанг тошни олиб одамнинг юзидаги пашшаларни уради. Ҳа, айиқ яхши ният билан пашшаларни ўлдирди, лекин у одамнинг бошини ҳам эзиб юборди.

Демак хаёлга келган ҳар нарсани яхши ният билан қилиш инсонни қутқаролмайди, илм ҳам керак. Айиқнинг илми бўлганда эди, пашшани урган тош, одамни ҳам ўлдириши мумкинлигини билар эди. Демак бегона аёл билан эркак ёлғиз қолишганида, бунинг гуноҳ ва зарар эканлигини билишса, албатта,хилватда қолишдан, ёлғиз қолишдан, никоҳсиз кўришишдан йироқ бўлишади.

Савол: Аёл киши гуноҳ бўлади деб эркак докторнинг ҳузурига бормай, хасталиги кучайиб ўлса гуноҳ қилган бўладими?

Жавоб: У ҳақда китобларимизда кўплаган ҳукмлар билдирилган: *“Доридан фойдаланмай ўлган кишига гуноҳ ёзилмайди. Чунки дорининг фойда бериши муқаррар эмас”* **(Радд-ул-мухтор)**

“Емай, ичмай очликдан, ташналикдан ўлган киши гуноҳ қилган бўлади. Ҳолбуки дори ичмай ўлган кишига гуноҳ ёзилмайди. Лекин фойдаси тегиши аниқ бўлган дорилардан фойдаланиш эса фарз бўлади.” **(С.Абадия)**

“Натижаси аниқ бўлган сабаблардан фойдаланмоқ лозим. Сабабларга мурожаат қилишнинг имкони бўлса ҳам фойдаланмай зарар кўриш гуноҳ бўлади”. **(Ҳадиқа)** Аёл доктор топилмай, касаллик таҳликали ёки ўта оғир бўлган тақдирда ***“Зарурат ҳаромларни мубоҳга айлантиради”*** ҳукмига амал қилган ҳолда, эркак гинекологга боришга бўлади.

Савол: Бир-бирига бегона бўлган кекса эркак киши билан кекса аёлнинг биргаликда йўлга чиқишлари ва бир уйда бирга қолишлари гуноҳ бўладими?

Жавоб: Бегона аёл билан бир жойда ёлғиз қолишни динимизда хилват деб атайди. Бу эса ҳаром бўлади. Лекин қари аёл билан мусофаҳа (қўл олиб кўришиш) қилиш жоиз бўлади. **(С.Абадия)** Кексайиб қолган кампир билан бирга қари эр киши сафарга чиқишса ва бир жойда қолишса ҳам жоиз бўлади. **(Ашбоҳ)**

Савол: Иш билан ёки таъмирлаш ишларини қилиш учун борган уйда уй бекаси ёлғиз бўлса хилватда қолган бўламизми?

Жавоб: Уй бекаси бошқа хонада бўлса ёки ишингизни қилиш учун икки киши бўлиб борсангиз хилват бўлмайди.

Савол: Яқин қариндошимизнинг ўғли менга номаҳрам бўлса ҳам доим майл почта орқали бемаъни, ноўрин нарсалар ёзиб, ўзини ҳам мени ҳам гуноҳга қолдиради. “Амаки, тоға, хола-ю аммаларнинг ўғиллари билан учрашиш, кўришиш гуноҳ эмас” дейди. Ростданам шунақами?

Жавоб: Никоҳи ўтадиганлар қанчалик яқин ақрабо бўлишидан қатъий назар бегона ҳукмида бўлади. Опасининг эри, яъни почча ҳам, болдиз ҳам бегоналардир. Бегоналар билан чақ-чақлашиб ҳазиллашиш ёки ёлғиз қолиш жоиз эмас.

Савол: Лифтда ҳам хилват бўладими? Яъни бегона эркак билан бегона аёл лифтга бирга киришлари гуноҳми?

Жавоб: Бунинг ҳукми лифтнинг тузилишига қараб фарқли бўлади. Масалан ичи кўринадиган лифтда хилватда қолган





бўлмайди. Ичи кўринмайдиган лифтларда, қаватларнинг биридан яна бировнинг кириши эҳтимоли бор бўлса ёки лифтга камера қўйилган бўлса, хилват бўлмайди. Икки ва ундан ортиқ эркак бўлса ҳам хилват бўлмайди. Агар лифт ташқаридан бошқарилмайдиган бўлса, фақат ичидан бошқариладиган бўлса ва бундай лифтда бегона эркак билан аёлнинг бирга бўлиши гуноҳ бўлади.

Савол: Келинойим ёки болдизим билан бир хонада ёлғиз қолишимнинг динимизга қарши жойи борми?

Жавоб: Келинойингиз ва болдизингиз сизга номаҳрам бўлади. Бир ҳадиси шарифнинг маъноси қуйидагича: **“Эркак киши номаҳрам аёл билан зинҳор ёлғиз қолмасин! Агар қолгудек бўлса учинчилари албатта шайтон бўлади.”** (Термизий, Табароний) Учинчилари шайтон бўлгач, иккаласига ҳам васваса беради ва гуноҳга қўл уришларига йўл ҳозирлайди. Булар ақрабоку деб қараб ўтирмайди. Шунинг учун уларнинг бир хонада қолишлари жудаям таҳликалидир. Жаноби Пайғамбаримиз **“Бегона аёл билан ёлғиз қолишдан эҳтиёт бўлинг!”** деб марҳамат қилганларида, у ердагилар “Бир аёлга қайни, поччаси бўлган ақраболари билан ёлғиз қолиш ҳам динга мувофиқ эмасми?” деб сўрадилар. Жаноби Пайғамбаримиз **“Қайнисининг хавфи кўпроқ, худди ўлим кабидир”** деб марҳамат қилдилар. (Бухорий, Муслим) Поччанинг таҳликаси ҳам худди қайнуканинг таҳликаси кабидир. Хотинини ташлаб, болдизига уйланганларни эшитганмиз, кўрганмиз. Шундай ҳодисалардан “Э йўқ, бе йўқ, поччам мени нега ўпди” деган сўз машҳур бўлган. Аввал байрам деб чакасидан ўпади, кейингиси ўзингизга маълум...

Савол: Ёш йигит кекса аёлнинг қўлини, ёш қиз пиру-фоний бир чолнинг қўлини ўпишнинг динимизга зид жойи борми?

Жавоб: Кампир-чолларда шаҳват таъсири уйғонмаса ҳам, ёшларда балки уйғониши мумкин. Кексалар мажбур







бўлмагунча қўлларини ўптирмаганлари маъқул, ёшларнинг гуноҳ қилишига сабабчи бўлиб қолмаслик керак. Ёшлар ҳам мажбур бўлмагунича кексаларнинг қўлларини ўпмагани яхши. Чоллар кампирлар билан қўл олишиб кўришса, бир хонада ёлғиз иккаласи қолса, бирга сафарга чиқса бўлади. Лекин бир эҳтиёж бўлмагунича буларни ҳам қилмаганлари маъқул.

Савол: "Саодати Абадия" китобининг Сатри аврат мавзусидаги баҳсда *"Хилват, тарафайнга кўра ҳаромдир"* дейилган. Бу фақат "тарафайн наздида" деган маънога келади. Демак олимлар орасида бунга "ҳаром эмас" деганлар ҳам бор деб тушунсак бўладими?

Жавоб: *"Тарафайн"* ибораси, имоми Аъзам билан имоми Муҳаммад иккаласи биргаликда айтилганда қўлланилади. "Хилват" имоми Абу Юсуф наздида макруҳдир. Зарурат бўлганда шу фатводан фойдаланилади. Масжидда, ёки ичи ташқаридан бемалол кўринадиган жойларда, транспортларда, дўконларда, ҳар ким берухсат кира оладиган маконларда, ичидан қулфланмаган расмий мажлисларда бегона эркак ва аёлларнинг бирга қолишлари хилват бўлмайди. Битта уйнинг икки хонаси, бир макон ва хона бўлиб саналмайди. Яъни бир уйда бегона эркак билан бегона аёл бўлак хоналарда ўтирса, уйда улардан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам хилватда қолган бўлишмайди.

Бошқа жинс вакиллари билан гаплашиш

Савол: Бегона аёлга қараш гуноҳми?

Жавоб: Аёллар эркакларга ва эркаклар аёлларга заруратсиз ёки шаҳват билан қарашлари гуноҳ бўлади. Ояти каримада маолан буюрилганки: **"Эй Расулим, мўминларга айтгин ҳаромларга қарамасинлар ва аврат жойларини**







ҳаромлардан қўрғасинлар! Имонли аёлларга ҳам айтгин, ҳаромга боқмасинлар ва аврат маҳалларини ҳаромлардан сақласинлар!” (Нур, 30)

Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганки: **“Эркакнинг аёлга, аёлнинг ҳам эркакка (шаҳват билан) қараши ҳаромдир”** (Табароний)

“Ҳаромга қараш, шайтоннинг заҳарли ўқидир. Аллоҳу таолодан қўрқиб бегона аёлга қарашдан ўзини тийганга имоннинг лаззатини туйиш насиб бўлади.” (Ромуз)

“Бегона аёлга шаҳват билан қараган кишининг кўзлари ўт билан тўлдирилиб, жаҳаннамга ташланади. Бегона аёлга қўли текканнинг қўллари энсасидан боғланиб жаҳаннамга улоқтирилади, заруратсиз ёки шаҳват билан гаплашган киши ҳар бир сўзи учун минг йил жаҳаннамда ёнади.” (Р.Носиҳин)

“Қўшнининг ва дўстининг аёлига шаҳват билан қараш бегона аёлга қарашдан, оилали аёлга қараш қизга қарашдан ҳам оғирроқ гуноҳдир. Зино ҳам шундай” (Р.Носиҳин)

Эркак кишининг номаҳрам аёл билан қўл бериб кўришиши (уни ушлаши), заруратсиз гаплашиши, ҳеч кимга кўринмайдиган ёпиқ жойларда ёлғиз қолиши ҳаромдир. Пайғамбаримиз ҳеч қачон аёллар билан қўл олишмаганлар. Бир ҳадиси шарифда марҳамат қилганларки: **“Мен албаттаки ҳеч қачон аёл киши билан қўл бериб кўришмайман.”** (Насоий, Ибни Можа, Табароний)

Оиша волидамиз айтганларки: **“Расулуллоҳ ўзига ҳалол бўлган аёллардан бошқа ҳеч бир аёлнинг қўлини ушламаганлар.”** (Бухорий, Муслим)

Яна бошқа ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики: **“Кишининг бошига темир қозиқ қоқилганда кўрадиган азоб, номаҳрам аёл билан қўл олишишнинг азобига нисбатан енгил бўлади.”**(Табароний, Байҳақий)







“Бегона аёл билан қучоқлашган киши, шайтон билан бирга занжирбанд қилиниб ўтга ташланади.” (Ширъа) **“Номаҳрам аёллар билан бир жойда қолишдан сақланинг. Аллоҳга қасамки, бир киши бир аёл билан ёлғиз қолганда ораларига шайтон киради. Бир кишининг ифлос чўчқага ёпишиб туриши ўзи учун ҳалол бўлмаган аёлнинг қўлини ушлашидан афзалдир.”** (Табароний)

Аёллар бирон зарур ҳолат юзага келмагунча номаҳрам эркаклар билан гаплаша олмайди. **“Рамуз”** китобининг 469-саҳифасида ёзилган ҳадиси шарифда қуйидагича марҳамат қилинган: **“Эй аёллар, фақат ўзингизга маҳрам бўлган эркаклар билан гаплашинг. Номаҳрамлар билан гаплашманг!”** (Ибни Саид) Агар эркаклар иффатсиз, яъни номуссиз бўлишса, фоҳишахона ва шунга ўхшаган жойларга борадиган бўлишса, хотин-қизлари ҳам ёмон йўлга тушиши мумкин. Чунки ҳадиси шарифларда қуйидагича марҳамат қилинган:


“Сиз иффатли бўлсангиз, аёлларингиз ҳам иффатли бўлади.” (Ҳаким)

“Бошқаларнинг хотин-қизини йўлдан оздирувчилар биздан эмас.” (И.Аҳмад)

“Зино қилган кимса, яқинларининг зино қилишига дучор бўлади.” (И.Нажжор)

“Ман даққа дуққа” яъни “Қоқсанг ўзганинг эшигин, қоқарлар сенинг ҳам эшигинг”, “Қайтар дунё” дейишган.

Қуръони каримда маолан: **“Фуҳшнинг очиғига ҳам, яширинига ҳам яқинлашманг”** деб буюрилган. (Анъом, 151) Бу ерда “яқинлашманг” сўзи билан зинога олиб борувчи сабаблардан, ҳаракат ва ишлардан сақланинг, бегона аёлларни хаёлингизга ҳам келтирманг, улар билан гаплашманг, уларнинг овозларини ҳам эшитманг, уларга қараманг, дея огоҳлантирилмоқда. Бегона хотинларга қараш кўзни заифлатади, қалбни қорайтиради.







Пайғамбаримиз “Кўз зиноси” ҳақида шундай марҳамат қилганлар: **“Бегона аёлга шаҳват билан қараш, кўзнинг зиноси, қўл текказиш қўлнинг зиноси, унга бориш оёқларнинг зиноси бўлади.”** (Р.Носиҳин)

“Бегона аёлга кўзи тушганда Аллоҳдан қўрқиб юзини бошқа тарафга ўгирган кишига, Аллоҳу таоло ибодатларининг лаззатини ҳис қилдиради.” (Абу Довуд, И.Аҳмад, Ҳаким)


“Авратини очганга ва бошқаларнинг авратига қараганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!” (Байҳақий)

“Аёлнинг юзи ва икки кафтидан бошқа бутун бадани авратдир.” (М.Анҳур)

Аёллар Қуръони карим, мавлуд, илоҳий ўқиганларида бегона эркаклар эшитадиган даражада овоз чиқариб ўқишлари ҳаромдир. Микрафон, радио, телевизор орқали овозларини эшиттиришлари эса, макруҳ бўлади. **(Тарғиб-ус-салот, Ҳадиқа)**

Савол: Қуйидаги даъволар бир реформачига тегишли. Шунга жавоб берасизми? “Икки дўст учрашганда бир-бирининг қўлини ўпиш суннат бўлади.” Бунинг ҳаром эканлиги “Радд-ул мухтор” китобида ёзилган. “Пайғамбаримиз аёлларга қўлини ўптирмаган бўлсалар-да, улар билан мусофаҳа қилар эди. Чунки мусофаҳа қилиш суннатдир. Агар ҳозир пайғамбаримиз бўлганда аёлларга албатта қўлини ўптирган бўлар эди. Чунки олимларнинг қўлини ўпмоқ жоиздир.”

Жавоб: Жаноби пайғамбаримиз ҳақида “аёллар билан мусофаҳа қилганлар” дегани ёлғон. Олимнинг, ота-онанинг қўли ўпилади. Лекин номаҳрам аёл олимнинг қўлини ўпа олмайди. Имоми Раббоний ҳазратлари айтадики: *“Жаноби пайғамбаримиз эркаклар билан мусофаҳа қилиб аҳдлашгандан сўнг, аёллар билан ҳам аҳд қилдилар. Аёлларнинг байъати фақат сўз орқали бўлди. Муборак қўллари аёлларнинг қўлига тегмади.”* **(3/41)** **“Тибён”**да Мумтаҳина сурасининг 12-оятининг шарҳида шундай ёзилган: Жаноби пайғамбаримиз ўзига




байъат қилаётган бегона (номаҳрам) аёлларнинг ҳеч қайсиси билан мусофаҳа қилмадилар. Ҳазрати Ойша айтганларки: **“Пайғамбаримиз аёллар билан фақат сўз орқали байъат қилар эди. Унинг қўли, бегона аёллардан ҳеч қайсисининг қўлига тегмаган”** (Муслим)

Савол: Эркак доктор бегона аёлга қўли тегса гуноҳ бўлмайди-ю, нимага энди менинг қўл олишиб кўришишим гуноҳ бўларкан?


Жавоб: Докторнинг зарурат бўлгани боис, эҳтиёж миқдорича аёл хастага қўл текказиши, текшириши жоиз бўлади.Эҳтиёжидан ортиқ жойларини очтириб қараши унга ҳам ҳаром бўлади. Қўл олиб кўришиш доктор билан муқояса қилинадигандек зарурий нарса эмас-ку.

Савол: Фарзанд олим бўлса ҳам, жоҳил отага имом бўлолмайди дейишади. Шу тўғрими?

Жавоб: Нотўғри. Фарзанд илмли бўлса отасига имом бўла олади. Бу ерда янглишиб, қулнинг имомлиги билан адаштирилган. Қул имомликка ўтса макруҳ бўлишининг сабаби, қул бўлгани учун эмас, балки хизмат билан машғул бўлгани боис илм ўрганишга вақти бўлмагани учундир. Агар олим бўлса, қулнинг имомликка ўтиши макруҳ бўлмайди.

Кўр киши ҳам имомликка ўтса макруҳ бўлади, чунки у кийимларини поклай олмайди. Лекин кийими пок бўлса, кўр кишининг имомликка ўтиши ҳам макруҳ бўлмайди. Чунки пайғамбаримиз кўзи кўр бўлган Ибни Мактум ҳазратларини кўп маротаба ўз ўрнига имомликка чиқарганлар. **(Неъмат-и Ислом)**

Савол: Баъзи атеистлар “Пайғамбар замонида аёллар ўраниб, беркиниб юрмас эди. Ялмоғизга ўхшаб ўраниб олиш у замонларда бўлмаган. Ҳазрати Ойша ҳам боши очиқ ҳолда юрарди. Ҳозирги замонда бурканиб, ўраниб олиш одатларини ақидапарастлар кейиндан тўқиб чиқаришган” дейишади. Уларнинг айтаётгани хижоб ояти келмасидан аввалги замонда







эмасмиди? Яна атеистлар таъсирида юрган бир танишим “Аёлларга қараш, улар билан гаплашиш, ҳатто улар билан бирга ўтириш ҳам гуноҳ эмас. Аёллар билан эркаклар бирга намоз ўқисалар ҳам ҳеч қандай айби йўқ. Расулуллоҳ аёлларга орқанги сафга туринг деб намозини хушъу билан ўқиш учун яни чалғимасдан ўқиш учун айтган. Йўқса бирга ўқишга ҳеч қандай тўсқинлик йўқ. Тасаттур (ҳижоб) иккинчи даражали иш” дейди. Нима, аёлларнинг очиқ-сочиқ юришлари, уларга қараш ва гаплашиш гуноҳ эмасми?

Жавоб: Албатта гуноҳ бўлади. Ичкиликни тақиқлаган ояти карима келишидан аввал, ичкилик ичадиган мусулмонлар ҳам бор эди. Лекин буни мисол қилиб, ичкиликка чек қўйилмаганди дейиш нотўғри бўлганидек, ҳижоб ояти келишидан аввалги ҳолни мисол қилиб аёллар билан гаплашиш, уларга қараш, улар билан ўтириш гуноҳ эмас дейиш ҳам янглиш бўлади. Ҳижоб (тасаттур = ўраниш) ояти келмасидан аввал, аёллар ҳали ҳижобга кирмаган эдилар. Улар ўша замонларда Расулуллоҳнинг ҳузурига келиб, билмаганларини сўраб ўрганар эди. Расулуллоҳ борган уйга аёллар ҳам боришарди, ўтириб тинглашарди, истифода қилишар эди.

Байдовийда ва Бухорийнинг тафсир қисмида билдирилгани бўйича, ҳижратнинг учинчи йилида Аҳзоб сурасида ва бешинчи йилида Нур сурасида ҳижоб оятлари келиб, аёлларнинг эркаклар ёнида ўтириши ва гаплашишлари тақиқланди. Бундан кейин Расулуллоҳ аёллар билмаган нарсаларини, муборак аҳли аёлларидан сўрашсин деб буюрдилар. Ҳижоб оятидан аввалги ҳолни мисол қилиб, аёлларнинг очиқ-сочиқ юришининг бузуқ жойи йўқ дейиш мусулмонларни алдашнинг йўлидир. Расулуллоҳнинг рафиқаси бўлмиш муборак Уммий Салама волидамиз баён қилади: Маймуна ва мен Расулуллоҳнинг ёнида эдик. Иккала кўзи кўрмайдиган Ибни Умми Мактум рухсат сўраб ичкарига кирди. Расулуллоҳ







бизга **“Ички хонага киринглар”** дедилар. “У кўр эмасми, бизни кўрмайдику” дедим. **“У кўрмаса, сизлар ҳам уни кўрмайсизларми?”** Яъни у кўр бўлса ҳам сизлар кўр эмассизку, дедилар. (Термизий, Абу Довуд, И.Аҳмад)

Ҳадиси шарифларда қуйидагича марҳамат қилинган:

“Бегона аёлга кўзингиз тушганда ундан юзингизни ўгиринг! Тўсатдан кўриб қолиш гуноҳ бўлмасада, такрор қараш гуноҳ бўлади.”
(Абу Довуд, Доримий)

“Балоғатга етган қиз, юз ва қўлидан бошқа аъзоларини номаҳрамга кўрсатмасин.” (Абу Довуд)

“Қўшиқчи аёлнинг топган пули ҳаром бўлганидек, уни тинглаш ҳам, юзига қараш ҳам ҳаромдир. Ҳаром билан ўсибунган бадан жаҳаннам ўтига лойиқдир.” (Табароний)

“Бир аёл атир сепиниб кўчага чиқса ва ҳидини сездириб кўпчиликнинг ёнидан ўтса, ўзига ҳам, унга қараганга ҳам зино гуноҳи (кўз зиноси) **ёзилади.”** (Насоий)

“Кўзлар зино қилади, қўллар зино қилади, оёқлар зино қилади, фарж (жинсий аъзо) **зино қилади.”** (Аҳмад, Табароний)

“Кўзнинг зиноси ҳаромга (номаҳрамга) **қарашидир, тилнинг зиноси фуҳш сўзлар айтишидир.”** (Бухорий, Муслим, Абу Довуд)

“Бир аёл ёқимли ҳидлар сепиниб, кишининг эътиборини тортувчи чиройли кийимлар кийиб, кўпчиликнинг ёнидан ўтса, зино қилгандек гуноҳга ботади.” (Ибни Ҳиббон)

“Ҳаромга қарамаган кўзлар, жаҳаннам ўтини кўрмайди.” (Исфаҳоний)

“Бир аёлга шаҳват билан қараган кишининг кўзларига эритилган қўрғошин қуйилиб, жаҳаннамга ташланади.” (М.Анҳур)

“Қўшни аёлга, дўстининг аёлига шаҳват билан қарашнинг гуноҳи, бегона аёлга қараш гуноҳидан ўн баробар кўп







бўлади. Оилали аёлга қарашнинг гуноҳи, қизларга қараш гуноҳидан оғир бўлади.” (Табароний)

Аёл кишининг сочлари ҳам авратдир. Аврат жойига бирон зарурат бўлмагунча, шаҳватсиз қараш ҳам ҳаром бўлади. Имоми Ғазолий ҳазратлари айтдилар: «Хотин-қизларнинг бошлари, қўллари, оёқлари очиқ ҳолда кўчага чиқишлари ҳаром бўлади. Шунингдек юпқа (ич кийими, авратлари кўринадиган ва сезиладиган), чиройли, тор, хуш ҳидлар сепилган кийим билан чиқишлари ҳам ҳаром бўлади. Бундай чиқишларига рухсат берган, рози бўлган ота-онаси, эри ёки ака-укаси, унинг гуноҳига ва азобига шерик бўлади.» **(Кимё-и Саодат)**

Имоми Заҳабий ҳам шу хусусда айтганларки: “Зийнатларини эркакларга кўрсатадиган аёлларга, масалан олтин, кумуш, марварид каби тақинчоқларини ёпинчиғининг сиртидан тақадиганларга, атир-упа қилиб, рангдор ва ипак газмол билан ўранганларга, енглари кенг бўлиб билаклари кўринадиган ва шунга ўхшаган ҳаракатлар билан эркаклар олдида ўзини кўз-кўз қиладиган аёлларга Аллоҳу таоло дунёда ва охиратда азоб беради.” (**Завожир** - Ибни Ҳожари Маккий)

Тасаттурга (тўғри кийинишга) риоя қилмаслик ва зийнатларини кўз-кўз қилиш гуноҳи аёлларда кўп бўлгани боис Расулуллоҳ **“Меърож кечасида жаҳаннамни кўрсатдилар, у ердагиларнинг кўпчилиги аёллар эканлигини кўрдим”** деб марҳамат қилганлар. (Термизий)

Савол: Кўчада юрган очиқ-сочиқ аёлларга қарамасликка ҳаракат қилсак-да, баъзида қараб қўямиз. Бундай ҳолларда гуноҳ ишламаслик учун нима қилсак бўлади?

Жавоб: Ҳаромга қарамаслик учун қуйидаги нарсаларни билиб олишимиз шарт:

А- Бегона аёлларга қараш кўзнинг кўриш фаолиятини ночорлаштиради, нурини заифлатади, қалбни қорайтиради. Кўзимизнинг заифлашишини, қалбимиз қорайишини истамасак




қарамасликка ҳаракат қилишимиз керак. Имоми Раббоний ҳазратлари “Ҳаромлар чиройли нарсага ўралган нажс кабидир” деган. Кўриниши чиройли, лекин ичи барбод. Кўрганида шуни ўйлаган киши қарамайди.

Б- **“Аврат жойини очганга ва унга қараганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”** ҳадиси шарифини ўйлаб, лаънатга учраб қолмаслик учун доим шу ҳадиси шарифни эсда сақлаб юриш керак.


В- **“Аллоҳнинг азобидан қўрқиб, юзини бошқа томонга ўгирган кишига, Аллоҳу таоло ибодатларининг лаззатини сездиради”** деган ҳадиси шарифни ўйлаб, ибодатларнинг лаззатини ҳис қила олиш учун бегона аёлларга қарамаслик керак.

Г- “Бир аёлга шаҳват билан қараган кишининг кўзларига эритилган қўрғошин қуйилиб, жаҳаннамга ташланади” ҳадиси шарифини ўйлаб, кўзимизга эриган қўрғошин қуйилиб жаҳаннамга тушишдан қўрқишимиз керак.

Д- Бегона аёлга қараш иффатсизлик ва беномусликдир. Нимага энди биз беномус бўлишимиз керак?

Е- Биз тикилган аёллар бировнинг онаси, опаси, қизи ёки умр йўлдошидир. Биров келиб бизнинг ҳам онамизга, опамизга, қизимизга ва рафиқамизга суқланиб қарашига розилик билдирамизми? Иффатли одам бунга албатта рози бўлмайди. Биз-чи, қандай қилиб бундай беномусликка бора оламиз? Бир ҳадиси шарифда **“Эркаклар, сизлар номусли бўлингки, рафиқангиз ва қизингиз ҳам номусли бўлсин”** деб марҳамат қилинган. Хотин қизларимизнинг беномус бўлишига сабабчи бўлишдан ҳам ортиқ аҳмоқлик бўлиши мумкинми?

И- Халқимизда “қайтар дунё” ёки “бировга чоҳ қазсанг ўзинг тушасан” деган сўзлар бор. Ўзимизга раво кўрмаган нарсамизни бошқаларга раво кўриш одамгарчиликдан, мусулмончиликдан эмас.








Савол: Нимага Қуръонда “Зино қилманг” деб эмас, “Зинога яқинлашманг” дейилган?

Жавоб: Ҳа, Қуръони Каримда **“Зинога яқинлашманг”** деб буюрилган. **(Исро-32)** Яна, Қуръони каримда ***“Ота-онани урма”*** дейилмаган, лекин **“Ота-онага уф дема”** деб буюрилган. **(Исро-23)** Бу ояти каримадаги *“уф дема”* ибораси, уларни ранжитадиган сўз айтма деганидир. **(Байзовий)** Қуръонда энг енгили зикр қилинган, бу билан ҳатто енгилидан ҳам эҳтиёт бўлиш кераклиги таъкидланган. Шу тариқа, ундан ҳам ёмон ишларнинг яқинига ҳам борманг дея амр қилинган.

“Зинога яқинлашманг” ифодаси, зинога олиб борувчи сабаблардан, ҳоллардан, ҳаракатлардан ва ишлардан сақланинг деганидир. Яъни эркакларга бегона аёлларни ўйламанг, уларга табассум қилманг, қараманг, салом берманг, эҳтиёж туғилмагунча улар билан гаплашманг, ҳол-аҳвол сўрашманг, уларга қаршисида туриб дуо қилманг, уларга хат, мактуб ёзманг, улар билан мэйл, чат, почта орқали ёзишманг, уларнинг овозларини эшитманг, уларга илтифот қилманг, қўл олиб кўришманг, улар билан бир хонада ёлғиз қолманг, улар билан рақсга тушманг ва ҳоказо деганидир. Аёлларга ҳам эркакларнинг эътиборини тортувчи кийим кийманг, эрингиздан бошқасига безанманг, зийнатларингизни ўзгаларга кўрсатманг, кўчага атир сепиб чиқманг, номаҳрам эркакалар қараши, кўриши мумкин бўлган жойларда турманг, улар билан саломлашманг, табриклашманг, уларга олдида туриб дуо қилманг, қўл бериб кўришманг ва ҳоказо деганидир.

Савол: Аёлларнинг бегона эркакларга шаҳватсиз ҳолда қараши жоиз эмасми?

Жавоб: Шаҳватсиз ҳолда, эҳтиёжи қадар, аврат жойлари очиқ бўлмаган бегона эркакларга қараши жоиздир. Шаҳватланмаслигига амин бўлган аёлнинг бегона эркакка қараши, эркакнинг эркакка ёки эркакнинг маҳрами бўлган




аёлларига қрашидек жоиз бўлади, яъни гуноҳ эмас. Агар шаҳват билан қараса ҳаром бўлади. Лекин мен шаҳватланмаган ҳолда қараяпман дея бегона эркакларга қарашни одат қилиб олса, ҳеч қандай эҳтиёжи бўлмасдан қараши динимизга мувофиқ эмас.

Савол: "Номаҳрамлар бир-бирини кўриб турмаганлиги учун телефонда суҳбатлашиш, чат ёки мэйл орқали хат ёзишиш жоиз" дейишади. Бунинг чекланган ёки тақиқланган жойи борми?

Жавоб: Эҳтиёжсиз гаплашиш жоиз эмас. Қуръони каримдаги **"Зинога яқинлашманг"** ифодаси, зинога олиб борувчи сабаблардан, ҳоллардан, ҳаракатлардан ва ишлардан сақланинг деганидир. Масалан эркакларга, бегона аёлларни ўйламанг, уларга табассум қилманг, мажбур бўлмагунча улар билан гаплашманг, салом берманг, ҳол-аҳвол сўрашманг, уларга эшиттириб дуо қилманг, уларга хат, мэйл ва чатдан ёзманг, уларнинг овозларини тингламанг, уларга қараманг деган маъноларни англатиши китобларимизда билдирилган.


Савол: Бегона аёлнинг ич кийимига қараш жоизми?

Жавоб: *"Шаҳват билан қараса ҳаром бўлади."* **(С.Абадия)**

Савол: Бегона аёлларнинг расмларига ёки телевизордаги тасвирларига қараш жоизми?

Жавоб: Аёлларнинг соч, қўли каби қараш ҳаром бўлган жойларининг ойнадаги ёки сувдаги аксига шаҳватсиз қараш жоиз.Аксини кўрмоқ, ўзини кўриш билан бир эмас. Расмларига, телевизордаги, компьютердаги тасвирларига қараш, ойнадан кўринган аксига қарашдек бўлади. Буларнинг барчасига шаҳватсиз қараш жоиз бўлиб, шаҳват билан қараш ёки шаҳватланишга сабаб бўладиган тасвирларни кўриш ҳаром бўлади. Яъни шаҳватланишга сабаб бўлдиган нарсаларга шаҳватсиз қараш ҳам ҳаром бўлади.

Савол: Телевизор ва газеталардаги шаҳватга сабаб бўлмайдиган тасвирларга қараш жоиз бўлганидек, буларни тарқатиш ҳам жоиз бўладими?




Жавоб: Буларга шаҳват билан қарайдиганлар ҳам топилиши мумкин бўлганлиги туфайли, ҳаромга сабаб бўладиган расмларни, тасвирларни тарқатиш жоиз эмас.

Савол: Шаҳвати қувватли бўлган киши нималарга амал қилиши керак?

Жавоб: Инсон шаҳватини қўздирувчи шеър ва қўшиқлардан узоқ бўлиш керак, жинсий иштиёқни уйғотадиган китобларни ўқимаслик керак, шунингдек телевизор ва интернетдаги бундай кўрсатувлардан, тасвирлардан ўзини эҳтиёт қилиши керак. Овқатга сирка қўшиб истеъмол қилиш керак, чунки сирка шаҳватни сустлаштиради. Қувватли озиқлардан ҳам ўзини тийгани маъқул. Рўза тутиш ва кечаси туриб ибодат қилишнинг ҳам фойдаси кўп бўлади. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганки: **“Рўза ҳамда кечаси қилинган ибодат шаҳватни заифлатади.”** (И.Аҳмад)

Безак ва тақинчоқларга оид савол-жавоблар

Савол: Аёлларнинг тақинчоқларини ва бошқа зийнатли безакларини бегона эркакларга кўрсатишлари жоизми? Масалан,мўйнали ёқа, мунчоқ ва сирғаларини бегоналарга кўрсата оладими? Ипакдан кўйлак ёки ипак галстук тақиш эркакларга жоизми?

Жавоб: Ипак эркакка ҳаром. Лекин кийимда тўрт бармоқ энича келадиган ипак тасмалар, масалан, ипак галстук тақиш эркакларга жоиз бўлади. Ипакдан тикилган кўйлак ва ҳар қандай кийим эркакка ҳаром бўлади. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганки: **“Олтин ва ипак умматимдан бўлган аёлларга ҳалол, эркакларга эса ҳаромдир.”** (Табароний)








Аёлларнинг олтин ва ҳар хил зийнат ашёларини тақишларига динимизда рухсат этилган. Лекин булар билан эридан бошқалар учун безанишлари жоиз эмас. *“Тўнғиз терисидан ташқари барча йиртқич ҳайвонларнинг терилари қайта ишлангач тоза бўлиб ҳисобланади. Бундай терилардан тикилган кийимларни, мўйналарни, мўйнали пальтоларни эркакларнинг кийиши ҳам жоиздир.”* **(Радд-ул Мухтор, 5/223)**

Аёллар ўзлари учун жоиз бўлган зебу-зийнатларини бегоналарга кўрсатишлари жоиз бўлмаганидек, баданий гўзаллик ҳамда кўркларини эридан бошқаларга кўрсатишлари ҳам жоиз эмас.

Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганки: **“Охир замонда умматимдан бўлган аёллар баданларини кўрсатиб турадиган кийимлар кийишади, сочларини туянинг ўркачидек қилиб тугиб олишади. Улар лаънатликдир.”** (Ибни Ҳиббон) **“Бошқалар менга қарасин дея ясаниб, чиройли кийимлар кийган аёл, шу кийимини ечиб ташлагунича, Аллоҳу таолонинг рахматидан йироқ бўлади.”** (Табароний) Ислом олимлари бу ҳадиси шарифларни қуйидагича шарҳлаганлар: “Жамол билан зийнатни, яъни безанишни бир-бири билан адаштирмаслик керак! Жамол, чиркинликни, хунукликни даф қилиш, виқорли бўлиш ҳамда шукр қилиш мақсадида неъматларни кўрсатиш деганидир. Кўз-кўз қилиш учун, мақтаниш учун кийиниш билан ясаниш, чиройли кийиниш жамол эмас, кибрлилик бўлади. Бу нафсининг озғин эканлигидан дарак. Жамол эса, нафси тарбияланган эканлигини кўрсатади. Жамол учун чиройли кийиниш яхши. **“Аллоҳу таоло Жамилдир, жамол соҳибларини севади”** деган ҳадиси шарифда жамол эгалари мақталган.” **(Баҳр-ур роиқ)**

“Чиройли кийиниш мустаҳабдир. Имоми Аъзам ҳазратлари 400 олтин қийматида чопон киярди. Талабаларига ҳам чиройли кийиниб юришларини буюрар эди.” **(Тахтавий)**








“Жамол бу озода юриш, кўрганларда ёмон фикр туғдирмаслик ҳамда ҳақорат қилишларининг олдини олишдир. Зийнат эса кўрганларнинг ҳавасини келтирадиган, улардан бир поғона устун бўлиб кўринадиган, хушсурат бўлиб юришдир. Мана шуларни эътиборга олган ҳолда эркаклар жамол нияти билан ипакдан бошқа чиройли кийимлар кийиниб юришлари афзалдир.” **(С.Абадия)**

“Олтин ва кумуш тақинчоқларини ясаниш мақсадида тақиш фақат аёлларга ҳалол. Лекин буларни номаҳрам эркакларга кўрсатиш ҳаром бўлади.” **(Радд-ул-мухтор)**

Савол: Аёл ёки эр кишининг хушбўй атир ва мушк сепиниб юришлари гуноҳми?

Жавоб: Хушбўй ҳидлар сепиш, чиройли кийиниш ҳамманинг қарашидан лаззатланиш ёки одамларга мақтаниш учун ёки бегона хотин-қизларга замонавий, хушбичим бўлиб кўриниш учун бўлса, киши гуноҳ қилган бўлади. Аёл киши эрининг олдига динимизда рухсат этилган тақинчоқлари билан ясаниб, хушбўй ҳидлар сепиб чиқиши керак, чунки бу улкан савобдир. Кўчага чиқаётган аёлнинг атир сепиб, ясаниб чиқиши эса ҳаромдир. Аёллардан чиққан хушбўй ҳидлар, эркакларнинг эътиборини жалб этади. Бир ҳадиси шарифда марҳамат қилинганки: **“Бир аёл ўзига жалб қилувчи хушбўйликлар сепиниб кўчага чиқса ва унга эркаклар қарайдиган бўлса, уйига қайтиб киргунича Аллоҳу таолонинг ғазабида қолади”** (Табароний)

Бир киши суннат бўлгани учун хушбўй мушк сепиниб, замонавий кийинса ва масжидга ҳурмат кўрсатиш учун, ёнида ўтирган кишини безовта қилмаслик учун, тоза-озода юриш, соғлом бўлиш, ислом динининг виқорини, шарафини қўрғаш учун ният қилса, ҳар бир нияти учун алоҳида савоб қозонади. Ҳар қандай мубоҳ ишларда, ҳатто ейиш-ичишда, ухлаш учун ётаётганда, ҳожатхонага кираётганда ҳам яхши ният қилиш керак. Ҳатто сурманинг қўйилишида ҳам ниятга қараб савоб

ёки гуноҳ бўлади. Бир ҳадиси шарифда: **“Киши кўзига қўйган сурмага ҳам жавобгардир”** деб марҳамат қилинган. Шифо нияти билан сурма қўймоқ жоиздир. **(Баҳр-ур-роиқ)**

Хушбўй ҳид сепишда ва яна бошқа мубоҳ ишларда ният қилишнинг аҳаммияти катта. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики: **“Аллоҳ учун хушбўй мушк қўлланганлар, қиёмат куни хушбўй анбар ҳидлар таратган ҳолда, бошқа ният билан қўлланганлар эса ўлик сассиғидан ҳам ёмон ҳид анқиган ҳолда Маҳшар майдонига келади.”** (И.Ғазолий)

“Хушбўй ҳид баданнинг жилосидир.” (С.Абадия)

“Дунё неъматларидан менга гўзал ҳид севдирилди.” (Насоий)

“Хушбўй ҳид икром қилинган киши рад этмасин, олиб сепинсин!” (Ҳаким)

Байрам кунларида миск (мушк) сепиб, янги ва тоза кийим кийиб, мисвок билан тишларини тозалаб, шодлигини изҳор қилиш суннатдир. Жума куни ҳам худди шундай қилиш керак! Жума намозига хушбўй ҳидлар сепиб бориш керак! Хушбўй ҳидлар фаришталарга ҳам хуш ёқади.

Савол: Эркакларнинг кумуш ёки ҳар хил металлардан занжир, билагузук каби тақинчоқларни тақишлари жоизми?

Жавоб: Жоиз эмас. Фақат ревматизм каби касалликларга қарши махсус таёрланган тақинчоқдан шифо мақсадида фойдаланилса, жоиз бўлади.

Савол: Аёлларнинг қўл соат тақишлари зийнат ҳукмига кирадими?

Жавоб: Ҳа, киради.

Савол: Баъзи ўлкаларда аёллар оёқларига ҳол-ҳол деб номланадиган билагузукка ўхшайдиган, юрганда товуш чиқарадиган тақинчоқлар тақишади. Буларни тақиш ва товушини бошқаларга эшиттириш жоизми?


Жавоб: Аёлларга ҳар хил безак тақинчоқлари тақиш




жоиздир. Фақат номаҳрам эркакларга кўрсатмаслик шарти билан. Кийим ичидан (ҳижоб) ичидан тақишларига бўлади. Лекин оёққа мўлжалланган ҳол-ҳол тақинчоғининг жаранглаган овозини бегонага эшиттириш жоиз бўлмайди. Бир оятда маолан: **“Кўздан яширилган зийнатининг борлигини билдириш мақсадида оёқларини(**ерга, бир-бирига**) урмасинлар”** деб буюрилган. (Нур, 31) Эътибор берилса бу ерда яшириб тақилган зийнат ҳақида айтилган. Яъни зийнатларни яшириш кераклиги айтилмоқда. Қўлга тақиладиган билагузук ва узукларни ҳам бошқаларга кўрсатмаслик керак. Шода, хина, сурма каби бошқа зийнатларини ҳам кўрсатмаслик керак. Мазкур оятнинг бошида шуларга ҳам ишора қилинмоқда. Бошқа зийнатлар каби тирноққа лак қўйиш ҳам жоиз. Лекин буни ҳам бегоналарга кўрсатмаслик керак. Лак тагига сув ўтмайди, шу боис таҳорат ва ғусл олаётганда тирноқларни лакдан тозалаш керак.

Савол: Бир аёл маржон, кулон, никоҳ узуги каби зийнатларини бегона эркакларга кўрсатиб юришига, жалб қилувчи рангли ипак шарфлар тақиб, ясаниб кўча сайлига чиқса, бунинг зарари борми?

Жавоб: “Фойдали маълумотлар” китобида қуйидагича ёзилган: Имоми Заҳабий ҳазратлари марҳамат қилганларки; Зийнатларини бегона эркакларга кўрсатган аёлларга, масалан олтин, инжу каби тақинчоқларни кийимининг сиртидан тақиб, атир сепиб, кишининг эътиборини тортадиган рангдор ҳамда ипак газмолга ўранган, енглари кенг бўлиб билаклари кўринадиган кийимларда ўзларини бегона эркакларга намойиш қиладиган аёлларга Аллоҳу таоло дунё ва охиратда азоб беради. Бундай ёмон хислат аёлларда кўпроқ учрагани учун жанобли Пайғамбаримиз: **“Меърожга чиққанимда, жаҳаннамликларнинг кўпчилиги аёллар эканлигини кўрдим”** дея марҳамат қилганлар. (Термизий)




Савол: Аёллар зийнатларини бегоналарга кўрсатмайди. Бу “бегоналар” сўзидан фақат эркаклар тушиниладими ёки бегона аёллар ҳам назарда тутилганми? Ака-ука, ота, қайнота каби маҳрамларига ҳам кўрсата олмайдими?

Жавоб: Бегона сўзи билан бегона эркаклар назарда тутиляпти, бегона аёллар эмас. Амаки, тоға, қайнота каби маҳрам ақраболар олдида зийнатларини, сочини ва қўлларини кўрсатиб юришлари жоиз. Лекин имоми Раббоний ҳазратлари айтганларки: Аёл кишининг эридан бошқасининг олдига, яъни хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, бегонанинг олдига ясаниб чиқиш жоиз эмас. Эътибор берган бўлсангиз, ясаниш сўзи айтилган. Тақинчоқларини кўрсатиш бошқа, улар билан ясаниш бошқа. Аёлнинг аёлга кўриниш учун ясаниши жоиз эмас, лекин безакларини кўрсатиши жоиз.

Савол: Аёл аёлнинг қаршисига жамол нияти билан ясаниб чиқиши жоизми?

Жавоб: Жамол жоиз, зийнат эса жоиз эмас, яъни макруҳ бўлади.


Савол: Эркакларнинг қош теришлари ва янада истарали, чиройли кўриниш учун соч эктиришлари жоиз бўладими?

Жавоб: Ниятига боғлиқ. Бунинг ҳукми худди янги кийим кийгандагидек бўлади. Яъни мусулмонлар яхши кўринишда, яхши қиёфада бўлиши керак деган ниятда бўлса жоиздир. Аёлларни жалб қилиш, ўзига қаратиш нияти билан бўлса жоиз эмас. Аёлларнинг нияти қандай бўлишидан қатъий назар қош теришлари, юпқа ёки ингичкалатишлари ҳаромдир.

Савол: Эркакларнинг соч эктиришлари жоизми?

Жавоб: Эркакларнинг соч эктиришлари ёки парик кийишлари гуноҳ эмас. **(Ҳадиқа, Фатовои кубро)**

Савол: Аёл ва эркак кишиларнинг соч бўятишлари жоизми, ғуслга монелик қилмайдими?







Жавоб: Жоиз, ғуслга ҳеч қандай монеси йўқ, худди хина кабидир.

Савол: Динимизда сочини қирққан аёлга қандай ҳукм бор. Қирқилган сочни нима қилиш керак?

Жавоб: Аёллар сочларини қирқишмайди, ўриб қўйишади. Аёлларнинг соч олдиришлари ёки қирқишлари таҳриман макруҳ бўлади. Эркакларга ўхшатиб сочларини қисқа қилишлари ёки тақир қилиб олдиришлари эса ҳаром бўлади. Сочларини беркитиш қийин бўлган ёки фитнага сабаб бўладиган жойларда, эркаклар қўядиган сочга ўхшатиб қўймаслик шарти билан қулоқ юмшоғигача қисқартиб, кестиришлари жоиз бўлади. Хасталикка чалинган аёл, солиҳ бир шифокорнинг тавсияси билан сочини тақир қилиб олдириши жоиз бўлади. Қирқилган сочларни йиғиб бир жойга кўмиш керак. Бунинг имкони бўлмаса, целофан халтага тош қўшиб солиб, сувга отиш керак. Аёллар баданидан қирқилган парчаларни эркакларга кўрсатишлари ҳаром бўлади.

Савол: Аёлларнинг қош теришлари, ингичкалатишлари ҳаром, аммо мен қошларимни термасам кўзим оғрийди. Шу сабаб билан қошимни тергазсам жоиз бўладими?

Жавоб: Ҳа, бундай узр сабаби бўлса жоиз бўлади.

Савол: Аёлларга сочларини бошининг тепа қисмидан ёки орқа томонидан туянинг ўркачига ўхшатиб турмаклашлари жоиз эмасми?

Жавоб: Ҳа, жоиз эмас. Савол: Аёл кишининг юзига гормонияси бузилиши натижасида чиққан тукларни лазер орқали куйдиришига динимизда таъқиқ борми?

Жавоб: Йўқ.

Савол: Аёлларга товуш чиқармайдиган баланд пошналик туфли кийишлари жоизми?

Жавоб: Жоиз. Лекин баланд пошналик оёқ кийимда одатдагидай бемалол юриш осон эмас, ҳатто қийин деса







ҳам бўлади. Бошқаларнинг диққатини ўзига жалб қилувчи нарсалардан эса узоқ бўлиш керак.

Савол: Эркакка ипак пайпоқ, бўйинбоғ (галстук), ич кийим соф ипакдан бўлса, буларга қандай ҳукм бор?

Жавоб: Жоиз эмас. Булардан фақат бўйинбоғ тўрт бармоқ энида бўлса жоиз бўлади.

Савол: Ипак кийим кийиш эркакларга ҳаром, ипак аралаштириб тўқилган пайпоқ, ич кийим кийиш жоизми?

Жавоб: Агар 50% дан ортиғи ҳақиқий ипак аралаштириб тикилган бўлса ҳаром бўлади, ипак 50% дан кам бўлса макруҳ бўлади.

Савол: Аёлларнинг соч бўятишлари, сочларига хина қўйдиришлари ёки ҳар хил дорилар билан сочларининг рангларини ўзгартиришлари жоизми?

Жавоб: Жоиздир. Лекин бу сочларини кўрсатиб бегона эркаклар қаршисига чиқолмайди. Аёллар қандай ясанишса ҳам жоиздир, фақатгина бегона эркакларга кўрсатмаслик шарти билан. Лекин сиз “Биз бошқалар кўрсин дея ўзимизга оро берамиз, уйда ясанишнинг нима кераги бор?” дейишингиз мумкин. Эрига чиройли кўриниш учун ясаниш суннат. Бошқаларга чиройли кўриниш учун ясаниш ҳаром.

Савол: Аёл ва эркаклар баданидаги покланиши керак бўлган тукларни эпиляция жиҳозлари билан ёки шу каби асбоблар билан тозаланишнинг динимизга зиддияти борми?

Жавоб: Ҳечам зиддияти йўқ.


Савол: Аёллар оёқларида ўсган тукларни тозаласа бўладими?

Жавоб: Танзиҳан макруҳ бўлади. Эри ол деб буюрсагина олиши жоиз бўлади.

Савол: Эркакларнинг қулоқ ва бурунларида туклар ўсади. Буларни куйдириш йўли билан тозаласа бўладими?

Жавоб: Жоиз.

Савол: Макияжнинг қанча миқдори тақиқланган?







Жавоб: Бегоналарга кўрсатиш учун бўлса, Бутунлай тақиқланади. Хотин киши эридан бошқаларга чиройли бўлиб, гўзаллигини кўрсатиши жоиз эмас. Эри учун қанча ясанса ҳам бўлади, лекин бошқа эркакларга бу гўзаллигини кўрсата олмайди.

Савол: Эр кишилар соч олдирганда ён ва орқа тарафларини қисқа, олд қисмини узун қилиб қолдиришлари жоизми? Баъзилар бундай соч қўйишнинг тақиқлангани ҳадиси шарифларда билдирилган дейишади.

Жавоб: Соч шакли шунчаки одатдир, одат бўлган нарсада бидъатнинг зарари бўлмайди.

Савол: Қош териш эркакларга жоиз, аёлларга эса ҳаром бўлишининг қандай ҳикмати бор?

Жавоб: Аёллар эридан бошқалар қаршисига ясаниб, гўзаллигини намойиш қилиб чиқолмайдилар. Қош териш, аёллар учун ясаниш деганидир. Аёллар учун қошларини теришлари, юпқалатишлари ҳаром бўлади. Пешона, яноқ ва юз қисмига чиққан тукларни терса жоиз бўлади. Эркакларга эса, фақат жамол нияти билан қош теришлари жоиз, ясаниш учун, ҳусн учун бўлса эркакларга ҳам гуноҳ бўлади.Яъни эркакларга кийиниш ҳукмидагидек, олифтагарчилик учун, мақтаниш учун, хотин-қизларга замонавий бўлиб кўриниш учун яхши, чиройли кийинса гуноҳ бўлади. Жамол учун, яъни мусулмонларнинг шонини, обрўсини кўтариш учун қанчалик чиройли кийинишса ҳам гуноҳ бўлмайди.

Савол: “Зарурат бўлганида ҳаромлар мубоҳга айланади.” Бу ерда «зарурат»дан нимани тушунамиз?

Жавоб: Тўғри, зарурат бўлган тақдирда ҳаромлар мубоҳга айланади. Лекин эҳтиёж билан заруратни адаштириб қўймаслик керак. Зарурат бу: оч, ташна, яланғоч, бошпанасиз қолиш, вазиятдан чиқиш учун мубоҳ йўл ҳам қолмаган ҳолатдир.

Савол: Ичида дуолар ёзиб сотилаётган кумуш кулонларни







тақиб юришга бўладими?

Жавоб: Кумушдан бўлса ҳам эркаклар учун кулон каби тақинчоқлар тақиш жоиз эмас.

Савол: Кичкина қизалоқлар тақинчоқларни хуш кўргани боис ҳар хил ясама тақинчоқлар олиб берамиз, бу динимизга зид бўлмайдими?

Жавоб: Қиз болаларга билакузук, бўйинчоқ, занжир яна қанақа хилидан бўлса ҳам динимизда таъқиқланмаган. Шишадан, ёғочдан, елимдан, инжу-маржондан, тошдан ва яна шу каби нарсалардан бўлса ҳам тақишга бўлаверади. Лекин узук фақат олтин ёки кумушдан бўлиши керак, бундан бошқаси бўлмайди.

Савол: Аёллар ташқарига чиқаётганларида суннат нияти билан сурма қўйишса динимизга уйғун бўладими?

Жавоб: Соғлигига фойдали бўлсин дея қўйишга бўлади. Масалан кечқурун қўйилади, эрталаб ювиб ташланади. Лекин шуни унутмаслик керакки сурма ҳам макияждир.

Бегоналарнинг олдида бўянган ҳолда кўриниш жоиз эмас. Аёл фақат эри учунгина бўяниши керак. Турмуш қуришдан олдин бўяниш ҳам жоиз бўлмайди.

Савол: Аёлларга сирға тақиш учун қулоқ тештиришлари жоизми?

Жавоб: Жоиз, яъни гуноҳ эмас. Лекин тештирмагани маъқул.


Савол: Тештирилган қулоқнинг тешиги битиб кетиши учун, яъни маъқул амални бажариш учун ҳечам сирға тақмасам тешик ёпиладими?

Жавоб: Сирға тақмай қўйсангиз вақт ўтиши билан тешиги ёпилиб кетади, бунинг ҳеч қандай зарари йўқ.

Савол: Модага эргашиш жоизми?

Жавоб: Фойдаси тегадиган жойда жоиз бўлади. Савол: Капалакнусха (бабочка) бўйинбоғ тақишга бўладими?

Жавоб: Капалакнусха бўйинбоғ ҳам худди бошқа бўйинбоғлар кабидир. Кофирларнинг ҳаром бўлмаган одатларини тақлид







қилиш, қўлланиш жоиздир. Термизийдаги ҳадиси шарифда Жаноби Пайғамбаримиз византияликлар (румликлар) либосини кийгани ҳақида билдирилган. **(Мавоҳиб-и ладуннийя)**

Савол: Қишқи тўқилган қалпоқ (петушок)нинг чеккаларини қайириб олишнинг зарари борми?

Жавоб: Ҳеч қандай зарари йўқ.

Савол: Аёлларга қошларининг қўшилган жойидаги тукларни териши жоиз бўладими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Сунъий бахмал ҳам ҳақиқий бахмалдек зийнат ҳукмига кирадими?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Юқори лавозимли амалдорлар даврасида аёл киши кенг костюм-юбка кийса бўладими?

Жавоб: Ҳа, бўлади.

Савол: Чарм плаш олган эдим, чўчқа терисидан тикилган экан. Энди уни сотсам жоиз бўладими?

Жавоб: Чўчқа терисини сотмоқ жоиз эмас. Баъзи китобларда ғайри муслим кишига сотиш жоиз дейилган.

Савол: Аёлларга ўхшаш учун соч ўстириш, буддистларга ўхшаш учун сочни бутунлай қиртишлаб олдириш, Фидель Кастрога ўхшаш учун соқол ўстириш ҳароммми?

Жавоб: Таҳриман макруҳ бўлади.

Савол: Қошлари икки хил бўлган аёл, икки қошини тенглаштириш учун бўяши жоизми?

Жавоб: Ҳа.

Савол: Аёлларга баланд пошналик туфли ёки этик кийишга бўладими?

Жавоб: Баланд пошналик оёқ кийим зийнат бўлгани учун аёл киши киймагани маъқул. Лекин оёғида ревматизм каби касаллик сабаби бор бўлса ёки пошнаси паст оёқ кийимда оёқлари совқотадиган бўлса, баланд пошналик пойафзал







кийиш жоиз бўлса ҳам бегона эркакларга кўрсатмаслик керак. Агар кийим ичидан кўринмаса зарари йўқ, кийса бўлади.


Савол: Эркаклар кўзларига сурма қўйишга бўладими?

Жавоб: Эркакларга ҳуснли бўлиш учун, зийнат учун сурма қўйишлари жоиз бўлмайди. Лекин шифо топиш мақсадида сурма қўйишлари жоиздир. Киприклар тўкилмаслик учун, кўзни қувватлантириш учун сурма қўйиш яхши бўлади. (Сурма кўз бўяйдиган қаламлардан бошқача бўлади. Атторлардан излаб топиш мумкин. Баъзи ҳожилар Ҳижоздан қайтаётганида олиб келишади.)

Савол: Ипак қандай ҳолларда ҳаром ва қандай ҳолларда жоиз бўлади?

Жавоб: Эркаклар учун ички ва ташқи кийимларнинг ипакдан бўлиши ҳаром, аёлларга эса ипакнинг ҳоҳлаган тури жоиз бўлади. Урушда ипакдан кийим кийиш жоиз бўлади. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинганки: **“Олтин ҳамда ипак аёлларга ҳалол, эркакларга эса ҳаромдир.”** (Табароний) Ипакдан кафан қилиш ёки тобутни устини ипак газлама билан ёпиш ҳаром бўлади. Ипак дастурхон ва ипак чойшаб ҳам жоиз эмас. Ўғил болага ипакдан кийим кийдириш макруҳ бўлади. Ипакдан сочиқ, ич кийим ҳамда ипак дўппи кийиш макруҳ бўлади. Кийим устидан тўрт бармоқ энида ипак тасма (лента), бўйинбоғ тақиш жоиз. Сунъий ипак, пашшахона, сочиқ, тасбеҳ ипи, сумка, мусҳаф қопламаси ва тугуннинг ипакдан бўлиши жоиз. Ясатиш, мақтаниш мақсади бўлмаса деворга ипак гилам осиш жоиз бўлади. Ипак гилам тўшаш, устига ўтириш, ипак жойнамозда намоз ўқиш эса, жоиз. Асҳоби киромдан ҳазрати Зубайр ва ҳазрати Абдурраҳмонга ипак кийим кийшларига берилган рухсат, фақат шу кишиларга махсус эди. Арфажа бин Сод ҳазратларига ҳам олтин бурун тақишига берилган рухсат, фақат унга тегишли эди.

Савол: Аёллар шиша, нейлон, бронза, жез, платина, мис ва







яна бошқа моддалардан ясалган билагузук, кулон каби безак ашёларини тақишлари жоиз бўладими?

Жавоб: Ҳа жоиз. Лекин бу моддалардан узук тақиш аёллар учун ҳам ҳаром бўлади. Бегона кишиларга кўрсатмаслик шарти билан олтин, кумуш узук тақиш аёлларга жоиз. Эркакларга олтиндан узук тақиш ҳаром бўлади. (**Ибни Обидин**, **Мавоҳиб-и Ладунния**)

Савол: Аёлларнинг сочларини йиғиб, бошининг устига, бўйин устига туянинг ўркачидек қилиб турмаклашлари тақиқлангани ҳақида айтилган ҳадиси шариф қайси китобда ёзилган?

Жавоб: “Бариқа” ва “Ҳадиқа” китобида ёзилган. “Муслим”, “Муватта” ва шу кабиларда ҳам бор. Ҳатто мазҳабсизларнинг китобида ҳам келтирилган. Мазҳабсиз Юсуф Қарзовийнинг “Ал-ҳалол вал-ҳаром” китобида “Кийимли яланғоч ҳамда сочларини бошининг устига туянинг ўркачига ўхшатиб турмаклаган аёллар Жаннатга кирмайди. Ҳатто Жаннатнинг ҳидини ҳам туйишмайди. Ҳолбуки Жаннат ҳиди жуда олисларга етиб боради” ҳадиси шарифи аёлларнинг юпқа, шаффоф ёки баданга ёпишиб турувчи тор кийим ёки ҳижоб кийишлари ва сочларини бошининг устига турмаклаб йиғишларини тақиқламоқда.

Савол: Аёлларга хушбўй ҳидлар сепиниб кўчага чиқишлари жоиз эмас дейишади, эркаклар учун жоизми? Бобом жума кунлари масжидга боришдан олдин хушбўй мисклар (мушк) сепиниб олади, бу жоиз эмасми?

Жавоб: Эркакларга суннатга амал қилиш учун, дин биродарларининг орасида гўзал ҳидлар таратиш нияти билан миск сепинишлари жоиз бўлади. Аёлларга ёқиш учун сепиниш жоиз эмас.

Савол: Кўйлак енгининг тугмалари олтиндан бўлса кийиш жоизми?

Жавоб: Йўқ, чунки олтин зийнатдандир.

Савол: Янги турмуш қурган оиламиз. Эрим санъаткор аёллар




билан бирга ишлайди. Эримнинг кўнгли уларга тушмасин дея, эри учун ясаниш жоиз бўлгани боис макияж қиламан. Баъзида шу ҳолда кўчага чиқишимга тўғри келади. Бу ҳам гуноҳ бўладими? Агар гуноҳ бўлса фақат менга ёзиладими ёки эримга ҳам гуноҳ ёзиладими?

Жавоб: Агар эрингиз ҳаромга қарашдан тийилмаса нечоғлик гўзал бўлсангиз бўлинг, қанча ясансангиз ясанинг, ҳатто дунёдаги энг гўзал аёл бўлсангиз ҳам бари бир сиздан хунук бўлган ўша аёллардан бирига қарайверади. Чунки инсон нафси ҳаромлардан ҳузурланади, унинг озиғи ҳаромдир. Шу сабабли даставвал нафс тарбияси даркор. Ҳаромларнинг ёниб турган ўт эканлигини билган киши, рафиқаси ҳуснсиз бўлса ҳам бошқаларга, яъни ҳаромга боқмайди. Макияж билан кўчага чиқиш ҳаром бўлади. Уйда макияж қилишингиз мубоҳ бўлса ҳам эрингизнинг бегоналарга, ҳаромларга қарашига тўсқинлик қилолмайди. Бу фақатгина ўз-ўзимизни овутиш, холос. Макияж қилиб кўчага чиққан аёл учун эри ҳам, сўзи ўтадиган оила катталари ҳам жавобга тортилади. Қўлига тақилган билагузук, узук, занжир, кулон, сурма каби бошқа зийнатларни ҳам кўчага кўрсатиб тақиб чиқмаслик керак. Ясаниб, атир сепиб кўчага чиқиш гуноҳ бўлади. Бир ҳадиси шарифда **маолан “Бир аёл атир сепиб кўчага чиқса ва ҳидини кўча бўйлаб таратиб эркаклар ёнидан ўтса, унга қараганга ҳам, ўзига ҳам зино гуноҳи**(кўз зиноси) **юкланади.”** (Насоий)

Аёл кишининг саломи

Савол: Нотаниш аёллар телефонда ёки дўконимизга кирганида «ассалому алейкум» деб салом беришади. Уларнинг саломларига алик олсам гуноҳ бўладими?

Жавоб: Гуноҳ бўлмайди. Салом: хавфсиз, ҳузур, саломат,







соғлик, дўстлик, роҳатлик, тинчлик қутулиш каби маъноларни ифода қилади. Салом бериш, яъни “Ассалому алайкум” дейиш “Мен мусулмонман, сизга мендан зиён келмайди, саломатликда бўлинг, сўнгги нафасингизда имонли бўлинг” маъноларини англатувчи энг гўзал дуодир. Аёл киши эркак одамга ёки эркак киши аёлга “Аллоҳ рози бўлсин” дея дуо қилса бўлади, демак салом беришга ҳам алик олишга ҳам бўлади. Лекин бегоналарга салом ёки дуо қилинганда, қаршисидаги одам “мени ёқтириб турибди, яхши кўрса керак, шу сабабли салом берди ёки дуо қилди” деган хаёлга бориши ҳам мумкин.

Шу сабабли эркак аёлга, ёки аксинча аёл эркакка салом берганида фитна туғилиши мумкин бўлса, салом ва дуо қилинмагани афзал. Бегона аёлга дуо қилиш ва салом беришдек заруратсиз гаплашиш ҳам жоиз эмас. Мабодо бир эҳтиёжи туфайли гаплашишга мажбур бўлса, салом бериш ёки дуо қилиш жоиз бўлади. “Номаҳрамлар билан хоҳлаган нарсани гаплашишга бўлади, дуо ва салом мавзусига келганда, булар жоиз эмас” дейилмайди. “Хайрли кун”, “хуш келибсиз”, “хайрли тонг” каби сўзлар айтиш ҳам салом бериш билан бирдек бўлади.

Номаҳрамларга бундай сўзларни айтиш ҳам жоиз эмас. Бир эҳтиёж бўлгандагина бундай сўзларни айтиш жоиз бўлади ва шунингдек салом бериш ҳам жоиз бўлади. **“Мажалла”** китобининг 39-бобидаги *“Замон ўзгариши билан ҳукмлар ҳам ўзгаради”* қоидасининг шарҳи қуйидагича ёзилган: *Замон ўзгариши билан урф-одатга оид ҳукмлар ўзгара олади. Қуръон ва ҳадисларга, далилларга таянган ҳукмлар эса замон ўзгаришига қараб ўзгармайди.* **(Дурар-ул-ҳукком)** Намоз, рўза, закот каби ҳукмлар замонга қараб ўзгармайди, лекин урф-одатга оид ҳукмлар ўзгара олади. Масалан, кўчада кетаётиб, ўзингиз танимайдиган бир кишига салом берсангиз, “Бу киши мени қаердан танийди, нимага салом берди” деган хаёлларга бориб сизга ҳайрон бўлиб қарайди. Саломни ёйиш








динимизнинг амридир, лекин ҳалиги зарари туфайли кўчада учратган одамларнинг ҳаммасига салом бераверишга ҳам бўлмайди.

Динимизда бидъат аҳлига, фосиқларга салом берилмайди дейилган. Лекин ҳозирги замонда бизнинг танишларимиз шундай одамлар жумласидан бўлса ҳам салом берилади. Чунки салом бермасангиз ёки саломига жавоб бермасангиз “Нега мен билан саломлашмайди, нимага саломимга алик қайтармайди” деб ўйлаб, орқаворотдан зиён етказишга уриниши мумкин. Ҳолбуки эски даврларда бир кишига салом берилмаса, у киши “Мен фалон гуноҳни очиқча қилиб қўйганим учун мусулмонлар менга салом беришмаяпти” дея ўйлар ва айбни ўзидан ахтарарди. Ҳозирги замонда эса, бу ҳукмни қўлланиш фитнага сабаб бўлади. Керак бўлганда кофирларга ҳам салом бериш жоиз бўлади. Баъзи ҳукмлар Дорулҳарб дея номланган ғайримусулмон ўлкаларида фарқли бўлади. Жаноби пайғамбаримиз бундай ўлкаларда улардан фоиз олишнинг жоиз эканлигини билдирганлар. Савдога оид бўлган бошқа фосид ҳукмлар ҳам бундай ўлкаларда жоиз бўлади.

Ҳазрати Умар гуноҳ иш қилган қўшиқчи аёлни дарра урдириб жазоларкан, аёлнинг рўмоли тушиб боши очилиб қолганида “Ҳаром билан машғул бўлишни одат қилгани учун бу аёлнинг ҳурмати йўқ, эҳтиёж миқдорича қараш гуноҳ бўлмайди” деганлар. Абу Бакр Балхий ҳазратлари ҳам дарё қирғоғи бўйлаб бораркан, бош ва қўллари очиқ ҳолда юрган аёлларни кўрганида “Буларнинг ҳурмати қолмагани боис эҳтиёж бўлганда қараш гуноҳ эмас” деганлар. Зарурат бўлганида бундай аёлларга салом бериш ва саломларига алик олиш ҳам жоиздир. Бирон жойда ишлашга мажбур бўлган боқувчисиз муҳтож аёллар, ишининг талабига кўра тўпиғидан пастки оёқ ва билакларини оча олади. Эркакларнинг уларни иш юзасидан кўришлари, шаҳватсиз қарашлари, саломига алик олишлари ва салом








беришлари жоиз бўлади. Юқорида изоҳ қилинган сабабларга кўра баъзи тақиқланган нарсалар мубоҳга айланади. Масалан, ишхонамизга келган ёки биз борган иш жойларида, аёллар билан гаплашишга мажбур бўлганимизда, уларга салом бериш ҳамда саломларига алик олиш гуноҳ бўлмайди. Ҳатто у аёл хуш келибсиз дея қўлини чўзса, қўл олиб кўришиш ҳам жоиз бўлади. Ҳолбуки ҳеч қандай мажбуриятсиз, эҳтиёжсиз бир аёл билан қўл олиб кўришиш ҳаром бўлади. Шу мавзуга оид ҳадиси шарифлар маоли қуйидагича: **“Кишининг бошига қозиқ қоқилганда тортадиган азоби, бегона аёлнинг қўлини ушлаш азобидан енгилроқдир.”** (Байҳақий) **“Бегона аёлга шаҳват билан қараш кўз зиноси, қўлини олиш эса қўл зиносидир.”** (Р. Носиҳин) **“Ахлатга беланган чўчқага суйкалиш, бегона аёлга тегинишдан афзал.”** (Табароний) **“Бегона аёл билан қўл олишган кишининг қўллари боғланган ҳолда жаҳаннамга отилади.”** (Р.Носиҳин) Динимизда рухсат этилган ҳукмлардан эҳтиёж қадар фойдаланиб, фитнага сабабчи бўлиб қолмаслик керак. Фитна чиқиш хавфи бўлмаса, динимизда қандай амр қилинган бўлса шундай амал қилиш лозим бўлади.

Турли савол-жавоблар

Савол: Бир йигит билан учрашиб турамиз. Динни яхши билмайди, намоз ўқимайди. Аммо мен уни йўлга соламан. Чунки уйланганимдан кейин барини қиламан деяпти. Отам эса уни солиҳ йигит эмас деб умуман рози бўлмаяпти. Нима қилишимни маслаҳат берасиз?

Жавоб: Флирт вақтида ёшлар ўзининг аслида қандай эканликларини ошкор этмайдилар. Ўзларини мулойим ва итоатли қилиб кўрсатадилар. Уйлангандан кейин ҳақиқий юзи кўринади. “Динни яхши билмайди, намоз ўқимайди. Аммо мен








уни йўлга соламан” деяпсиз. Ким кимни йўлга солиши кейин, яъни турмуш қургандан кейин маълум бўлади. Аввал динни ўргансин! Намоз ўқишни бошласин. “Уйлангандан кейин барини қиламан” деганига эътибор берилмайди. Отангиз айтганидек, ҳозир у билан турмуш қуриш тўғри эмас. Динимизда бундай кимсаларга фосиқ дейилади. Фосиқ динсиз дегани эмас. Очиқча гуноҳ ишлаган кимса деганидир. Фосиқ билан турмуш қуриш тўғри эмас экан, динсиз билан турмуш қуриш асло жоиз эмас. Ота-оналари қизларини фосиқ, ёмон кишилар бор жойга юбормасликлари керак. Чунки улар у ерда нопок, ҳатто динсиз кишилар билан танишиши мумкин. Ислом динига кўра мусулмон бўлмаган кимса билан турмуш қурилмайди. “Турмуш қургач мусулмон бўламан” ёки “Турмуш қургач намоз ўқийман” деган гапларига эътибор берилмайди.

Савол: Хунук ва фақир кимса билан турмуш қуриш жоизми?

Жавоб: Турмуш қурадиган кишининг мусумон бўлиши кифоя. Бой ва гўзал бўлса, ундан ҳам яхши. Аммо мусулмон бўлмаса, бойлиги, гўзаллиги ҳеч нарсага ярамайди. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики: **“Аёлга моли, гўзаллиги, насли тозалиги ва мусулмонлиги учун уйланадилар. Сен диндор бўлганини танла, шунда моддий ва маънавий неъматга қовушасан!”** (Бухорий) **“Аёлга гўзаллиги учун уйланма, гўзаллиги уни фалокатга етаклаши мумкин. Мол-мулки учун ҳам уйланма, бойлиги уни зararга олиб келиши мумкин. Диндор бўлганига уйлан!”** (Ибн Можа) Солиҳ кимса билан турмуш қураётганда фақирликдан қўрқмаслик керак. Чунки Аллоҳу таоло **“Агар фақир бўлсалар Аллоҳ уларни** (турмуш қурганлари сабабли) **фазли билан бадавлат қилади”** деб буюради. (Нур, 32) Савол: Оилали бир кишини севаман. Учрашмаймиз, фақат қалбдан севаман. Барибир гуноҳ бўладими? Жавоб: Севги инсоннинг қўлида бўлмаган бир туйғудир. Иффат (номус)ини сақлаш ва гуноҳ бўлган ишлардан сақланиш шарти билан бирор кимсани







севиш гуноҳ бўлмайди. Ҳатто иффатини сақлаб, севгисини яшириш жуда савобдир. Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики: **“Севгисини яшириб, иффатини сақлаб вафот этган – шаҳиддир.”** (Ҳаким, Хатиб) **“Севгисини яшириб, иффатини сақлаб, сабр этганни Аллоҳу таоло Жаннатга қўяди.”** (И.Асакир) Демак, динимизда иффатини муҳофаза этиш ва севгиси сабабли гуноҳ ишлашдан сақланиш жуда савобдир. Чунки одатда севги инсонни кўр ва кар қилгани учун ўзини гуноҳдан сақлаши жуда қийиндир. Қийин бўлган ишларни бажаришнинг ҳам савоби катта бўлади. Ҳадиси шарифда **“Умматимнинг хайрлилари севги балосига дуч келганда иффатини сақлаганларидир”** деб марҳамат қилинди. (Дайламий)

Савол: Холаваччалари билан турмуш қуриш макруҳми? Жавоб: Ҳа, танзиҳан макруҳдир. Амакиваччалар билан турмуш қуриш ҳам шундай. Савол: Бир қиз билан флирт этамиз, қучоқлашамиз. Унга уйланиш ниятим борлиги мени гуноҳдан қутқармайдими?


Жавоб: Йўқ, қутқармайди. Уйланишга қарор бериш гуноҳни мубоҳ қилмайди.

Савол: Қизимни ўғлига сўраган кишига “Сен ҳам ўғлимга қизингни бер” дейишим жоизми?

Жавоб: Ҳа, жоиз.

Савол: Ёш бир қизман. Бир йил турмуш қуриб, оиласидан ажрашган эркак менга уйланишни истаяпти. Мен ҳам уни севаман. Нималарга эътибор беришимни маслаҳат берасиз?

Жавоб: Намоз ўқийдиган, номусли йигит бўлса, истиҳора қилганингиздан кейин қарор қабулланг! Агар намоз ўқимайдиган бўлса, собиқ аёлига қилганини сизга ҳам қилиши мумкин. Чунки Аллоҳдан қўрқмаган кимса, инсонларни алдашдан қайтмайди.





Мундарижа

